СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.
№ 63 (4569).
31 МАРТ
ЧОРШАНБА
1971 ЙИЛ
Баҳоси 3 тийин.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1971 йил 30 март эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди ўз ишини бошлади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний кириш нутқи сўзлаб, съездни очди.

Съезд президиумни, секретариатни, редакцион комиссияни ва мандат комиссиясини сайлади.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади—докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ.

2. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади—докладчи Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. СИЗОВ.

3. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971-1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари—докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН.

4. Партия Марказий органларини сайлаш.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди. Съезд делегатлари ва меҳмонлар ўртоқ Л. И. Брежневни қизғин кутиб олдилар.

МОСКВА. КПСС XXIV съездининг очилишя. Суратда: съезд президиуми.

(Сурат ТАСС—ЎзТАГ фототелеграфи орқали олинган).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ

30 мартда Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди иш бошлади.

Эрталаб соат 10. Делегатлар ва меҳмонлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларини қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Залда чет эл Коммунистик партиялари, Миллий демократик партиялар ва сўл социалистик партияларнинг делегациялари ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Н. В. Подгорний кириш нутқи сўзлайди. У айтдики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездига 4963 делегат сайланган, шулардан 4740 киши ҳал қилувчи овозга ва 223 киши маслаҳат овозига эга. Съездда 4949 делегат қатнашмоқда. 14 делегат узрли сабаблар билан съездда қатнашмаётир.

КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан ўртоқ Н. В. Подгорний Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездини очиқ деб эълон қилади.

Зал гумбазлари остида гулдурос қарсаклар янграйди.

Бизнинг ленинчи партиямиз, дейди ўртоқ Н. В. Подгорний, шу билан йигирма тўртинчи марта ўз съездини ўтказмоқда. Мамлакатимиз коммунистлари — жаҳонда биринчи социалистик ва коммунистик жамият бунёдкорлари — қилинган ишларни якунламоқ, етилган вазифаларни муҳокама қилмоқ, бу вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва методларини белгилаб олмоқ учун ўзининг олий анжуманига йигирма тўртинчи марта тўпланиб турибди.

КПССнинг бундан олдинги XXIII съездидан бери орада беш йил вақт ўтди. Коммунистлар, бутун совет халқи катта ишлар қилди. Партия коммунистик жамият қуришнинг янги етилган проблемаларини кўтариб чиқди ва ҳал қилди, ижтимоий ривожланишнинг энг мураккаб масалаларига илмий жиҳатдан асосланган жавоблар бериб турди. Биз резервлардан тўлиқроқ фойдаланиб, камчиликларни бартараф қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни тўхтовсиз кўпайтиравердик, фан ва маданиятни ривожлантиравердик, халқ фаровонлигини ошираведик.

Партия сиёсий раҳбарликнинг ленинча принципларига амал қилиб, омманинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантиравердн, хўжаликни, жуда кенг маънодаги барча давлат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни тағин ҳам активроқ қатнаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Социалистик демократияни ривожлантиришнинг моҳияти, жамиятимизни сиёсий ташкил этиш системасини такомиллаштиришнинг энг муҳим шарти мана шундай.

Коммунистик партиянинг Программасида, XXIII съезд қарорларида белгилаб берилган бош йўлини муваффақиятли ўтказиб бориш ишчиларни, деҳқонларни, зиёлиларни партия теварагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштиришга, мамлакатимиз халқларининг улуғ дўстлигини, кўп миллатли социалистик давлат бирлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга имкон берди. **(Қарсаклар).**

КПССнинг XXIII съезди билан XXIV съезди ўртасидаги даврда мураккаб ва кескин халқаро воқеалар кўп содир бўлди. Партиямиз халқаро майдонда шу йиллар ичида эришган муваффақиятлар шунинг учун ҳам айниқса аҳамиятли ва салмоқлидир. Партиямизнинг ленинча ташқи сиёсат йўли қатъий принципиалликни ва зарур эпчилликни, реализмни, вазминликни ва юксак активликни ўзида мужассамлантириб, совет халқига тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкам равишда таъминлаб берди. Ватанимизнинг обрўйи ва эътиборини тағин ҳам баланд кўтарди. Шу билан бирга бу йўл жаҳон озодлик ҳаракатининг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини империализмнинг агрессив сиёсатига қаршилик кўрсатишнинг энг муҳим омили эканлигини, бутун дунёда тинчлик ишига муттасил хизмат қилаётганлигини турмушнинг ўзи исботлаб турибди. **(Қарсаклар).**

Ўтган йиллар ичида биз дўстларимиз билан бирга халқимиз, давлатимиз ва партиямиз тарихидаги, бутун жаҳон революцион ҳаракати тарихидаги энг катта саналарни — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонладик. Юбилей тантаналари кунларида ҳар бир киши мамлакатимиз босиб ўтган буюк ва шонли йўлни яна бир марта кўздан кечиргандек бўлди. Бунёдкор халқ бўлган совет халқи ўзининг бутун баҳодирона кучи билан жами инсониятнинг кўзи олдида яна бир марта намоён бўлди. **(Қарсаклар).**

В. И. Ленин айтганидек, жаҳон тарихининг янги даврини бошлаш бахти бизга насиб бўлганлиги билан фахрланамиз. Партиямиз, халқимиз бошқа революцион отрядлар билан, социалистик мамлакатлар билан, қардош коммунистик ва ишчи партиялар билан, барча антиимпериалистик ва демократик кучлар билан бир сафда бормоқдалар. Ўзининг синалган, чиниққан ленинчи партияси бошчилигида совет халқи бутун халқаро революцион ҳаракат отрядларидан бири сифатида иш олиб бориб, коммунизм чўққиларига биринчи бўлиб кўтарилишдан иборат ўз вазифасини шараф билан ва охиригача бажаради! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партиянинг ленинча донишмандлиги, омманинг йўлбошчиси ва раҳбари сифатида партиянинг кўп қиррали фаолияти, партиянинг жанговар руҳи ҳамда ўз халқининг манфаатларига, коммунизм идеалларига чексиз садоқати биз қилаётган ишларда ўз ифодасини топмоқда. Партия чуқур томир ёйиб халқ турмуши билан, халқнинг ташвишлари ва меҳнати билан чамбарчас боғланганлиги учун ҳам кучлидир. Шу йиллар ичида ҳам партия, унинг Марказий Комитетидан тортиб, завод ва қурилишлардаги, колхоз ва совхозлардаги, муассасалар ва институтлардаги бошланғич ташкилотларига қадар барча бўғинлари халқ манфаатларини кўзлаб, халқнинг бахти ва фаровонлигини кўзлаб, коммунизм тантана қилишини кўзлаб зўр ғайрат ва сабот билан ишлаб келганлигини совет кишилари яхши биладилар.

Шу сабабли халқимиз партия сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Партиянинг кучи мана шунда. Халқнинг меҳнати фидокорлиги, юксак сиёсий онглилиги ва активлиги — совет мамлакати қудратининг ва обрўйининг манбаидир, мўлжаллаб қўйган планларимиз албатта бажарилишининг гаровидир.

Марказий Комитет ишлаб чиққан йўл, унинг съезд муҳокамасига ҳавола қилган масалалари ва таклифлари, янги беш йиллик планга доир Директивалар, партиянинг бутун сиёсати ва иши совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик билан суғорилган. Бундан кўра бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Партия учун, ҳар бир коммунист учун ўз халқига жонбозлик билан хизмат қилишдан кўра муқаддасроқ иш бўлмайди, ҳаётнинг бундан кўра юксакроқ моҳияти бўлмайди! **(Қарсаклар).**

XXIV съезд мамлакатимиз тарихида, бутун жаҳон ҳаётида улкан воқеадир. Коммунистлар ва барча совет кишилари дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз, ҳаттоки, мухолифларимиз ҳам бу съезд ишига кўз тутиб турибдилар. Бу тушунарли бир ҳол. Партия қўлга киритилган натижаларга таҳсин айтиш билан бирга қилинган ишларни совет жамиятининг узлуксиз тараққиётидаги фақат бир босқич деб билади. Партия ўзининг асосий куч ва ғайратини олға томон қаратади, истиқболларга, етилган проблемаларни ҳал этишга йўллайди.

Партия, бутун халқ XXIV съезднинг янги, тағин ҳам масъулиятлироқ марраларини, бу марраларга эришиш воситалари ва методларини аниқ белгилаб беришига ишонадилар. Кенг планларимизнинг реаллиги, бу планларда мужассамлаштирилган ўн тўрт миллионли партия ва бутун совет халқининг коллектив донишмандлиги ва иродаси қудратли кучга эга эканлиги Маркс, Энгельс, Ленин чизиб берган йўлда, коммунизм манфаатларини кўзлаб қилинадиган кураш, кашфиётлар ва буюк меҳнат йўлида янги катта қадам қўйишга қаттиқ бел боғлаганлигимиз бутун дунёга яна бир марта яққол намойиш қилинади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг ишида қатнашмоқ учун жаҳоннинг тўқсон мамлакатидан коммунистик, миллий демократик ва сўл социалистик партияларнинг 101 та делегацияси келди. **(Қарсаклар).**

Империализмга қарши, халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун курашдаги дўстларимиз ва жанговар сафдошларимизни съездимиз делегатлари, барча совет коммунистлари номидан чин юракдан табриклаймиз. **(Қарсаклар).** Бизнинг таклифларимизни қабул қилиб, КПСС XXIV съездининг ишида қатнашмоқ учун ўз вакилларини юборган партияларингизнинг Марказий Комитетларига чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз, азиз ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Қардош Социалистик мамлакатлар партияларининг съездимизда қатнашаётган делегацияларини:

Ўртоқ Тодор Живков бошчилигидаги Болгария Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Янош Кадар бошчилигидаги Венгрия Социалистик ишчи партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Меҳнаткашлар партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошчилигидаги Германия Бирлашган Социалистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Ким Ир бошчилигидаги Корея Меҳнат партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Освальдо Дортикос Торрадо бошчилигидаги Куба Коммунистик партияси делегациясини. **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Юмжагийн Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ революцион партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Эдвард Герек бошчилигидаги Польша Бирлашган ишчи партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Николае Чаушеско бошчилигидаги Руминия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Густав Гусак бошчилигидаги Чехословакия Коммунистик партияси делегациясини. **(Қарсаклар),**

Ўртоқ Миялко Тодорович бошчилигидаги Югославия Коммунистлар союзи делегациясини қизғин табриклаймиз **(Қарсаклар).**

Биз қуйидаги делегацияларни:

Партия раиси ўртоқ Мури бошчилигидаги Австрия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия Миллий секретари ўртоқ Ларонз бошчилигидаги Австралия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет ижроия комитетининг аъзоси ўртоқ Родольфо Гиольди бошчилигидаги Аргентина Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Дрюмо бошчилигидаги Бельгия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Колле бошчилигидаги Боливия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг бош секретари ўртоқ Престес бошчилигидаги Бразилия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Голлан бошчилигидаги Буюк Британия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

Партия бош секретари ўртоқ Фариа бошчилигидаги Венесуэла Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет аъзоси ўртоқ Жерар бошчилигидаги Гаити коммунистлари Бирлашган партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Гайана Халқ прогрессив партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Давент бошчилигидаги Гваделупа Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ Родригес бошчилигидаги Гватемала меҳнат партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет биринчи секретари ўртоқ Рейман бошчилигидаги Германия Коммунистик партияси делегациясини, **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Бахман бошчилигидаги Герман Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Данелиус бошчилигидаги Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Моралес бошчилигидаги Гондурас Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет биринчи секретари ўртоқ Колиянис бошчилигидаги Греция Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Есперсен бошчилигидаги Дания Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Иса Конде бошчилигидаги Доминикана Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Вильнер бошчилигидаги Исроил Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия Миллий кенгашининг бош секретари ўртоқ Рао бошчилигидаги Ҳиндистон Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

(Давоми 10-бетда).

СЪЕЗД ПРЕЗИДИУМИ:

Алиев Г. А.
Андропов Ю. В.
Охунова И. Н.
Байбаков Н. К.
Блесков А. А.
Бодюл И. И.
Бондаренко И. А.
Бородин А. М.
Брежнев Л. И.
Ватченко А. Ф.
Вашченко Г. И.
Викторов А. В.
Воронов Г. И.
Восс А. Э.
Ғафуров М.
Георгиев А. В.
Горячев Ф. С.
Гречко А. А.
Гришин В. В.
Громико А. А.
Дегтярев В. И.
Демичев П. Н.
Долгих В. И.
Епишев А. А.
Ештокин А. Ф.
Золотухин Г. С.
Капитонов И. В.
Катушев К. Ф.
Келдиш М. В.
Кириленко А. П.
Коваленко А. В.
Конотоп В. И.
Косигин А. Н.
Кочинян А. Е.
Кулаков Ф. Д.
Куличенко Л. С.
Кунаев Д. А.
Кэбин И. Г.
Лебедев Е. И.
Мазуров К. Т.
Масленников Н. И.
Машеров П. М.
Мжаванадзе В. П.
Николаева-
Терешкова В. В.
Орлов В. П.
Патон Б. Е.
Пельше А. Я.
Петров Ф. Н.
Плетнева В. Н.
Подгорний Н. В.
Полянский Д. С.
Пономарев Б. Н.
Расулов Ж.
Рашидов Ш. Р.
Романов Г. В.
Рубитель Е. З.
Рудавин Н. В.
Рябов Я. П.
Сергеев М. И.
Сизов Г. Ф.
Снечкус А. Ю.
Соломенцов М. С.
Суслов М. А.
Табеев Ф. А.
Тяжельников Е. М.
Устинов Д. Ф.
Усубалиев Т.
Филатов А. Д.
Чиряев Г. И.
Шокиров М. З.
Шелепин А. Н.
Шелест П. Е.
Шибаев А. И.
Шолохов М. А.
Щербицкий В. В.

СЪЕЗД СЕКРЕТАРИАТИ:

Аристов Б. И.
Ашимов Б.
Воропаев М. Г.
Воротников В. И.
Горбачев М. С.
Греков Л. И.
Кисилев Т. Я.
Ломакин В. П.
Ломоносов В. Г.
Лутак И. К.
Манякин С. И.
Паскарь П. А.
Поздеев В. И.
Попов Б. В.
Приезжев Н. С.
Проскурин Е. П.
Риков В. Н.
Скочилов А. А.
Ткачук Г. И.
Хренников Т. Н.
Черненко К. У.
Черний А. К.
Школьников А. М.
Якубовский И. И.
Яснов М. А.

СЪЕЗД РЕДАКЦИОН КОМИССИЯСИ:

Бабин В. Е.
Вадер А. П.
Васильев Н. Ф.
Вороновский Н. А.
Демичев П. Н.
Жавахишвили Г. Д.
Димшиц В. Э.
Ермин Л. Б.
Зимянин М. В.
Қаҳҳоров А.
Кириллин В. А.
Кусков Е. И.
Лукьяненко П. П.
Ляшко А. П.
Мусин Ш. С.
Новиков И. Т.
Павлов Г. П.
Поляков И. Е.
Пономарев М. А.
Притицкий С. О.
Тер-Газарянц Г. А.
Толкунов Л. Н.
Томский Н. В.
Трапезников С. П.

СЪЕЗД МАНДАТ КОМИССИЯСИ:

Базовский В. Н.
Банников Н. В.
Белуха Н. А.
Георгадзе М. П.
Густов И. С.
Дригин А. С.
Ефремов М. Т.
Иванникова М. С.
Ивановский Е. Ф.
Кабалоев Б. Е.
Казаков В. И.
Капитонов И. В.
Кисилев И. И.
Козлов С. В.
Қозирь П. П.
Коротков Б. Ф.
Корiтков Н. Г.
Коспанов Ш. К.
Крахмалев М. К.
Лесечко М. А.
Лошенков Ф. И.
Мальбахов Т. К.
Манюшис И. А.
Марахина М. А.
Матчонов Н. М.
Месяц В. К.
Мусахонов М. М.
Новиков В. Н.
Сенькин И. И.
Смирнов А. Н.
Смирнов Л. В.
Смирнова К. Л.
Сурганов Ф. А.
Суюмбоев А. С.
Тихонов Н. А.
Тока С. К.
Умаханов М.-С. И.
Храмцов А. И.
Цибулько В. М.
Чанидзе Г. Ю.
Шашков Н. П.
Шевченко В. В.
Юнак И. Х.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг 1971 йил 30 мартда қилган доклади

Делегат ўртоқлар! Азиз меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездидан буён орадан беш йил вақт ўтди.

Бу йиллар халқимизнинг қизғин меҳнат қилган йиллари бўлди. Совет кишилари партия белгилаб берган планларни амалга ошира бориб, коммунистик қурилишнинг барча асосий соҳаларида ғоят катта муваффақиятларга эришдилар.

Бу давр социалистик экономикамиз олга томон янги катта қадам қўйган йиллар бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми анча кўпайди. Қишлоқ хўжалиги дадил қадам билан ўсиб борди. Фан ва техникани ривожлантиришда янги марраларга эришилди, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари тобора кенг миқёсда ўзлаштирилиб борилди. Шу асосда биз партиямиз фаолиятининг оқибат натижада асосий моҳиятини ифодалайдиган йўлда — бутун Совет халқининг фаровонлигини ва маданиятини янада юксалтириш йўлида анча олдинга силжишга муваффақ бўлдик.

Бу давр социалистик ижтимоий муносабатлар ва совет демократияси муваффақиятли ривожланган йиллар бўлди, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги янада гуллабяшнаган, улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг сиёсий ва мудофаа қудрати анча мустаҳкамланган йиллар бўлди. **(Қарсаклар).**

Халқаро ривожланиш соҳасида бу давр катта социал-сиёсий ўзгаришлар рўй берган йиллар бўлди, тинчлик, озодлик, тараққиёт кучлари билан зулм, реакция ва агрессия кучлари ўртасида кескин кураш йиллари бўлди. Планетанинг уфқлари уруш хавфининг қора булутлари билан бир неча марта қопланди. Лекин ҳар сафар империалистларнинг ҳуружлари кескин зарбага учрайверди.

Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашга катта ва актив ҳисса қўшдилар. **(Қарсаклар).** Ватанимизнинг халқаро позициялари яна ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолди, жаҳон социализм системасининг роли ошди. Замонамизнинг уч асосий революцион кучининг — социализм, халқаро ишчилар ҳаракати ва халқлар миллий озодлик курашининг буюк иттифоқи тобора мустаҳкамланиб ва кучайиб борди.

Ўтган беш йиллик улуғ ленинча партиямизнинг янада ўсиб ва мустаҳкамланиб борган, унинг халқ билан алоқалари янада маҳкамланиб борган, совет жамиятининг бутун ҳаётида партиямизнинг раҳбарлик роли янада ошиб борган давр бўлди. Шу йиллар ичида партиямиз бир талай мураккаб вазифаларни ҳал қилишига тўғри келди. Партиямиз коммунистик қурилишнинг тўпланган тажрибасини умумлаштириб сиёсатнинг принципиал реалистик йўлини ишлаб чиқди, бу йўлни бутун совет халқи маъқуллаб кутиб олди ва якдиллик билан қўллаб-қувватлади. **(Давомли қарсаклар).**

Бу давр улуғ юбилейлар — Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан совет кишиларининг сиёсий руҳи ва меҳнат соҳасидаги ғайрати ғоят юксалган йиллар бўлди **(Қарсаклар)** — партия белгилаб берган планларни амалга оширишда меҳнаткашлар кенг оммаси тағин ҳам активроқ қатнашган йиллар бўлди. Барча совет кишилари Коммунистик партиянинг XXIV съездини ўз ҳаётларидаги зўр воқеа деб билмоқдалар, уни конкрет ишлар билан, янги катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Бизнинг ленинча партиямиз ўзининг XXIV съездига куч ва ғайратга тўлган, янги тажриба билан бойиган ва яхлит бўлиб жипслашган ҳолда, эришилган муваффақиятларнинг бутун аҳамиятини ва миқёсини яхши англаган, ўз кучига ва олға томон янада ривожланишнинг мўлжаллаб қўйилган истиқболлари тўғрилигига ишончи комил бўлган ҳолда келди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Энди, ўртоқлар, Марказий Комитет ва бутун партиянинг ҳисобот давр ичида қилган ишлари якунларини ҳамда яқин йиллар ичида партия томонидан ўтказиладиган сиёсат ва мамлакатнинг ривожланиши хусусида Марказий Комитетнинг баъзи мулоҳазаларини баён қилишга ижозат бергайсиз.

I.

ССРНИНГ ХАЛҚАРО АҲВОЛИ. КПССНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ўртоқлар! Бизнинг ички ривожланишимиз жаҳон майдонидаги ишларнинг аҳволи билан чамбарчас боғланган. Мана шуни ҳисобга олиб партия Марказий Комитети халқаро масалаларга катта эътибор берди. СССР ташқи сиёсатининг, коммунистик ҳаракатда КПСС фаолиятининг энг йирик ва актуал проблемалари Марказий Комитетнинг Пленумларида неча марталаб кўриб чиқилди.

Совет Иттифоқи — тинчликсевар давлатдир, буни социалистик тузумимиз характерининг ўзи белгилайди. Совет ташқи сиёсатининг мақсадлари, КПСС XXIII съезди белгилаб берганидек, шундан иборатки, биз бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга социализм ва коммунизм қуриш учун қулай халқаро шароитни таъминлаб беришимиз; социалистик мамлакатларнинг бирлигини ва жипслигини, уларнинг дўстлигини ва қардошлигини мустаҳкамлашимиз; миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашимиз ва ривожланаётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб туришимиз; турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини изчиллик билан ҳимоя қилишимиз, империализмнинг агрессив кучларига қатъият билан зарба бериб туришимиз, инсониятни янги жаҳон урушидан халос қилишимиз лозим.

Марказий Комитетнинг халқаро сиёсат соҳасидаги бутун амалий фаолияти мана шу мақсадларга эришишга қаратилди.

1. СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Жаҳон социалистик системасини янада жипслаштириш ва ривожлантириш, қардош социалистик мамлакатлар билан, уларнинг Коммунистик партиялари билан муносабатлар масалалари ҳар доим Марказий Комитетнинг диққат марказида турди.

Жаҳон социалистик системаси барпо бўлганидан буён чорак аср ўтди. Революцион назария ва практиканинг ривожланиши нуқтаи назаридан қараганда, бу йиллар ғоят самарали йиллар бўлди. Социалистик дунё коммунистик ва ишчилар ҳаракатига жуда катта, ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган тажриба берди. Бу тажриба шуни кўрсатиб турибдики:

— ҳозирги вақтда жаҳон социализм системасини ташкил этган давлатларда маҳкам қарор топган социалистик ижтимоий тузум капитализм билан тарихий курашда ўзининг буюк ҳаётий кучини исбот қилди. **(Давомли қарсаклар).**

— Жаҳон социалистик системасининг барпо бўлганлиги ва мустаҳкамланганлиги тарихий тараққиётни тезлаштирувчи қудратли куч бўлди, бу тараққиётни Улуғ Октябрь бошлаб берган эди. Социализмнинг бутун дунёда тантана қилиши учун янги истиқболлар очилди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилги халқаро кенгаши чиқарган хулосани, яъни «Жаҳон социалистик системаси антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи кучдир» деган хулосани турмуш исботлаб бермоқда.

— Жаҳон социализм системаси барча халқлар учун ҳаётий муҳим бўлган вазифани, яъни янги жаҳон урушининг олдини олиш вазифасини ҳал қилишга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳон социалистик системаси мавжуд бўлиб турганлиги ва актив ҳаракат қилаётганлиги учун ҳам империалистик агрессорларнинг кўпгина планлари барбод бўлди. **(Давомли қарсаклар).**

— Социализм қуриш ишидаги муваффақиятлар ижтимоий ривожланишдаги муштарак ва ўзига хос миллий хусусиятларни бирга тўғри қўшиб олиб боришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Социализмга олиб борадиган йўлни, унинг асосий белгиларини барча социалистик мамлакатларнинг ривожланишига хос бўлган муштарак қонуниятлар белгилаб беришини эндиликда биз фақат назарий жиҳатдан билибгина қолмасдан, шу билан бирга буни амалий жиҳатдан ҳам кўриб қаноат ҳосил қилдик. Биз шуни ҳам биламизки, умумий қонуниятларнинг ҳаракати ва таъсири конкрет тарихий шароитларга, миллий ҳусусиятларга мос бўлиб тушадиган турли формаларда намоён бўлади. Муштарак қонуниятларга асосланмай туриб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос конкрет-тарихий ҳусусиятларини ҳисобга олмай туриб социализм қуриш мумкин эмас. Мана шу икки омилни ҳисобга олмай туриб социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларни тўғри ривожлантириб бўлмайди.

Чорак аср ичида тўпланган тажриба шунингдек, янги жамият қуриш, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги, социалистик типини қарор топтириш жараёнида пайдо бўлаётган объектив ва субъектив тарздаги қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларига баҳо беришга ва бу йўлларни белгилаб олишга тағин ҳам чуқурроқ ва реалистик ёндошиш имкониятини беради. Социалистик мамлакатлардаги социал тузумнинг муштараклиги, шу мамлакатлар халқларининг туб манфаатлари ва мақсадлари бир-бирига мос бўлиб тушганлиги марксча-ленинча партиялар тўғри сиёсат ўтказиб турган шароитда мазкур қийинчиликларни муваффақиятли бартараф қилишга, жаҳон социалистик системасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишини муттасил олға силжитишга имкон беради.

Ўтган беш йиллик давр қардош мамлакатлар ва партиялар коллектив тажрибаси ҳазинасига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Кейинги беш йиллик ичида социалистик давлатларнинг иқтисодий потенциали жиддий суратда ошди, социализмнинг сиёсий негизлари мустаҳкамланди, халқ фаровонлиги яхшиланди, маданият ва фан янада ривож топди.

Шу билан бирга, маълумки социалистик дунёда баъзи қийинчиликлар ва мушкулликлар пайдо бўлиб турди, бу эса айрим давлатларнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ бу ҳол социализм мамлакатларининг дўстлигини ва жипслигини мустаҳкамлашдаги ҳукмрон тенденцияни ўзгартиролмади. Умуман барча соҳаларда қардош мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз муваффақиятли равишда ривожланиб ва мустаҳкамланиб борди **(Қарсаклар).**

Қардош мамлакатларнинг Коммунистик партиялари билан ҳамкорликни ривожлантиришга КПСС алоҳида аҳамият берди. Бундай ҳамкорлик тажрибаларимиз билан бир-биримизни бойитиб, социализм ва коммунизм қуришнинг принципиал проблемаларини биргаликда ишлаб чиқишимизга, иқтисодий алоқаларнинг энг рационал формаларини топишимизга, ташқи сиёсий ишларда муштарак йўлимизни коллектив бўлиб белгилаб олишимизга, идеология ва маданият соҳасидаги ишларимизга оид масалалар юзасидан фикрлашиб туришимизга имкон берди.

Ҳисобот даври ичида қардош партиялар ва давлатларнинг **ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш** ишида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Шу йиллар ичидаги энг йирик халқаро проблемалар ва воқеаларни социалистик мамлакатларнинг вакиллари турли лавозимларда учрашиб ва коллектив бўлиб кўриб чиқдилар.

Варшава Шартномаси ташкилоти қардош мамлакатлар ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий марказ бўлиб келди ва бўлиб келмоқда.

Варшава Шартномаси мамлакатлари Европада тинчликни мустаҳкамлашнинг кенг программасини ўз ташаббуслари билан кўтариб чиқдилар, мавжуд давлат чегараларининг барқарорлигини таъминлаш тўғрисидаги талаб шу программанинг асосий талаби бўлди. Шу программани ишлаб чиқиш ва конкретлаштиришга бағишланиб, Сиёсий Маслаҳат Комитетининг бир неча мажлиси ўтказилди.

Германия Федератив Республикаси милитаристларининг ядро қуроли билан қуролланишига йўл очувчи НАТОдаги мавжуд планлар амалга ошмай қолганлигини ҳам, ҳеч шубҳасиз, Варшава Шартномаси мамлакатлари ўз сиёсий ютуқлари қаторига киритишлари мумкин.

Германия Демократик Республикасининг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш Европадаги аҳволни стабиллаштириш йўлидаги муҳим вазифадир. Социалистик давлатлар биргаликда куч-ғайрат сарфлаганликлари туфайли мана шу муҳим вазифани ҳал қилишда ҳам каттагина силжишлар қўлга киритилишига муваффақ бўлинди. **(Қарсаклар).** «Хальштейн доктринаси» деб аталган доктрина улоқтириб ташланди. Германия Демократик Республикасини таниган давлатлар ҳозир 27 тага етди ва бу иш бундан буён ҳам муваффақиятли давом этаберишига шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар актив равишда ва изчиллик билан қўллаб-қувватлаб турганликлари Вьетнам халқларининг, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларнинг империалист интервентларига қарши олиб бораётган кураши учун ҳаётий аҳамиятга эга. Социалистик давлатлар Яқин Шарқда кўрган чора ва тадбирлар империалистларнинг араб мамлакатларидаги прогрессив режимларни ағдариб ташлаш планларини барбод қилишга олиб келган ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва бошқа халқаро ташкилотларда социалистик мамлакатлар биргаликда ҳаракат қилиб, халқаро ҳаётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўпгина таклифлар киритдилар. Бу таклифлар жаҳон жамоатчилигининг асосий диққат ва эътиборини ўзига жалб қилди.

Бир қанча чора ва тадбирлар коллектив бўлиб ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги натижасида кейинги йилларда **Варшава Шартномасининг ҳарбий ташкилоти** такомиллашди. Иттифоқчи давлатларнинг қуролли кучлари юксак даражада тайёр ҳолда турибди ва қардош халқларнинг тинч меҳнатини таъминлашга қодирдир. **(Давомли қарсаклар).**

Хуллас, ўртоқлар, социализм мамлакатларининг кўп томонлама сиёсий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда ва активлашмоқда. Биз ўз олдимизга муайян мақсадлар қўйиб, биргаликда шу мақсадларга эришиш чораларини кўрмоқдамиз. Маълумки, бу ҳол айниқса жаҳондаги икки ижтимоий система ўртасида кураш бораётган ҳозирги шароитда жуда катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг, социализм мамлакатларининг халқ хўжалик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас, ҳисобот даври бу соҳада ҳам самарали бўлди.

Баъзи фактларга мурожаат қилайлик.

Совет Иттифоқи ва қардош давлатлар миллий экономикаларини ривожлантиришда бир-бирига бутун чоралар билан ёрдамлашишга интилмоқдалар. Ўтган беш йил ичида бизнинг техникавий ёрдамимиз билан социалистик мамлакатларда 300 дан кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари қурилди ёки реконструкция қилинди. Биз ўзаро манфаатли шартлар билан дўстларимизга саноат маҳсулотларининг кўпгина турларини етказиб бермоқдамиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг, Кубанинг четдан сотиб олаётган энг муҳим хом ашё ва ёқилғига бўлган эҳтиёжларининг 70 процентини ва ундан ҳам кўпроғини, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикасининг шу хом ашё ва ёқилғига бўлган эҳтиёжининг анчагина қисмини Совет Иттифоқи бериб турибди.

Ўз навбатида бизнинг халқ хўжалигимиз ўтган беш йил ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам мамлакатларидан 54 та химия заводлари учун ускуналар олди. Шу давр ичида денгиз флотимизга қўшилган кемаларнинг 38 процентдан кўпроғи дўстларимизнинг кемасозлик корхоналарида қуриб берилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам мамлакатлари совет экономикасининг хом ашё ва ёқилғи тармоқларини ривожлантиришда, металл, минерал ўғит ва целлюлоза ишлаб чиқарадиган қувватларини кўпайтиришда ўзларининг капитал маблағлари билан қатнашмоқда. Бизга қардош мамлакатлардан кўпгина кенг истеъмол моллари ҳам юборилиб турибди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган СССР ва бошқа мамлакатлар ўзларининг иқтисодий муносабатларини узоқ муддатга мўлжаллаб ва асослаб қурмоқдалар. Жумладан, қардош мамлакатларнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планлари ўзаро мувофиқлаштирилди. Кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг ташкилий структурасини ва техникавий базасини ривожлантириш ишлари кейинги йилларда актив равишда давом эттирилди.

«Дўстлик» нефть қувурининг иккинчи навбати қурилмоқда. Бу нефть қувури ишга туширилган биринчи йилда, 1964 йилда шу қувур орқали 8,3 миллион тонна нефть юборилган эди, 1975 йилда эса шу нефть қувури орқали қардош мамлакатларга 50 миллион тоннага яқин нефть юборилади. Ўзининг катталиги жиҳатидан мисли кўрилмаган газ қувури қурилмоқда. Сибирдаги табиий газ конларидан олинаётган газ шу газ қувури орқали мамлакатимизнинг Европа қисмига юборилиб турилади. Бу газ қувури Чехословакияга ва Польшага газ етказиб беришни кўпайтиришга ҳамда Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Венгрияни газ билан таъминлай бошлашига имкон беради. Бирлашган «Тинчлик» энергетик системаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг катта маблағларини тежашларига имкон беради. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки муваффақиятли ишлаб турибди, яқинда эса Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг муштарак инвестицион банки ўз операцияларини бошлаб юборди. Кўп томонлама алоқаларнинг бошқа формалари ҳам мустаҳкамланмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, мамлакатларимиздан ҳар бирининг халқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантиришга ёрдамлашиб, ўз натижаларини бермоқда. Ўтган беш йил ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг саноат ишлаб чиқариши 49 процент кўпайди. Булар ўртасида савдо-сотиқ ҳам кенгайиб бормоқда.

Бироқ, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг бошқа қатнашчилари каби биз ҳам социалистик меҳнат тақсимотининг имкониятларидан ҳануз тўлиқ фойдаланилмаётир, деб ҳисобламоқдамиз. Амалий тажриба бизни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперацияни чуқурлаштираверишн, халқ хўжалик планларини бир-бирига чамбарчас боғлайвериш, хуллас, социалистик давлатларнинг иқтисодий интеграцияси йўлидан бораверишн зарур деган умумий хулосага олиб келди. Бу, ўртоқлар, муҳим ва керакли ишдир.

Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияси янги мураккаб процессдир. Бу иш кўпгина иқтисодий масалаларга янгича, янада кенгроқ ёндошишни, фақат бирон бир мамлакатнинг манфаатларинигина эмас, шу билан бирга ҳамкорликда қатнашаётган барча мамлакатларнинг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушадиган энг рационал йўлларни топа билишни тақозо қилади. Бу иш фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларига, ишлаб чиқаришнинг энг рентабел ва техникавий илғор турларига қатъий таяниб ҳаракат қилишни талаб этади.

КПСС план ва хўжалик органлари ходимларини мана шундай йўл тутиш руҳида тарбиялайди. Шу муносабат билан қардош мамлакатлар билан узоқ муддатли иқтисодий алоқаларнинг ривожланишидан хўжалик системамиздаги барча бўғинларнинг манфаатдорлигини оширадиган чора ва тадбирларни ўйлаб кўриш маъқул бўлур эди.

XXIII съезд билан XXIV съезд ўртасидаги даврда бизнинг партиямиз **Совет Иттифоқининг социалистик давлатларнинг ҳар бири билан ўзаро муносабатларини** мустаҳкамлаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилди.

Варшава Шартномасининг қатнашчилари бўлган мамлакатлар — Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия ва Чехословакия билан муносабатларимизнинг характерли белгиси шуки, биз улар билан яқиндан туриб ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилмоқдамиз, бу муносабатлар дўстлик ва самимийликка асосланган.

Болгария, Венгрия, Чехословакия ва Руминия билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги шартномалар тузилди. Германия Демократик Республикаси, Польша, Монголия билан бундан олдинроқ кучга кирган шартномалар билан бирга, қардош мамлакатлар ўртасидаги бошқа икки томонлама шартномалар билан бирга бу ҳужжатлар янги, социалистик типдаги ўзаро иттифоқдошлик мажбуриятларининг кенгайтирилган системасини ташкил этади.

Польша Халқ Республикаси билан дўстлигимиз ғоят мустаҳкам. Биз шуни чуқур мамнуният билан қайд қиламизки, қардош Польшада пайдо бўлган қийинчиликлар бартараф қилинди. Польша Бирлашган ишчи партияси ўзининг ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар билан алоқаларини мустаҳкамлашга, мамлакатда социализм позицияларини тағин ҳам кўпроқ қарор топтиришга қаратилган чора ва тадбирларни амалга оширмоқда. Совет Иттифоқи коммунистлари Польшадаги дўстларга чин кўнгилдан энг катта муваффақиятлар тилайдилар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партиямизнинг, совет халқининг Вьетнам меҳнаткашлари партияси билан, Вьетнам Демократик Республикаси билан алоқалари социалистик бирдамлик ва мустаҳкам жанговар дўстлик муносабатларидир. **(Қарсаклар).** Вьетнам халқи буюк ватанпарвар ва революционер Хо Ши Мининг васиятларига амал қилиб, социализм байроғини ўз қўлида баланд кўтариб турибди ва империалистик агрессорларга қарши баҳодирона курашмоқда. **(Қарсаклар).** Вьетнам Демократик Республикаси шунга амин бўлиши мумкинки, қуролли курашда ҳам, тинч меҳнатда ҳам Совет Иттифоқи бундан буён ҳам унга қардошларча мадад кўрсатаверади. **(Давомли қарсаклар).**

Шу йиллар ичида Марказий Комитет Куба Республикаси билан, Куба Коммунистик партияси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга доим эътибор бериб келди. Ҳар иккала томон куч ва ғайрат сарфлаши натижасида Совет—Куба муносабатларини ривожлантиришда катта ютуқлар қўлга киритилди. Совет Иттифоқи ва Куба халқлари умумий курашда сафдошдирлар, уларнинг дўстлиги жуда мустаҳкам. **(Давомли қарсаклар).**

Мана ярим асрдирки, КПСС, Совет давлати Монголия Халқ-Революцион партияси билан, Монголия Халқ Республикаси билан синалган дўстлик алоқалари билан мустаҳкам боғлангандир. Социалистик Монголиянинг содиқ дўсти ва иттифоқчиси бўлган Совет Иттифоқи монголиялик дўстларнинг экономика соҳасидаги катта-катта проблемаларни ҳал этишга, ўз мамлакатининг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини актив равишда қўллаб-қувватламоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Кейинги йиллар ичида Корея Халқ Демократик Республикаси билан, Корея Меҳнат партияси билан алоқаларимиз кенгайди, бу эса ҳар иккала мамлакатлар халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигига аминмиз. Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг мамлакатни тинч демократик бирлаштириш тўғрисидаги таклифларини, корейс халқининг Америка қўшинлари Кореянинг жанубидан олиб чиқиб кетилсин, деган талабларини Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).**

Ҳисобот даврида Совет—Югославия муносабатлари ривожланиб борди. Совет кишилари Югославияда социализмнинг мустаҳкамланишини, Югославиянинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалари маҳкамроқ бўлиб қолишини истайдилар. Биз Совет Югославия ҳамкорлиги тарафдоримиз, партияларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. **(Қарсаклар).**

Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимиз тўғрисида. Маълумки, Хитой раҳбарлари халқаро ҳаётнинг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг асосий масалаларида ленинизмга тўғри келмайдиган ўзларининг алоҳида ғоявий-сиёсий платформалари билан чиқдилар, биздан эса улар КПСС XX съездининг йўлидан ва Программасидан воз кечишни талаб қилдилар. Улар партиямизга ва мамлакатимизга қарши актив душманлик пропагандасини авж олдириб юбордилар. Совет Иттифоқига нисбатан территориал даъволарни кўтариб чиқдилар ва ҳатто 1969 йилнинг баҳори ва ёзида чегарада қуролли можаролар қилишга қадар бориб етдилар.

Марксизм-ленинизм таълимотини бузиш, халқаро коммунистик ҳаракатга нифоқ солиш, империализмга қарши курашувчилар сафини пароканда қилиш йўлидаги уринишларга бизнинг партиямиз қатъият билан қарши чиқди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати вазминлик қилиб ва иғвогарликларга берилмай Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни нормаллаштиришга эришмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўрди.

Биз томондан кўрсатилган ташаббус натижасида кейинги бир ярим йил ичида СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларда бирмунча нормаллашиш аломатлари пайдо бўлди, 1969 йилнинг сентябрида ҳар иккала мамлакат ҳукумат бошлиқлари учрашганларидан кейин чегара масалаларини бартараф қилиш бўйича Пекинда ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Бу музокаралар секинлик билан бормоқда ва уларнинг натижали бўлиб тугалланиши учун, ўз-ўзидан маълумки, ҳар иккала томон албатта конструктив позицияда туриши керак.

Ўтган йилнинг охирида СССР билан Хитой Халқ Республикаси бир-бирларига элчилар юборишди. Анчагина узилиш бўлиб турганидан кейин икки ўртада савдо битимлари имзоланди, товар обороти бирмунча ўсди. Булар фойдали қадамлардир. Биз бундан буён ҳам шу йўлда ҳаракат қилишга тайёрмиз.

Лекин, иккинчи томондан, шуни ҳам айтиб ўтиш кераккн, ўртоқлар, Хитой пропагандасида ва сиёсатида советларга қарши қаратилган йўл давом эттирилаётганлигини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Хитой Компартиясининг IX съезди Совет Иттифоқига душманликдан иборат бу йўлни ўз қарорларида мустаҳкамлади.

Шу муносабат билан нималар дейиш мумкин?

Партиямиз ва давлатимизнинг сиёсати тўғрисида Пекиндан тарқатилаётган ва Хитой халқига уқтирилаётган уйдирма туҳматларни қатъиян рад этамиз. **(Давомли қарсаклар).** Хитой билан СССР ўртасига нифоқ солиш шунинг учун ҳам бемаъни ва зарарлики, бу ножўя ҳаракат империалистлар эрксевар халқларга қарши ўзларининг агрессив ҳаракатларини активлаштираётган бир вазиятда юз бермоқда. Вазият СССР билан Хитой сингари давлатлар ўртасида, душманликни авж олдиришни эмас, балки антиимпериалистик, революцион кучларнинг жипслаштирилишини, биргаликда ҳаракат қилинишини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этмоқда.

Биз Совет давлатининг миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. **(Давомли қарсаклар).** Социалистик мамлакатларнинг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг марксизм-ленинизмга асосланган жипслиги учун КПСС бундан буён ҳам ҳормай-толмай курашаверади. **(Қарсаклар).** Шу билан бирга бизнинг партиямиз ва Совет ҳукуматимиз шу нарсага ғоят аминдирларки, Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши ҳар иккала мамлакатимизнинг туб, узоқ муддатли манфаатларига, социализм, халқлар эркинлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади. Шу сабабли биз Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни фақат нормаллаштиришгагина эмас, шу билан бирга яхши қўшничилик ва дўстликнинг қайта тикланишига ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрмиз ва оқибат натижада албатта шундай бўлади, деб ишонамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг принципиал позициямиз ана шундай. Биз буни неча марталаб айтганмиз, биз бунга қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва буни амалда исботламоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Албанияга келганда, бу мамлакат билан нормал муносабатларни қайта тиклашга аввалгидек ҳозир ҳам тайёрмиз. Албания билан муносабатларнинг қайта тикланиши ҳар иккала мамлакатимиз учун ҳам, социалистик давлатларнинг муштарак манфаатлари учун ҳам фойдали бўлур эди.

Ўртоқлар!

Чехословакиядаги сиёсий танглик кейинги йилларнинг халқаро воқеаларида анчагина ўрин олди. Бу ерда содир бўлган фактларни баён қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, бу фактлар яхши маълум. Биз рўй берган воқеалардан келиб чиқадиган баъзи энг муҳим хулосалар ҳақида ўз фикримизни айтиб ўтамиз.

Чехословакия воқеалари социализм қуриш йўлига тушиб олган мамлакатларда у ёки бу даражада сақланиб қолган ички антисоциалистик кучлар муайян шароитда активлашишлари ва ҳатто четдан, империализм томонидан бериладиган мададга кўз тутиб, тўғридан-тўғри контрреволюцион ҳаракатлар қилиш даражасига бориб етишлари мумкинлигини, империализм эса мана шундай кучлар билан блок тузишга ҳар доим тайёр эканлигини яна бир марта эслатди.

Шу муносабат билан социализмни «яхшилаш» ниқоби остида марксизм-ленинизмнинг революцион моҳиятини ситиб чиқаришга ва буржуа идеологиясининг суқулиб кириши учун йўл очиб беришга интилаётган ўнг ревизионизм хавфи ўзини жуда яққол қилиб кўрсатди.

Чехословакия воқеалари социалистик жамиятда партиянинг раҳбарлик ролини доимо мустаҳкамлаб бориш, партиявий раҳбарлик формалари ва методларини узлуксиз такомиллаштириш, социализмни ривожлантиришнинг етилган проблемаларини ҳал этишга марксча-ленинча ижодий ёндошиш нақадар муҳимлигини очиқ-ойдин кўрсатди.

Бунда фақат империализм ва унинг ҳомийларининг Чехословакияда социалистик тузумни ағдариб ташлашга уринаётганликлари тўғрисидагина гап бормаётганлиги равшан эди. Бунда умуман Европада мана шундай йўл билан социализм позицияларига зарба беришга, сўнгра империализмнинг энг агрессив кучлари социалистик дунё устига ёпирилиб келиши учун қулай шарт-шароит яратишга уриниши тўғрисида ҳам гап борган эди.

Чехословакия партия ва давлат арбобларининг, коммунистларининг, меҳнаткашларининг мурожаатларини ҳисобга олиб ва шу мамлакатда социализм ғалабалари учун вужудга келган хавфни эътиборга олиб ўша вақтда биз қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликда социализмни ҳимоя қилишда Чехословакияга интернационал ёрдам беришга қарор қилдик. **(Давомли қарсаклар).** Империализм ва контрреволюция кучлари вужудга келтирган фавқулодда шароитда шундай қилишга бизни синфий бурчимиз, социалистик интернационализмга содиқлигимиз, давлатларимизнинг манфаатлари тўғрисида, Европада социализм ва тинчлик тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозимлиги даъват этди. **(Қарсаклар).**

Маълумки, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми «Кризисли ривожланишнинг сабоқлари» деган ҳужжатда қардош давлатлар коллектив ёрдамининг аҳамиятига бундай баҳо берди (айнан ўқиб бераман):

«Беш социалистик мамлакат иттифоқчи қўшинларининг Чехословакияга кириб келганлиги Чехословакия меҳнаткашларининг умумий манфаатларига ҳам, халқаро ишчилар синфининг, социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг синфий манфаатларига ҳам мос бўлиб тушган интернационал бирдамлик иши бўлди. Бу интернационал иш минг-минглаб кишиларнинг ҳаётини омон сақлаб қолди, тинч ва осойишта меҳнат қилиш учун ички ва ташқи шароитни таъминлаб берди, социалистик лагернинг ғарбий чегараларини мустаҳкамлади ва империалистик доираларнинг, иккинчи жаҳон уруши натижаларини қайта кўриб чиқамиз, деган умидларини барбод қилди». **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Чехословакия Коммунистик партияси чиқарган хулосага биз тўла қўшиламиз. Турмуш тажрибаси шу нарсани яна бир марта яққол кўрсатдики, социализм лагерига ҳужум қилишга, уни заифлантиришга, меҳнаткашларнинг социалистик ғалабаларига путур етказишга ва бу ғалабаларни йўққа чиқаришга уринаётган кучлар йўлида социалистик мамлакатларнинг қардошларча бирлиги энг мустаҳкам тўсиқдир. Социалистик мамлакатлар халқлари ўзларининг революцион ғалабаларини ҳеч кимга бермасликларини, социалистик ҳамдўстлик чегаралари бузилмас ва даҳлсиз чегаралар эканлигини бутун дунёга ёрқин намойиш қилмоқдалар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Чехословакия коммунистлари ўз устларига тушган синовларни муваффақиятли равишда енга олганликларидан астойдил хурсандмиз. Ҳозир Чехословакия Коммунистик партияси ўзининг XIV съезди сари бормоқда. Биз аминмизки, бу съезд Чехословакияда социализм позицияларини мустаҳкамлаш йўлида янги муҳим босқич бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ўз муваффақиятлари ва истиқболларига, ўзининг барча проблемаларига эга бугунги социализм дунёси ҳали ўсиб бораётган ёш социал организмдир. Бу организмда ҳамма нарса ҳам қиёмига етгани йўқ, унда ўтмиш тарихий даврларнинг анчагина изи бор. Социализм дунёси доимий ҳаракатда, узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Табиийдирки, унинг ривожланиши янгиликнинг эскилик билан кураши орқали, ички зиддиятларни ҳал этиш орқали содир бўлмоқда. Тўпланган тажриба қардош партияларнинг зиддиятларни тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиб туришларига ва пролетариатнинг буюк устозлари — Маркс, Энгельс ва Ленин кўрсатган йўлдан ишонч билан олға боришларига ёрдам беради. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон социалистик системасининг қудратини янада оширишга бутун чоралар билан кўмаклашишни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблаб келди ва ҳисоблайди. **(Қарсаклар).**

Биз қардош мамлакатларнинг ҳамкорлиги тобора ҳар томонлама ва чуқур ҳамкорлик бўлишига, меҳнаткашларнинг тобора кенг оммасини ўз бағрига олишига, давлат ҳаётининг, ижтимоий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма босқичларида қардош мамлакатларнинг конкрет тажрибаларини бир-бирлари билан асосли равишда ўрганишларига тарафдормиз.

(Давоми учинчи бетда)

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда)

Ҳар бир қардош мамлакатнинг гуллаб-яшнаб турган давлат бўлишини, тез иқтисодий ва илмий-техникавий ўсишини, социалистик маданиятни яшнатиш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш билан уйғунлаштириб, бир-бирига қўшиб олиб боришларини кўришни истаймиз. Жаҳон социализм системаси янги жамиятни биргаликда қураётган ва ҳимоя қилаётган, тажриба ва билимлари билан бир-бирини бойитаётган халқларнинг аҳил оиласи бўлишини, иноқ ва мустаҳкам оила бўлишини, эркин халқларнинг келгусида жаҳон миқёсидаги биродарлигининг тимсоли тариқасида ер юзидаги одамлар кўз олдида намоён бўлишини истаймиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Дўстларимизни, социализм мамлакатларидаги қардошларимиз ва сафдошларимизни ишонтириб, шуни айтишга ижозат бергайсизки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бу юксак мақсадга эришмоқ учун ўзининг куч ва ғайратини аямайди! **(Давомли қарсаклар).**

2. ИМПЕРИАЛИЗМ — ХАЛҚЛАРНИНГ, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДУШМАНИ. ХАЛҚЛАР ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ

Ўртоқлар! Партиямиз XXIII съездида, сўнгра эса ўзининг бир қатор ҳужжатларида ҳозирги замон империализмига батафсил баҳо берган эди. 1969 йилги Халқаро коммунистик кенгаш материалларида империализмнинг ҳозирги хусусиятлари марксча-ленинча анализ қилиб берилган. Шу сабабли, биз ўз сиёсатимизда ҳисобга олишимиз лозим бўлган баъзи бир асосий моментларгагина сўнгги йиллар тажрибаси негизида тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Ҳозирги замон капитализмининг хусусиятлари кўп жиҳатдан шу билан изоҳланадики, у жаҳондаги янги вазиятга мослашиб олмоқда. Социализмга қарши кураш шароитида капитал мамлакатларининг ҳукмрон доиралари синфий курашнинг ўсиб, оммавий революцион ҳаракатга айланиб кетишидан жуда ҳам қўрқмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам буржуазия меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва эзишнинг янада кўпроқ ниқобланган формаларини ишлатишга интилмоқда, оммани ўзининг ғоявий ва сиёсий контроли остида мумкин қадар кўпроқ тутиб туриш ниятида бир қатор ҳолларда жузъий ислоҳотлар қилишга ҳам тайёр бўлиб турибди. Монополиялар ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва ривожланиш суръатларини ошириш учун, меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва уларни эзишни кучайтириш учун фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Бироқ, янги шароитга мослашиш капитализмнинг система сифатида стабиллашуви, деган гап эмас. **Капитализмнинг умумий кризиси ҳамон чуқурлашиб бормоқда.**

Ҳатто энг тараққий этган капиталистик давлатлар ҳам жиддий иқтисодий ларзалардан ҳоли эмас. Мисол учун, АҚШни олиб кўрсак, мана қарийб икки йилдирки, у навбатдаги иқтисодий кризисдан чиқиб кета олмаяпти. Кейинги йилларда капитализмнинг валюта-молия системаси ҳам жиддий кризисни бошидан кечирмоқда. Бир вақтнинг ўзида инфляциянинг ўсиши ва ишсизликнинг кўпайиши ҳам доимий ҳодисага айланди. Ҳозирги вақтда ривожланган капиталистик мамлакатларда қарийб 8 миллион ишсиз бор.

Интеграция процесслари ҳам, империалистларнинг жаҳон социализмига қарши курашиш учун куч-ғайратни бирлаштиришдан синфий манфаатдорлиги ҳам империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этолмади. 70- йилларнинг бошларига келиб империалистик рақобатнинг асосий марказлари яққол кўринди: бу АҚШ — Ғарбий Европа (энг аввало — «Умумий бозор»даги олти мамлакат) — Япониядир. Булар ўртасида иқтисодий ва сиёсий рақобат кураши тобора кескин авж олиб бормоқда. АҚШ расмий органлари томонидан Европа ва Япониядан тобора кўп миқдорда четга товар чиқаришнинг тақиқлаб қўйилиши, Европа мамлакатларининг Америка капиталининг ўзларини эксплуатация қилишини чеклашга уринаётганликлари — бу фақат мазкур курашнинг баъзи бир кўринишларидир, холос.

Империализмнинг ўтган беш йил мобайнидаги ташқи сиёсати унинг реакцион, агрессив табиати ўзгармас эканлигини янги далиллар билан исботлаб берди.

Шу муносабат билан, энг аввало, Америка империализми ҳақида гапириш лозим бўлади. Америка империализми сўнгги йилларда эксплуатация ва зулм халқаро системасининг ўзига хос бир таянчи ва қўриқловчиси ролини ўйнашга интилаётганлигини яна тасдиқлаб берди. У ҳамма ерда ҳукмронлик қилишга интилмоқда, бошқа халқларнинг ишларига аралашмоқда. Уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва суверенитетини беҳаёлик билан бузмоқда. Зўравонлик қилиб, сотиб олиб, иқтисодий соҳаларга суқилиб кириб, ўз иродасини давлатларга ва дунёнинг бутун-бутун районларига мажбуран ўтказишга интилмоқда.

Равшанки, уруш ва агрессия кучлари бошқа империалистик мамлакатларда ҳам мавжуд. Ғарбий Германияда бундай кучлар — неонацистлар билан тобора кўпроқ қўшилиб бораётган реваншчилардир; Англияда булар — Шимолий Ирландияни бўғаётганлар, Жанубий Африка ирқчиларига қурол-яроғ етказиб бераётган кишилар, АҚШнинг агрессив сиёсатини мақтаётган кишилардир; Японияда булар — урушни «Абадул-абад»га тақиқловчи конституцияга зид ўлароқ бу мамлакатни экспансия ва агрессия йўлига яна солишга интилаётган милитаристлардир.

Яна шу фактни ҳам назарда тутиш керакки, ўртоқлар, урушдан кейинги йилларда капиталистик дунёда милитаризм мисли кўрилмаган миқёсда ўсиб бормоқда. Бу тенденция кейинги вақтларда янада кучайди. Фақат 1970 йилнинг ўзидаёқ НАТО мамлакатлари уруш тайёрлашга 103 миллиард доллар сарфладилар. АҚШда милитаризация жуда ҳам хавфли тус олди. Бу мамлакатда сўнгги беш йил ичида ҳарбий мақсадлар учун қарийб 400 миллиард доллар сарфланди.

Империалистлар Осиё, Африка, Латин Америкасининг ўнлаб мамлакатлари халқларини мунтазам суръатда талаб келмоқдалар. Улар «учинчи дунё» деб аталган мамлакатлардан ҳар йили миллиард-миллиард доллар фойда олиб турибдилар. Айни бир вақтда, дунёдаги озиқ-овқат соҳасидаги аҳвол тўғрисида БМТ 1970 йилда эълон қилган доклад маълумотларига кўра, ана шу қитъаларда 375 миллион киши очдан ўлиш хавфи остида яшамоқда.

Империалистлар собиқ мустамлакаларнинг ёки капиталистик эксплуатация исканжасидан қутилиб олаётган бошқа мамлакатларнинг халқлари устидан ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш ёки тиклаш йўлида ҳеч қандай жиноятдан қайтмаётирлар. Ўтган беш йиллик буни жуда кўп янги-янги далиллар билан исботлаб берди. Араб давлатларига қарши агрессия, мустамлакачиларнинг Гвинеяга бостириб киришга уринишлари, Латин Америкасидаги прогрессив тартибларга қарши қўпорувчилик ишлари, ана шуларнинг ҳаммаси империализмнинг эрксевар халқларга қарши урушни тўхтатмаётганлигини қайта-қайта эслатиб турибди.

АҚШнинг Вьетнам, Камбоджа, Лаос халқларига қарши агрессияни давом эттираётганлиги ҳозирги замон мустамлакачиларининг энг мудҳиш жинояти бўлиб, бу Америкага иснод келтирмоқда.

Кейинги йиллар ичида Америка империализмининг ҳарбий жиноятларига оид шундай фактлар маълум бўлдики, улар жаҳон жамоатчилик фикрини ларзага келтирди. Вьетнамнинг Сонгми қишлоғи бошига тушган фожиа билан машҳур бўлиб кетди, бу қишлоқнинг қурол-яроғсиз, тинч, аҳолиси, шу жумладан хотин-қизлари, чол-кампир ва болалари Америка жазо отрядлари томонидан ваҳшийларча қириб ташланди.

Тиш-тирноғигача қуролланган интервентлар қилаётган бебошлиқлар ҳақида ғазабланмасдан гапириш жуда қийин. Юз минг тонналаб напальм Жанубий Вьетнамнинг бутун-бутун районларини тамоман ёндириб, кулга айлантирди. Вьетнамликлардан деярли бир ярим миллион киши заҳарланди, кимёвий қурол ишлатиш натижасида кўп кишилар ҳалок бўлдилар. Ҳар қандай софдил кишининг, айниқса, коммунистнинг виждони ўзларини «Ғарбий цивилизация», ва «эркин дунё» вакиллари деб атовчи Америка интервентлари ва уларнинг малайлари қилаётган жиноятларга ҳеч қачон чидаб туролмайди. Бу улар учун шармандаликдир!

Ўртоқлар! Империализмнинг тарих жараёнини ўз фойдаси томон буриб юбориш йўлидаги уринишлари барбод бўлиши турган гап. Бунга шак-шубҳамиз йўқ. Бироқ, биз коммунистлар, бепарволик ва пассивлик қилишнинг ўрни эмаслигини яхши биламиз. Капиталистик зулмга қарши курашувчиларга қарама-қарши турган система шу дамгача мавжуд бўлган эксплуататорлик системаларининг сўнггиси, лекин энг кучлисидир. Шу сабабли олдимизда ҳали машаққатли ва узоққа чўзиладиган кураш турибди.

Лекин бу кураш қанчалик машаққатли бўлмасин, у кучайиб бормоқда, унинг фронти оғишмай кенгаймоқда. Сўнгги йилларда империализмга қарши курашувчилар синфий жанглар солномасига янги шонли саҳифаларни битдилар.

Бугун ҳам худди кечагидек **халқаро ишчилар ҳаракати** революцион кучларнинг синалган жанговар авангарди ролини ўйнамоқда. Сўнгги беш йилликда капиталистик дунёда содир бўлган воқеалар ишчилар синфининг монополиялар ҳокимиятининг асосий ва энг кучли душмани сифатидаги, барча антимонополистик кучларни жалб этувчи марказ сифатидаги аҳамиятини тўла-тўкис тасдиқлаб берди. **(Қарсаклар).**

Синфий кураш традициялари кўпроқ ривож топган ва кучли коммунистик партиялар иш кўраётган Франция ва Италия каби мамлакатларда ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнаткашлар фақат айрим капиталистлар группаларигагина эмас, балки давлат-монополистик ҳукмронлигининг бутун системасига ҳам тазйиқ кўрсатмоқдалар. Англияда синфий кураш ғоят даражада кескинлашди, ҳозирги стачкаларни эса кўлами жиҳатидан, иштирок этувчиларнинг сони жиҳатидан 1926 йилги умумий забастовка билангина таққослаш мумкин. АҚШда ишчилар синфининг монополияларга қарши кураши кенг қулоч ёзди, негр халқининг тенг ҳуқуқлилик учун ва ёшларнинг Вьетнамдаги урушга қарши кураши мисли кўрилмаган кескинлик билан авж олмоқда. ГФРда оммавий ишчилар ҳаракати кучайиб бормоқда. Скандинавия мамлакатларида, Голландияда кўпгина ўн йилликлар мобайнида биринчи марта катта-катта синфий тўқнашувлар бўлиб турибди. Испанияда социал-сиёсий кризис ҳамон кескинлашиб бормоқда. Сўнгги даврдаги ҳамма синфий жангларда меҳнаткашларнинг касаба ташкилотлари, айниқса касаба союзлар жаҳон федерациясига бирлашган ташкилотлар катта роль ўйнамоқдалар ва уларнинг бу роли тобора ўсиб бормоқда.

Маълумки, қардош партиялар кенгаши, ишчилар синфининг ҳозирги катта-катта жанглари янги-янги синфий жангларнинг даракчиси бўлиб, бу синфий жанглар чуқур ижтимоий туб ўзгаришларга, меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан иттифоқда бўлган ишчилар синфининг ҳокимиятини ўрнатишга олиб келиши мумкин, деган хулосага келган эди. **(Қарсаклар).**

Айни бир вақтда, ўртоқлар, империализм миллий-озодлик курашидан етишиб чиққан кучларнинг тазйиқига, энг аввало Осиё ва Африканинг антиимпериалистик кайфиятда бўлган ёш мустақил давлатлари тазйиқига тобора кўпроқ дуч келмоқда.

Энг асосийси шундан иборатки, **кўп мамлакатларда миллий-озодлик учун кураш ўсиб, амалда эксплуататорлик муносабатларига, ҳам феодал, ҳам капиталистик муносабатларга қарши курашга айлана бошлади.**

Ҳозирги кунда Осиё ва Африкада нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтиб олган, яъни келажакда социалистик жамият қуриш йўлига тушиб олган мамлакатлар оз эмас. Кўп давлатлар ана шу йўлдан бормоқдалар. Бу давлатларда халқ оммасининг манфаатларига мос бўлган, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга олиб борувчи чуқур социал ўзгаришлар борган сари кўпроқ амалга оширилмоқда.

Миллий ва социал озодлик кучларининг империализм ҳукмронлигига қарши ҳужуми турли формаларда намоён бўлмоқда. Чунончи, социализмга мойил мамлакатларда империалистик монополиялар мулки национализация қилинмоқда. Бу тадбир давлат секторини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имконини берадики, бу сектор аслини олганда революцион-демократик сиёсатнинг иқтисодий базасидир. Бирлашган Араб Республикаси каби мамлакатда давлат сектори эндиликда барча саноат ишлаб чиқаришининг 85 процентини қамраб олган, Бирмада давлат сектори қазиб чиқариш саноатнинг 80 процентдан кўпроғини ва қайта ишлаш саноатининг қарийб 60 процентини ўз контроли остига олган. Жазоирда империалистик мулкни национализация қилиш соҳасида янги жиддий тадбирлар амалга оширилди. Гвинея, Судан, Сомали, Танзанияда кўпгина чет эл корхоналари, банклар, савдо компаниялари давлат қўлига олиб берилди.

Кўп миллионли деҳқонлар оммасининг тақдирига даҳлдор бўлган ер масаласи каби мураккаб масалани ҳал қилиш юзасидан ҳам жиддий чоралар кўрилди. Агар ўтган беш йиллик ҳақидагина гапириладиган бўлса, БАР ва Сурияда муҳим аграр туб ўзгартишлар ўтказилди, Судан ва Сомалида бундай туб ўзгартишларга асос солинди. Жазоирда шу йил ер ислоҳоти ўтказилиши эълон қилинди. Конго Халқ Республикасида (Браззавиль) ҳамма ерлар, ер ости бойликлари давлат мулкига айлантирилди.

Нокапиталистик асосларда, бунинг устига янгича мустамлакачиларнинг ва ички реакциянинг ҳужумлари давом этиб турган вазиятда қолоқ ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуриш осон иш эмас, албатта. Барча қийинчиликларга қарамай, социализмга мойил давлатларнинг ўзлари танлаб олган йўлдан тобора олға томон одим ташлаб бораётганликлари шунинг учун ҳам айниқса муҳимдир **(Қарсаклар).**

Прогрессив ижтимоий ўзгаришлар собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам бу қадар олға қараб кетган деб бўлмайди. Бироқ, ҳамма ерда реакция кучларига қарши, империализм ҳомийларига қарши кураш бормоқда ва баъзи бир мамлакатларда прогрессив кучлар ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий ютуқларни қўлга киритдилар. Яқинда Ҳиндистонда йирик банкларнинг национализация қилинганлиги ва Ҳиндистон парламенти халқ палатасига ўтказилган сўнгги сайловларда ўнг кучлар устидан қозонилган жиддий ғалаба каби воқеалар ҳақида эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Бу шундан далолат берадики, мазкур мамлакатнинг халқ оммаси реакцион, империализмга тарафдор кучларга қарши, ер ислоҳотини ва бошқа социал-иқтисодий туб ўзгартишларни амалга ошириш учун, халқаро майдонда тинчлик ва дўстлик сиёсати учун қатъий кураш олиб бормоқда. **(Қарсаклар).** Цейлонда, Нигерияда жиддий ижтимоий ўзгаришлар бўлди.

Барча қийинчиликларга ва ҳатто айрим мағлубиятларга қарамай, дунёнинг катта-катта районларида ижтимоий ўзгаришларнинг хилма-хил процесси бормоқда. Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун, чинакам озодлик учун, инсон қадр-қиммати учун курашда муҳим ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозирча мустамлакачилик зулми остида эзилиб ётган мамлакатларнинг ватанпарварлари озодлик йўлида ўз мардонавор жангларини давом эттирмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз эса бу адолатли курашни батамом қўллаб-қувватламоқда. СССРнинг озодликка чиққан мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги ана шу йиллар мобайнида янада ривожланди. Бизнинг улар билан қилаётган савдомиз ўсиб бормоқда. Осиё ва Африканинг кўп давлатларида бизнинг иштирокимизда ўнлаб саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари қурилди. Биз ана шу мамлакатлар учун кадрлар тайёрлаб бериш ишига ҳам ҳисса қўшмоқдамиз. Ана шу ишларнинг ҳаммаси ҳар икки томон учун фойдалидир.

Латин Америкасининг бир қатор мамлакатлари ҳаётида катта-катта ўзгаришлар бўлмоқда. Чилида халқ бирлиги кучларининг ғалаба қилиши жуда муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатда қитъанинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта халқ конституцион йўл билан ўзи истаган ва ўзи ишонадиган ҳукуматни тузишга эришди. **(Давомли қарсаклар).** Бу ҳол Чили халқини унинг ютуқларидан маҳрум этишга интилаётган ички реакцияни ва Америка империализмини ғазабга солди. Лекин Чили халқи ўзи танлаб олган йўлдан боришга қатъий бел боғлаган. Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари Чилидаги прогрессив йўлни қўллаб-қувватлаб чиқмоқдалар. Перу ва Боливия ҳукуматлари Америка монополияларининг асоратига қарши курашмоқдалар.

Улуғ Лениннинг мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари ишни миллий-озодлик учун курашдан бошлаб, эксплуататорлик тузуми асосларининг ўзига қарши курашга етиб келадилар, деб айтган башорати амалга ошмоқда. Бинобарин, бу жаҳон ижтимоий системаси бўлган капитализмнинг бутун позициясига берилган жуда кучли зарба демакдир, албатта.

Ўртоқлар! Империализмга қарши курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан антиимпериалистик кучларнинг, ва энг аввало, уларнинг авангарди бўлмиш **жаҳон коммунистик ҳаракатининг** жипслигига боғлиқ. Ўтган беш йил давомида бизнинг партиямиз бошқа қардош партиялар билан биргаликда ана шу жипсликни, коммунистик сафлар бирлигини мустаҳкамлаш учун талайгина куч-ғайрат сарфлади.

Бу вазифа мураккаб вазифа эди. Айнан ҳисобот даврида коммунистик ҳаракат фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлмиш марксизм-ленинизмга турли томонлардан ҳужум қилишга уриниш жуда кескин тарзда намоён бўлди. Хитой раҳбарлари «марксчи-ленинчи партиялар» деб аталган ниқоб остида бир қатор мамлакатларда бузғунчи группировкалар барпо этишга ўтиб, уларни халқаро коммунистик ҳаракатга қарама-қарши тарзда бирлаштиришга очиқдан-очиқ интилдилар. Кўп ҳолларда троцкийчилар ана шу группировкаларга қўшилдилар. Айрим жойларда миллатчилик асосида ўз-ўзини ажратиш тенденцияси активлашди, ҳам «сўл», ҳам ўнг оппортунизм жонланди.

Асосий мақсадимиз коммунистик ҳаракатни жипслаштириш томон, унинг ғоявий асосини мустаҳкамлаш томон бурилишга эришишдан иборат эди. Бу мақсадга эришиш учун курашда Европа компартияларининг Карлови Варидаги 1967 йилги конференцияси, шунингдек, коммунистларнинг бир қатор бошқа халқаро учрашувлари муҳим босқич бўлди.

Бунинг натижасида кун тартибига коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашини чақириш тўғрисидаги масала қўйилди. Кенгашни ўтказишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ўртоқлар, бизнинг партиямиз, КПСС Марказий Комитети кенгаш масаласининг ўзини ишлаб чиқишга ҳам, кенгашни тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшганликларини сизлар биласизлар.

Кенгаш коммунистларнинг халқаро бирлигини мустаҳкамлаш ҳамда барча антиимпериалистик кучларни уюштириш йўлида олға томон қўйилган катта қадам бўлди. Кенгаш марксча-ленинча назариянинг бир қатор қоидаларини ҳозирги вазиятга тадбиқан ривожлантириш учун кўп ишлар қилди. Қардош партияларнинг бу хилда жуда кенг кўламда ва кўп вакиллар орқали алоқа қилиб туришлари интернационал куч бўлган коммунистик ҳаракатнинг эҳтиёжларига жавоб бераётганлиги тасдиқланди. Кенгаш қатнашчиларининг қардош партияларнинг бундай халқаро анжуманларини зарур бўлган ҳолларда ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги хулосасига бизнинг партиямиз батамом қўшилади. Бундай анжуманлар жаҳон коммунистик ҳаракати практикасида мустаҳкам ўрин олса фойдали бўлур эди. **(Давомли қарсаклар).**

В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини байрам қилиш чинакам жаҳоншумул характер касб этганлиги ҳам коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Компартияларнинг кенгаши ва Ленин юбилейи марксча-ленинча таълимотнинг ҳаётийлигини қайта-қайта намойиш қилди ҳамда қардош партияларнинг ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар манфаатлари учун, империализмга ва ишчилар ҳаракатидаги унинг малайларига қарши курашдаги активлигини кучайтириб юборди. **(Қарсаклар).**

Умуман халқаро коммунистик ҳаракатда жипслик тобора мустаҳкамланмоқда, партиялараро икки томонлама ва кўп томонлама самарали алоқалар активлашмоқда, деб айтиш учун асос бор. Бизнинг партиямиз буни табриклайди. Партиямиз бундан буён ҳам иш худди ана шу йўналишда боришига ёрдам бераверади. **(Қарсаклар).**

Лекин биз, ўртоқлар, ҳали ҳамма ерда ҳам салбий ҳодисалар бартараф этилмаганлиги каби ҳолатни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Ўнг ва «сўл» ревизионизмга қарши, миллатчиликка қарши кураш ҳали ҳам актуал курашлигича қолмоқда. Буржуа идеологлари, буржуа пропагандаси ҳозирги кунда социализмга ва коммунистик ҳаракатга қарши курашда худди ана шундай миллатчилик тенденцияларига ва айниқса антисоветизм формасини олган миллатчилик тенденцияларига кўпроқ кўз тикмоқда. Улар компартиялардаги оппортунистик элементларни идеология соҳасида тил бириктиришга ундамоқдалар. Улар бундай элементларга сизлар советларга қарши эканлигингизни исботлаб беринглар, биз эса сизлар чинакам «марксчилар» эканлигингизни ва батамом «мустақил позициялар»да турганлигингизни эълон қилишга тайёрмиз, дегандек бўладилар. Дарвоқе, воқеаларнинг бориши бундай кишилар ўз мамлакатларидаги Компартияларга ҳам қарши кураш йўлига ўтиб олаётганликларини кўрсатмоқда. Францияда Гароди, Австрияда Фишер, Венесуэлада Петков типидаги ренегатлар, Италиядаги «Манифесто» группировкасининг арбоблари бунга мисол бўла олади. Қардош партиялар бу хилдаги элементларга қарши курашни ўз сафларини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти деб биладилар. Шундай қилиб, ҳатто ана шу мисоллар — бундай мисоллардан эса яна кўплаб келтириш мумкин — ревизионизм ва миллатчиликка қарши кураш коммунистик партияларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Революцион-демократик партиялар империализмга қарши курашда тобора катта роль ўйнамоқдалар. Уларнинг кўплари социализмни ўз программ мақсадлари деб эълон қилмоқдалар. КПСС бу партиялар билан ўз алоқаларини фаол суръатда ривожлантирмоқда. Биз аминмизки, бундай партияларнинг компартиялар билан, шу жумладан, ўз мамлакатларидаги компартиялар билан ҳамкорлик қилиши антиимпериалистик ҳаракат манфаатларига, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш манфаатларига ва социал тараққиёт ишига тўла-тўкис жавоб беради.

Биз Ғарбдаги, Шарқдаги ва Латин Америкасидаги бир қатор мамлакатларнинг сўл социалистик партиялари билан муносабатларни қўллаб-қувватлаймиз ва ривожлантираверамиз. Бу соҳада сўнгги йилларда анча фаол иш олиб борилди.

КПСС 1969 йилги халқаро кенгаш йўлига мувофиқ равишда социал-демократлар билан тинчлик ва демократия учун курашда ҳам, социализм учун курашда ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр бўлиб турибди, лекин бунда ўз идеологиясидан, ўз революцион принципларидан чекинмайди, албатта. Бироқ, коммунистларнинг бундай йўли социал-демократлар ўнг бошлиқларининг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда. Ишчилар ҳаракатини монополистик капитал манфаатларига бўйсундираётган, меҳнаткашларнинг тинчлик учун, демократия ва социализм учун кураш ишига путур етказаётган ҳар қандай позицияларга қарши бизнинг партиямиз муросасиз кураш олиб борди ва олиб бораверади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Халқ иши учун курашган кишиларнинг зиммасига тушган ҳамма қийинчиликлар орасида энг оғир қийинчилик коммунистлар зиммасига тушди. Лекин биз Лениннинг мана бу сўзларини ёдда тутамиз. «Революцияга чексиз садоқат ва халққа қилинган революцион тарғибот, ҳатто донни экиш билан ҳосил олиш ўртасида ўн йилларча вақт ўтиб кетган тақдирда ҳам, бекор кетмайди» (Асарлар, 18- том, 18- бет). Коммунистларнинг ғоялари реал социализм практикасида, миллион-миллион кишиларнинг онги ва ишларида ажойиб самара берди.

Совет Иттифоқи коммунистлари қардош коммунистик ва ишчи партиялар ўз мамлакатларида олиб бораётган жуда катта ишга юксак баҳо берадилар. Бу иш нақадар оғир эканлигини, у қанчалик катта фидокорлик, бизнинг умумий буюк идеалларимизга чексиз садоқат талаб этишини биз яхши биламиз. Бугун биз ўз сафдошларимизни — бутун дунё коммунистларини яна бир бор ишонтириб айтамизки: азиз дўстлар, бизнинг партиямиз ҳаммавақт сиз билан маҳкам жанговар сафда олға бораверади! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Биз мана шу курашда берилган жуда катта қурбонларни ҳеч қачон унутмаймиз. Коммунистик ҳаракат қаҳрамонларининг номлари, мардлик ва ишчилар синфи ишига садоқат намуналари барча чинакам революционерлар учун ҳамиша муқаддас бўлиб қолаверади. Уларнинг номлари Ленин партияси учун, ғолибона социалистик революция байроғини биринчи бўлиб кўтарган совет халқи учун ҳамиша муқаддас бўлиб қолаверади. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз интернационал бурчини яхши англаб, халқаро ишларда бутун жаҳон антиимпериалистик курашини янада активлаштиришга, унинг барча иштирокчиларининг жанговар бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган йўлни бундан буён ҳам амалга ошираверади.

Социализм ишининг бутун дунёда тўла-тўкис тантана қилиши муқаррардир. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Бинобарин, биз ана шу тантана учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун кучимизни аямай курашаверамиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

3. СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН КУРАШИ. ИМПЕРИАЛИСТИК АГРЕССИЯ СИЁСАТИГА ЗАРБА БЕРИШ

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида Марказий Комитет ва Совет ҳукумати СССРда коммунизм қуриш учун тинч шароитларни таъминлаш, агрессив империалистик кучларни фош қилиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини барбод қилиш, социализмни, халқлар озодлигини, тинчликни ҳимоя қилиш учун қўлларидан келган бутун чораларни кўрдилар.

Бизнинг сиёсатимизда агрессияга қатъий зарба бериш, етилган халқаро проблемаларни ҳал қилиш тадбирлари бошқа социал системага мансуб бўлган давлатлар билан нормал муносабатда бўлишга, вазият имкон берган жойларда эса улар билан яхши муносабатларда бўлишга қаратилган конструктив йўл билан доимо боғлаб олиб борилди. Биз, давлатларнинг ижтимоий тузуми қандайлигидан қатъий назар, улар билан илгаригидек тинч-тотув яшаш ленинча принципини изчиллик билан ҳимоя қилиб келдик. Ҳозир бу принцип халқаро тараққиётнинг реал кучига айланиб қолди.

Ўз кескинлиги жиҳатдан ёки келажак учун аҳамияти борлиги жиҳатидан бизнинг алоҳида эътибор беришимизни талаб қилган энг муҳим халқаро проблемаларга тўхталиб ўтишга рухсат этасиз.

Аввало, Шарқи-Жанубий Осиёдаги воқеалар тўғрисида. Жаҳоннинг бу районида АҚШнинг ҳукмрон доиралари бошлаган агрессив уруш Америка халқи учун зафар тантаналарини келтириш у ёқда турсин, балки ўн минглаб кишиларнинг таъзия маросимларига айланиб кетмоқда. Ҳодисаларга ҳақиқат кўзи билан қарай оладиган ҳамма кишиларга равшан бўлиши керакки, Вьетнам халқининг ўз элида ўзи хўжайин бўлишга қилган азм-қарорини бевосита ҳарбий интервенция билан ҳам, музокараларни саботаж қилиш билан ҳам, ёлланган аскарлардан тобора кенг фойдаланиш билан ҳам синдириб бўлмайди. Урушни «вьетнамлаштириш», яъни вьетнамликларни Вашингтон манфаатларини кўзлаб вьетнамликлар қўли билан қириш плани. Камбоджа ва Лаосга агрессияни кенгайтириш — буларнинг ҳаммаси Американи Ҳинди-Хитойдаги жирканч уруш ботқоғидан чиқариб ололмайди, агрессияни бошлаган ва давом эттираётганлар томонидан бу мамлакатда қилинаётган шармандаликни ювиб кетолмайди. Вьетнам проблемасини ҳал қилишнинг фақат биргина йўли бор. Бу йўл ВДР ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг таклифларида, яъни биз қатъий қўллаб-қувватлаётган таклифларда очиқ-равшан кўрсатилган. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Вьетнам, Камбоджа ва Лаос халқларига қарши империалистик агрессияни тўхтатишни қатъиян талаб қилмоқда. Бизнинг мамлакатимиз қаҳрамон Ҳинди-Хитой халқлари адолатли ишининг актив тарафдори бўлиб келди ва тарафдори бўлиб қолажак. **(Қарсаклар).** Жаҳон сиёсатининг иккинчи бир «қайноқ нуқтаси» — Яқин Шарқдир. Исроилнинг БАР, Сурия ва Иорданияга ҳужуми натижасида вужудга келган кризис ўтган давр мобайнида халқаро муносабатлар ривожида рўй берган энг кескин танглиликлардан биридир.

Агрессияни тўхтатиш ва қоралаш учун биз қардош социалистик мамлакатлар билан бирликда барча зарур чораларни кўрдик. Биз бу мааслани БМТ Хавфсизлик кенгаши олдига кескин масала қилиб қўйдик. Бизнинг талабимиз билан Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессияси чақирилди. СССР ва бошқа қардош мамлакатлар БМТнинг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорини назар-писанд қилмаган Исроил билан дипломатик муносабатларни уздилар. Мамлакатимиз агрессияга дуч келган араб давлатларининг, аввало, ўзаро ҳамкорлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган БАР ва Суриянинг мудофаа қудратини тиклашга ёрдам берди.

Яқинда Бирлашган Араб Республикаси муҳим ташаббус билан чиқди. У БМТнинг махсус вакили Яррингнинг таклифини қабул қилишини ва Исроил қўшинлари улар босиб олган араб территорияларидан олиб кетилган тақдирда Исроил билан сулҳ шартномаси тузишга тайёр эканлигини билдирди. Шунингдек, БАР Сувайш каналида кемалар қатновини яқин орада бошлаб юбориш чораларини кўришни таклиф этди. Шундай қилиб, араблар томонининг позицияси Яқин Шарқдаги тангликни ҳал қилиш учун реал асос бермоқда. Исроил ҳукуматининг ана шу барча таклифларни рад қилганлиги ва Тель-Авивнинг араб ерларига бўлган беҳаёларча даъволарининг ҳозир очиқ-ойдин айтилаётганлиги Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлига кимлар ғов солаётганлигини, бу районда хавфли уруш ўчоғи сақланиб қолаётганлигига кимлар айбдор эканлигини равшан кўрсатиб турибди. Айни вақтда Исроил экстремистларини рағбатлантираётганларнинг нохўя роли — Америка империализмининг роли ва агрессив империалистик доираларнинг қуроли бўлган халқаро сионизмнинг роли янада равшанроқ кўринмоқда.

Ваҳоланки, Тель-Авив воқеаларга ҳақиқат кўзи билан қараши керак эди. Наҳотки Исроилнинг ҳукмрон доиралари босиб олган ерларини батамом ўзлариники қилиб олишга ва айни замонда жазосиз қолишга умид боғлайдилар. Истилочиларнинг босқинчиларча ҳужум натижасида қўлга киритган устунликлари пировард-натижада ҳавога учиб кетади. Улар Синай қумларидаги сароб сингари тарқалиб, йўқолиб кетади. Яқин Шарқдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш қанчалик чўзилиб кетса, жаҳон жамоатчилик фикрининг ғазаби, араб халқларининг агрессорга ва унинг ҳомийларига нисбатан нафрати ҳам шунчалик кучли бўлади, Исроил ҳукмдорлари ўз халқига, ўз мамлакатига шунчалик катта зарар етказади.

Совет Иттифоқи араб дўстларини бундан кейин ҳам қаттиқ қўллаб-қувватлай беради. **(Қарсаклар).** Бизнинг мамлакатимиз Яқин Шарқдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш учун халқаро гарантиялар яратишда Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш бошқа давлатлар билан бирликда иштирок қилишга тайёрдир.

Бу мақсадга эришилгандан сўнг, бизнинг фикримизча, бу районнинг ҳаммасида ҳарбий кескинликни юмшатишга, жумладан, Ўрта Ер денгизини тинчлик ва дўстона ҳамкорлик денгизига айлантиришга қаратилган навбатдаги тадбирларни кўриб чиқиш мумкин бўлур эди.

Ўртоқлар! Шу йиллар давомида Европа бизнинг ташқи сиёсий фаолиятимизда энг муҳим ўринлардан бирини эгаллади.

Совет — Франция муносабатларининг яхшиланиши Европага тааллуқли ҳамма ишлар учун муҳим ижобий натижалар берди. Яқинда Москвада Франция президенти билан музокаралар олиб борилганлиги ва сиёсий консультациялар тўғрисида протокол имзоланганлиги натижасида Совет Иттифоқи ва Франция ўртасида ҳамкорлик имкониятлари кенгайди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкам тарихий анъаналарга таянади. Давлатларимизнинг ҳозир ҳам кўп масалаларда манфаатлари бир-бирига тўғри келади. Биз СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга тарафдормиз. Буни биз халқаро хавфсизликнинг муҳим фактори деб биламиз. Бизнинг ГФР билан муносабатларимизда жиддий силжиш бўлганлиги натижасида Европада янги истиқболлар очилмоқда.

Бутун урушдан кейинги давр мобайнида биз ўз иттифоқдошларимиз ва дўстларимиз каби, Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг негизи — аввало Европа давлатлари чегараларининг бузилмаслигидадир деган фикрга асосланиб келдик. Чегараларнинг, шу жумладан ГДР билан ГФР ўртасидаги чегаранинг ва Польша давлати ғарбий чегарасининг бузилмаслиги энди Совет Иттифоқи ва Польшанинг ГФР билан тузилган шартномаларда аниқ-равшан тасдиқланмоқда. Мазкур шартномаларни ратификация қилиш масаласи муносабати билан Ғарбий Германияда сиёсий кучлар ўртасида кескин чегараланиш юз бермоқда. Бонндаги, шунингдек, бошқа баъзи ғарбий пойтахтлардаги реал фикр қилувчи доиралар ратификациянинг чўзилиши ГФРнинг бутун сиёсатига нисбатан ишониш соҳасида янги кризис вужудга келтирган, Европадаги сиёсий иқлимни ва халқаро кескинликни юмшатиш истиқболларини ёмонлаштирган бўлур эди, деган оддий ҳақиқатни тушунадилар, деб ўйлаш керак.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши учинчи бетда)

Совет Иттифоқига келганда, Совет — Ғарбий Германия шартномаси тузилганлиги муносабати билан у ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга тайёрдир. Биз ГФР билан Европанинг социалистик қисми ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ва яхшилашга олиб борадиган йўлнинг бизга тегишли қисмини босиб ўтишга тайёрмиз. Лекин ўз-ўзидан равшанки, бунинг учун иккинчи томон ҳам мазкур шартноманинг ҳарфи ва руҳига мувофиқ иш кўриши шарт. Сўнгги вақтда Европада юз берган позитив ўзгаришлар иккинчи жаҳон урушидан Европага мерос бўлиб қолган проблемалар тўла-тўкис ҳал қилинганлигини билдирмайди. Европадаги вазиятни янада яхшилаб бориш учун, Европада коллектив хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам икки томонлама асосда, ҳам Умумевропа миқёсида ҳамкорликни ривожлантиришда илгари силжиш учун нима иш қилиш керак?

Умумевропа кенгашини чақириш умуман Европада вазиятни яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Ҳозир Европа давлатларининг кўпчилиги шунга тарафдор бўлиб чиқмоқда. Бу кенгашни тайёрлаш амалий сиёсатнинг вазифасига кўчирилмоқда. Бироқ Европадаги кескинликни юмшатишга тўсқинлик қилишга уринишлар тўхтамаяпти. Умумевропа кенгаши чақирилиши учун бу қитъанинг барча давлатлари яна жиддий куч-ғайрат сарф қилишлари керак.

Ўз-ўзидан маълумки, қитъадаги вазиятни соғломлаштириш учун Совет — Ғарбий Германия ва Польша — Ғарбий Германия шартномалари тезроқ кучга кириши лозим.

Ғарбий Берлин билан боғлиқ бўлган проблемалар ҳам ҳал қилиниши керак. Агар АҚШ, Франция ва Англия худди биз сингари Ғарбий Берлиннинг алоҳида статусини белгилаб берган иттифоқчилик битимларини ҳурмат қилишга, ГДРни мустақил социалистик давлат сифатидаги суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асослансалар, у ҳолда ҳозир олиб борилаётган музокаралар барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Ғарбий Берлин аҳолисининг ҳам фойдасига муваффақиятли тугалланиши мумкин.

ГДР билан ГФР ўртасида халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томондан қабул қилинган нормаларига асосланган тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатиш, шунингдек, ҳар иккала давлатни БМТга қабул қилиш ҳам актуал вазифадир.

Мюнхен битимини аввал бошдан бекор деб билиш тўғрисида Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳаққоний талабларини қондириш ҳам каттагина аҳамият касб этиши керак.

Ўртоқлар! Қуролсизланиш ҳозирги замоннинг энг муҳим халқаро проблемаларидан биридир. Биз уруш хавфини камайтирувчи конкрет натижаларни қўлга киритиш учун, халқлар қуролланиш пойгасини муқаррар офат деб унга кўникиб қолишига йўл қўймаслик учун интилиб келдик.

Ҳисобот даврида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома тайёрланди ва кучга кирди. Гарчи ҳозирча баъзи давлатлар, шу жумладан, баъзи ядро давлатлари бу шартномага қўл қўймаган бўлсалар ҳам, у ядро урушининг чиқиш хавфини маълум даражада камайтиради. Эндиликда ГФР Япония, Италия ва бошқа мамлакатлар имзо чеккан шартномаларни ратификация қилиш билан мустаҳкамлашлари муҳимдир.

Ядро қуролини космос, шунингдек, денгиз ва океанлар тубида жойлаштиришни тақиқловчи шартномалар тузилди. Лекин булар — фақат дастлабки қадамлардир. Бизнинг мақсадимиз — ядро энергиясининг фақат тинчлик мақсадларига хизмат қилишига эришишдан иборатдир.

Биз стратегия қуроллари ишлаб чиқаришни камайтириш тўғрисида АҚШ билан музокаралар олиб боряпмиз. Бу музокараларнинг яхши тугалланиши ракета қуроллари ишлаб чиқариш пойгасида янги давра бошланмасликка, анчагина маблағларни бунёдкорлик мақсадларига сарф қилиш учун бўшатиб олишга имкон берган бўлур эди. Биз бу музокараларнинг ижобий натижалар беришига интилмоқдамиз.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, умуман қуролсизланишга оид музокаралар, бунинг устига энг нозик ҳарбий-техник аспектлар муҳокама қилинадиган музокаралар, томонлар хавфсизлигининг манфаатлари бир хилда ҳисобга олинган ва ҳеч кимнинг фақат бир ўзи устинликка эга бўлишга ҳаракат қилмаган тақдирдагина натижа бериши мумкин.

Ҳам ядро, ҳам оддий қуроллар ишлаб чиқариш пойгасини тўхтатиш учун, ёппасига ва тўла қуролсизланиш учун кураш — бундан буён ҳам КПСС, Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади. **(Қарсаклар).**

Сўнгги йилларда СССРнинг капиталистик дунё мамлакатлари билан муносабатлари анчагина актив ва ҳар томонлама бўлди. Бу мамлакатларнинг баъзилари билан халқаро сиёсатнинг умумий масалаларида ҳамкорлик кенгайди, бир-бирини яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган сиёсий консультациялар одат тусига кира бошлади. Иқтисодий ва илмий-техника алоқалари анча кенгайди, бир қанча ҳолларда улар узоқ вақтга мўлжалланадиган бўлди. Биз, масалан, Италия билан албатта ўзаро манфаатдорлик шарти билан, Волжск автомобиль заводини қуришда, газ индустриясини ривожлантиришда, шу жумладан Совет Иттифоқидан Ғарбий Европага газ қувурлари ўтказишда Австрия ва бошқа баъзи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Яқинда Францияда металлургия комплексини барпо қилишда Совет Иттифоқининг иштирок қилиши тўғрисида ўзаро келишиб олинди. Япония фирмалари Узоқ Шарқда янги порт қуришда биз билан ҳамкорлик қилишади. Бошқа йирик лойиҳалар ҳам муҳокама қилинмоқдаки, буларга чет эл савдо-сотиқ доиралари жуда қизиқиб қарамоқдалар.

Биз ўз қўшниларимиз билан муносабатларимизга ҳар қачонгидек катта аҳамият беряпмиз. Финляндия билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Афғонистон ва Эрон билан муносабатларимиз муваффақиятли ривожланмоқда; Покистон билан, Туркия билан нормал муносабатлардамиз; Швеция билан алоқаларимиз барқарор тус олди.

Ҳиндистон билан дўстона муносабатларимиз анча ривожланди, Ҳиндистон ҳукуматининг халқаро масалаларда тинчликсевар, мустақил йўл тутиб келаётганлиги, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик туйғулари — буларнинг ҳаммаси Совет- Ҳиндистон ҳамкорлигини кучайтиришга ёрдам бермоқда. **(Қарсаклар).**

Гарчи баъзи япон доираларининг «территория масаласи» деб аталмиш масаладан фойдаланишга уринаётганликлари Совет—Япония муносабатларига фойда келтирмаётган бўлсада, шунга қарамай Япония билан ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш учун анчагина имкониятлар борлигини кўриб турибмиз. Японияда чет эл ҳарбий базаларининг борлиги ҳам бу муносабатларни тегишли шартномалар асосида тўла нормаллаштириш учун қийинчилик туғдирмоқда. Ваҳоланки, бундай нормаллаштириш ҳар иккала мамлакат халқларининг узоқни кўзловчи манфаатларига, Узоқ Шарқдаги ва Тинч океан ҳавзасидаги тинчлик манфаатларига мувофиқ бўлур эди.

Энди Совет Иттифоқининг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлари тўғрисида. Совет—Америка муносабатларининг яхшиланиши совет ва америка халқларининг манфаатларига, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушар эди. Бироқ биз АҚШнинг жаҳоннинг турли районларидаги агрессив ҳаракатларига эътибор қилмай туролмаймиз. Сўнгги вақтда америка маъмурияти бир қанча халқаро масалаларда, шу жумладан Совет Иттифоқининг манфаатларига тааллуқли масалаларда, ўз позициясини дағаллаштирди. Чамаси қандайдир ички сиёсий маневрлар билан боғлиқ бўлган муваққат замонасозлик туфайли Америка ташқи сиёсатида тез-тез рўй бериб турадиган ўзгаришлар ҳам Қўшма Штатлар билан муносабатларни мураккаблаштирмоқда.

Биз СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мумкин, деган фикрдамиз. Капиталистик мамлакатларга, шу жумладан АҚШга нисбатан бизнинг принципиал йўлимиз — тинч-тотув яшаш принципларини практикада изчиллик билан ва тўла-тўкис амалга оширишдан, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришдан, бунга тайёр давлатлар билан эса тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик қилишдан, улар билан ўзаро муносабатларни мумкин қадар барқарор қилишдан иборатдир. Лекин биз масалаларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга чинакам интилиш бўляптими ёки «зўравонлик» сиёсатини юргизишга уриниш бўляптими, шуни ҳисобга олишга мажбур бўламиз.

Империалистлар ўзларининг агрессив тадбирларини ниқоблашга мажбур бўлиб қолган вақтларда улар «Совет хавфи» тўғрисидаги афсонани янгидан кўтариб чиқишга интиладилар. Улар бундай хавфнинг аломатларини Ҳинд океанининг қаъридан ҳам, Кордильера тоғларининг чўққиларидан ҳам қидирадилар. НАТО дурбинидан қараб улар Европа текисликларида Ғарбга сакрашга шай бўлиб турган совет дивизияларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаяптилар.

Бироқ Совет Иттифоқига ёт бўлган ниятларни унга тўнкашга уриниш билан халқларни алдаб бўлмайди. Биз тўла масъулиятни зиммамизга олиб шуни айтамизки: бизнинг ҳеч кимга территориал даъволаримиз йўқ, биз ҳеч кимга хавф солмаяпмиз ва ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмасмиз, биз барча халқларнинг эркин ва мустақил ривожланишига тарафдормиз. Лекин биз билан ҳам ҳеч ким ультиматум ва зўравонлик тили билан гаплашишга урина кўрмасин. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўз чегараларимизнинг ҳар қандай тажовузлардан дахлсизлигини таъминлаш учун ва социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун бизда ҳамма зарур нарсалар — ҳалол тинчлик сиёсати ҳам, ҳарбий қудрат ҳам, совет халқининг жипслиги ҳам бор. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ҳисобот даври гитлерчилар Германияси ва милитаристик Япония тор-мор қилингандан кейин ўтган чорак асрни якунлади. Бу улуғ ғалабанинг самаралари бугунги халқаро воқеликда ҳам кўриниб турибди. Совет халқи шунчалик қимматга тушган ҳамма нарсани кўз қорачуғидек эҳтиёт қилиб сақламоқда.

Мана, йигирма беш йилдан кўпроқ вақтдан бери халқимиз тинчлик шароитида яшамоқда. Буни биз партиямиз ташқи сиёсатининг энг буюк ютуғи деб биламиз. Мана, чорак асрдирки инсоният жаҳон урушидан халос бўлган. Совет мамлакати, унинг ташқи сиёсати халқларнинг ана шу тарихий ютуғига ҳам каттагина ҳисса қўшди. Бироқ агрессия ва милитаризм кучлари четга суриб қўйилди-ю, лекин зарарсизлантирилгани йўқ. Урушдан сўнгги йиллар мобайнида агрессия ва милитаризм кучлари 30 дан ортиқ катта-кичик уруш ва ҳарбий тўқнашувлар чиқардилар. Янги жаҳон уруши хавфи ҳам батамом бартараф қилинди, деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу хавфнинг урушга айланишига йўл қўймаслик — барча тинчликсевар давлатларнинг, барча халқларнинг энг муҳим ишидир. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи империализмнинг агрессив сиёсатига тинчликни актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш сиёсатини қарама-қарши қўяди. Бу сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳаммага маълум. Бизнинг партиямиз, Совет давлатимиз қардош социализм мамлакатлари билан, бошқа тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорликда ва бутун дунёдаги миллион-миллион халқ оммасини қизғин қўллаб-қувватлаган ҳолда кўп йиллардан бери ана шу йўналишларда кураш олиб бориб, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Ҳозирги вазиятда КПСС қуйидагиларни бу курашнинг асосий конкрет вазифалари, деб билади.

БИРИНЧИ.

— Шарқи-Жанубий Осиёда ва Яқин Шарқда уруш ўчоқларини тугатиш ва агрессияга дучор бўлган давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида бу районлардаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилишга кўмаклашиш.

— Ҳар қандай агрессияга ва халқаро миқёсдаги ўзбошимчаликка дарҳол ва қаттиқ зарба бериш. Бунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имкониятларидан ҳам тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

— Низоли масалаларни ҳал қилиш учун куч ишлатишдан ва уни ишлатишга таҳдид қилишдан бош тортиш халқаро ҳаётнинг қонуни бўлиб қолиши керак. Совет Иттифоқи бу фикрга қўшилган мамлакатларга тегишли икки томонлама ёки регионал шартномалар тузишни таклиф қилади.

ИККИНЧИ:

— Иккинчи жаҳон уруши натижасида Европада вужудга келган территориал ўзгаришларни қатъий тан олишга асосланиш. Бу қитъада кескинликни юмшатиш ва тинчлик сари кескин бурилиш ясаш. Умумевропа кенгашини чақиришни ва унинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш.

— Европада коллектив хавфсизликни таъминлаш учун бутун чораларни кўриш. Биз Варшава мудофаа шартномаси қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг бу шартномани ва Шимолий Атлантика Иттифоқини айни бир вақтда йўқотишга ёки биринчи қадам сифатида — уларнинг ҳарбий ташкилотларини тугатишга тайёр эканлиги ҳақида биргаликда берган баёнотларини тасдиқлаймиз.

УЧИНЧИ:

— Ядро, химия, бактериология қуролларини тақиқловчи шартномалар тузиш.

— Ядро қуролини синашнинг, шу жумладан ер остида синашнинг ҳамма жойда ҳамма томонидан тўхтатилишига эришиш.

— Жаҳоннинг турли районларида ядро қуролисиз зоналар барпо этишга ҳаракат қилиш.

— Биз ядро қуролига эга бўлган барча давлатларни ядро қуролсизланишига, шу мақсадда ядро қуролига эга бўлган беш давлатнинг — СССР, АҚШ, ХХР, Франция, Англиянинг конференциясини чақиришга тарафдормиз.

ТЎРТИНЧИ.

— Барча турдаги қуроллар ишлаб чиқариш пойгасини тўхтатиш учун курашни активлаштириш. Биз қуролсизланиш масалаларини тўла-тўкис кўриб чиқиш учун умумжаҳон конференциясини чақиришга тарафдормиз.

— Биз чет эл ҳарбий базаларини тугатиш тарафдоримиз. Биз ҳарбий кучларнинг қарама-қарши туриши айниқса, хавфли бўлган районларда, аввало, Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартиришга тарафдормиз.

— Биз ҳарбий можароларнинг тасодифий келиб чиқиш ёки атайлаб тўқиб чиқариш ҳамда уларнинг халқаро тангликларга, урушга айланиб кетиш эҳтимолини камайтирувчи тадбирларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи ҳарбий харажатларни қисқартириш тўғрисида, биринчи навбатда йирик давлатларнинг ҳарбий харажатларини қисқартириш тўғрисида келишиб олишга тайёрдир.

БЕШИНЧИ.

— БМТнинг ҳанузгача мавжуд мустамлака режимларини тугатиш тўғрисидаги қарорлари тўла-тўкис бажарилиши керак. Ирқчилик ва апартеид кўринишлари ёппасига қораланиши ва бойкот қилиниши шарт.

ОЛТИНЧИ:

— Совет Иттифоқи ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга интилувчи давлатлар билан барча соҳаларда ана шундай муносабатларни чуқурроқ олиб боришга тайёр. Мамлакатимиз табиат муҳитини муҳофаза қилиш, энергетика ва бошқа табиий ресурсларни ўзлаштириш, транспорт ва алоқани ривожлантириш, энг хавфли ва кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва тугатиш, космосни ва жаҳон океанини тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш каби масалаларни ҳал қилишда бошқа манфаатдор давлатлар билан бир қаторда қатнашишга тайёр.

Партиямизнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш программаси асосан ана шулардан иборат. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Бинобарин биз шуни айтамизки, Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, бундан буён ҳам империализмга қарши кескин кураш олиб боради, агрессорларнинг кирдикорлари ва қўпорувчилигига қаттиқ зарба бериб боради. Биз ҳар қачонгидек, халқларнинг демократия, миллий-озодлик ва социализм учун курашини оғишмай қўллаб-қувватлайверамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Айтилганлардан кўриниб турибдики, ўтган беш йил партиямиз ва давлатимизнинг халқаро сиёсат соҳасида фаол ва қаттиқ иш олиб борган йиллари бўлди.

Халқаро ишларда ҳамма нарса фақат бизга ёки бизнинг дўстларимизга боғлиқ бўлмайди, албатта. Биз ҳамма жойда ҳам кўзлаган мақсадларимизга истаганимизча тез бора олмадик. Бир қанча муҳим ишлар ҳали охирига етказилганича йўқ, уларнинг аҳамияти кейинроқ тўла-тўкис намоён бўлади. Лекин қилган ишларимизнинг якунлари равшан кўриниб турибди: беш йил мобайнида катта натижалар қўлга киритилди. Ватанимизнинг халқаро аҳволи янада мустаҳкамланди, унинг обрў-эътибори ошди, совет кишиларининг тинч меҳнати пухта таъминланди. **(Давомли қарсаклар).**

II.

ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДАГИ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқлар! Бундан эллик йил муқаддам В. И. Ленин тарихда биринчи иқтисодий ривожланишнинг давлат планини — ГОЭЛРО планини кенг муҳокама қилишга ҳавола қила туриб, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш масалалари партия ва Совет ҳукуматининг диққат марказида турадиган вақтни «энг бахтли давр» бўлади деб айтган эди. У съездларни ва кенгашларни «Хўжалик соҳасидаги ютуқларимизни текшириш органларига, хўжалик қурилишига ҳақиқатан ўрганишимизга имкон берадиган органларга» айлантиришга даъват қилган эди. (Асарлар, 31- том, 546-бет).

Бизнинг партия съездларимиз ҳам том маънода мана шундай органлар бўлиб қолди! Ленин ҳам башорат қилиб айтганидек партия ва совет давлати учун экономика — асосий сиёсатдир, экономика шундай сиёсатки, совет жамиятининг коммунизм сари зафарли ҳаракати ва социалистик давлатимиз халқаро позицияларининг мустаҳкамланиши мана шу сиёсатнинг ютуқларига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Партия Марказий Комитети фаолияти мана шу жуда муҳим соҳада қилган ўз ишлари учун ҳисоб берар экан, совет халқи саккизинчи беш йилликни муносиб равишда тугаллаб коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, мамлакатнинг қудратини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида олға томон катта янги қадам қўйди деб айтиш учун ҳамма асосларга эга (Қарсаклар).

1. САККИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ ВА ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Халқ хўжалигининг 1966–1970 йиллардаги ривожланиши

Беш йилликнинг **экономика соҳасидаги** асосий якуни шундан иборатки, халқ хўжалигининг миқёслари анча ошиб кетди, ривожланиши тезлашди ва сифат кўрсаткичлари яхшиланди.

XXIII съезднинг Директивалари асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Миллий даромадни 38—41 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди; ҳақиқатда миллий даромаднинг ўсиши 41 процентни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши планда кўрсатилган 47—50 процент ўрнига 50 процент кўпайди. Директиваларни меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга тааллуқли энг муҳим кўрсаткичларга доир топшириқлари ошириб бажарилди.

Умуман саккизинчи беш йиллик бундан олдинги беш йилликка нисбатан анча юксакроқ натижалар берди.

Еттинчи ва саккизинчи беш йилликларда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичлари

(Таққосланувчи нархлар билан; ўсиш миллиард сўм ва процент ҳисобида)

	Еттинчи беш йиллик (1961—1965 йиллар)		Саккизинчи беш йиллик (1966—1970 йиллар)	
	Абсолют ўсиш	1965 йил 1960 йилга нисбатан процент ҳисобида	Абсолют ўсиш	1970 йил 1966 йилга нисбатан процент ҳисобида
Жами ижтимоий маҳсулот	113	137	175	142
Истеъмол қилиш ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад	45	132	77	141
Саноат маҳсулоти	84	151	125	150
шу жумладан:				
«А» группаси	66	158	91	151
«Б» группаси	18	136	34	149
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти (бундан олдинги беш йилликдагига нисбатан йиллик ўртача ишлаб чиқариш)	7,1	112	14,0	121
Капитал маблағларнинг ҳажми (беш йил ичида)	77	145	104	142
Барча турдаги транспорт юк обороти — миллиард тонна—километр ҳисобида	878	147	1061	138
Чакана товар обороти	26,1	134	50,2	148

Мамлакатнинг истеъмол қилиш ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромади йилига ўрта ҳисобда бундан олдинги беш йилликдаги 5,7 процент ўрнига 7,1 процент кўпайиб борди. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлган ижтимоий меҳнат унумдорлиги еттинчи беш йилликдаги 29 процент ўрнига 37 процент кўпайди.

Экономиканинг негизи бўлган оғир саноат янада ривож топди. Техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқлар — электр қуввати, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик ва айниқса радио электроника ҳамда асбобсозлик тармоқлари илдам суръатлар билан ривожлана борди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида мазкур тармоқлар маҳсулотининг салмоғи кўпайиб 28 процентдан 33 процентга етди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тез ривожланиб борди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш беш йил ичида 49 процент кўпайди. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги миқёсини яққол тасаввур қилмоқ учун шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, 1970 йилнинг ўзидагина саноат маҳсулоти урушдан олдинги беш йилликларнинг ҳаммасидагига қараганда икки баравар чамаси кўпроқ ишлаб чиқарилди. **(Қарсаклар).**

1966—1970 йилларда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қандай ўсганлигини қуйидаги жадвал кўрсатиб турибди.

	1965 йил	1970 йил	1970 йил 1965 йилга нисбатан процент ҳисобида
Электр қуввати — миллиард киловатт соат	507	740	146
Нефть (газ конденсатини қўшиб ҳисоблаганда) — миллион тонна	243	353	145
Кўмир — миллион тонна	578	624	108
Газ — миллиард куб метр	129	200	154
Пўлат — миллион тонна	91	116	127
Қора металлар прокати — миллион тонна	71	92	130
Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулоти — миллиард сўм	51	88	174
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда ҳисоблаганда) — миллион тонна	31	55	177
Синтетик смолалар ва пластмассалар — минг тонна	803	1672	208
Цемент — миллион тонна	72	95	132
Ҳамма турдаги газламалар — миллиард квадрат метр	7,5	8,9	118
Тикилган буюмлар — миллиард сўм	9,0	15,9	177
Чарм пойафзал — миллион жуфт	486	676	139
Кенг эшиттиришга мўлжалланган радиоприёмниклар ва телевизорлар — миллион дона	8,8	14,5	164
Рўзғор холодильниклари — миллион дона	1,7	4,1	247

Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Бир қанча сабабларга кўра бу тармоқ экономикамизнинг энг мураккаб ва қийин участкаси бўлиб келди ва ҳозирча ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам партиямизнинг иши, қишлоқ меҳнаткашларимизнинг ва саноатдаги тегишли тармоқлар ходимларининг сарфлаган куч ва ғайрати катта муваффақиятлар билан якунланганлиги ҳаммани мамнун қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг йиллик ўртача ҳажми бундан олдинги беш йилдаги 12 процентга нисбатан 21 процент кўпайди. Дон етиштиришда энг муҳим ва катта силжишлар рўй берди. Доннинг йиллик ўртача ялпи ҳосили 37 миллион тоннага ёки 1,3 баравар кўпайди. Гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштириш сезиларли равишда кўпайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турлари ҳар йили ўрта ҳисобда қанча миқдорда етиштирилганлиги қуйидаги жадвалдан кўриниб турибди.

	Миллион тонна ҳисобида		1966—1970 йиллар 1961—1965 йилларга нисбатан процент ҳисобида
	1961—1965 йиллар	1966—1970 йиллар	
Дон	130,3	167,5	129
Пахта	5,0	6,1	122
Қанд лавлаги (фабрика бопи)	59,2	81,0	137
Кунгабоқар	5,1	6,4	126
Зиғирпоя толаси	0,41	0,46	112
Картошка	81,6	94,8	116
Сабзавот	16,9	19,3	114
Гўшт (сўйилган вазнда)	9,3	11,6	124
Сут	64,7	80,5	124
Тухум (миллиард дона)	28,7	35,8	124
Жун (минг тонна)	362	397	110

1970 йилнинг якунлари тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак бўлади. Мамлакатда 186 миллион тоннадан зиёдроқ дон, 6,9 миллион тонна пахта олинди. Бу қадар катта ялпи ҳосилни илгари ҳеч қачон олмаган эдик. **(Қарсаклар).** Дон экинларининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 15,6 центнер, пахтанинг ҳар бир гектаридан 25 центнер ҳосил олинди. **(Қарсаклар).**

Транспортнинг юк оборотини ошириш бўйича беш йиллик топшириғи бажарилди. Капитал қурилиш кенг миқёсда олиб борилди. 1900 га яқин йирик саноат корхоналари ва объектлар ишга туширилди. Бошланган беш йилликнинг биринчи йилидаёқ ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириб бориш учун яхши замин ҳозирлаб қўйилди.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш яхшиланди. Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг иқтисодий потенциали анча ошди. Барча республикаларнинг халқ хўжалиги олға қадам қўйди, умумдавлат вазифаларини ҳал қилишда ҳар қайси республиканинг қўшаётган ҳиссаси кўпайди. Бу барча халқларимиз иттифоқи ва қардошлигининг иқтисодий негизи кенгайди, демакдир.

Социал вазифаларни ҳал этишда ўтган беш йил муҳим давр бўлди. Ижтимоий муносабатларда рўй берган ўзгаришлар ҳақида кейинроқ тўхталиб ўтаман. Ҳозир халқ фаровонлигининг ўсиши билан алоқадор бўлган баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар партия XXIII съезди Директиваларида кўзда тутилган 30 процент ўрнига беш йил ичида 33 процент ва бундан олдинги беш йилдагига нисбатан 19 процент кўпайди.

Сизларга маълумки ўртоқлар, бу беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи кўпайтирилиб, ойига 60 сўмга етказилди. Мамлакатда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 26 процент кўпайди. Колхозчиларнинг ижтимоий хўжаликдан олаётган даромадлари 42 процент кўпайди. Меҳнатга гарантияланган миқдорда ҳақ тўлаш жорий қилинди, пенсия ёши пасайтирилди, колхоз аъзоларига касал бўлганларида ва меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларида нафақалар тўлаш жорий қилинди.

Ижтимоий истеъмол фондлари беш йил ичида бир ярим баравар кўпайди ва 1970 йилда қарийб 64 миллиард сўмга етди.

Чакана савдо товар оборотининг ўсиши фаровонликнинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Чакана савдо товар оборотидаги ўсиш 1966—1970 йилларда 48 процентни ташкил этди. Шу билан бирга истеъмол структураси анча яхшиланди. 1965 йилдагига нисбатан 1970 йилда гўшт истеъмол қилиш жон бошига ҳисоблаганда 17 процент, сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 22 процент, тухум истеъмол қилиш 23 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш 33 процент, қанд шакар истеъмол қилиш 14 процент кўпайди ва шу билан бир вақтда нон маҳсулотлари ва картошка истеъмол қилиш камайди. Маданий рўзғор молларини, айниқса узоқ фойдаланиладиган буюмларни: радио приёмниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари, холодильниклар ва бошқаларни аҳолига сотиш кўпайди.

Уй-жой проблемаси нақадар кенг миқёсда ва қунт билан ҳал қилинаётганлиги ҳаммага маълум. Шу мақсадлар учун 60 миллиард сўм чамаси маблағ сарфланди. Беш йил ичида ярим миллиард квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қурилди. Бу, мамлакатда ҳар бирида бир миллион киши истиқомат қиладиган бамисоли 50 дан кўпроқ катта шаҳарлар барпо қилиш демакдир. Янги уй-жой олган оилаларнинг кўпчилиги замонавий қулайликлари бўлган алоҳида квартираларга кўчиб кирдилар.

Ўтган беш йилликда халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш системаси муваффақиятли равишда ривожланиб борди. Совет кишиларининг соғлиғини сақлаш ва умрини узайтириш тўғрисида партия ва давлат ҳар доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1966—1970 йиллар мобайнида 151 минг нафар — ўтган беш йилликдагига қараганда 22 минг нафар кўп врач тайёрланди. Медицина муассасалари шохобчалари анча кенгайтирилди ва кўпайтирилди.

Бир неча йиллардан бери совет ишчилари ва хизматчиларининг аксарияти икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасидан фойдаланиб келмоқда. Меҳнаткашларнинг анчагина қисми учун ҳақи тўланадиган отпускалар муддати кўпайтирилди.

Кўриб турибсизки, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида беш йиллик мобайнида жуда катта натижалар қўлга киритилди. Бу муваффақиятлар совет кишилари учун янги илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, уларда Ватан бахт-саодати йўлида, қаҳрамон халқимиз бахт-саодати йўлида тагин ҳам яхшироқ меҳнат қилиш истагини туғдиради, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партия беш йиллик натижаларини якунлаш ва муваффақиятларга таҳсинлар айтиш билан бирга хўжалик фаолиятидаги камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни очиқ ва равшан кўриб турибди. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, маҳсулотнинг баъзи муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари тўла бажарилмай қолди.

Химия, станоксозлик, енгил саноатда ва бошқа баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларини оширишда қолоқлик содир бўлди. Кўпгина министрликлар янги техникани жорий қилиш планларини ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини бажармадилар. Қишлоқ хўжалигини электр қуввати ва машиналар билан таъминлаш планлари ҳам бажарилмади.

Ўртача иш ҳақини ошириш топшириқлари ортиғи билан бажарилгани ҳолда, меҳнаткашлар айрим категорияларининг тарифларини ва мансаб окладларини мўлжаллаб қўйган миқдорда ошириш тадбирлари ўтказилмай қолди. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса гўштни етиштириш, шунингдек кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилган бўлса ҳам, аммо бу ўсиш эҳтиёжлардан орқада қолмоқда, бу эса савдо соҳасида баъзан узилишлар бўлишига олиб келмоқда.

Бу қийинчиликлар қисман ташқи ва ички объектив сабаблар натижасида келиб чиқмоқда. Лекин табиийдирки, хўжалик совет ва партия органларининг ишидаги нуқсонларни, шунингдек, планлаштиришдаги, янги техникани ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришдаги, резервлардан фойдаланишдаги камчиликларни келтириб чиқарган сабабларга съездда айниқса диққат билан қарамоқ лозим бўлади.

Бироқ камчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар асосий муваффақиятни — беш йилликнинг асосий ижодий якунларини кўздан қочиролмайди. Партия ва халқ катта ва мураккаб вазифани — халқ хўжалигини янада ривожлантиришни ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашни меҳнаткашлар фаровонлигини анча ошириш билан қўшиб олиб бориш вазифасини муваффақиятли бажардилар. **(Давомли қарсаклар).**

Совет халқининг хўжалик қурилишидаги ютуқлари катта сиёсий аҳамиятга эга. Бу ютуқлар мамлакатимизда социалистик тузумни янада мустаҳкамлашга олиб келди, совет халқини партия теварагига янада маҳкам жипслаштирди. **(Қарсаклар).** Бу ютуқлар социалистик давлатларнинг иқтисодий қудратини кучайтириш, капитализм билан иқтисодий мусобақада жаҳон социалистик системасининг мавқеини мустаҳкамлашдек муштарак ишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўртоқлар! XXIII съезд мамлакат хўжалигини ривожлантириш йўлини белгилаб берар экан, саккизинчи беш йиллик учун мўлжалланган асосий кўрсаткичларни тасдиқлабгина қолмасдан, шу билан бирга узоқ вақтга мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг бир қанча муҳим масалаларини ҳам олдимизга қўйди. Марказий Комитет мана шуларни ҳал қила бориб, съезд кўрсатмаларига мувофиқ қишлоқ хўжалигига ва саноатга раҳбарлик қилишда ўтган даврда содир бўлган камчиликларни тузатиш чораларини ҳам кўрди.

Съездга шуни айтиш мумкинки, экономикага раҳбарликни такомиллаштириш борасида ўтган беш йил ичида катта иш қилинди. Марказий Комитет Пленумларида, Марказий Комитет билан СССР Министрлар Советининг қарорларида катта-катта хўжалик проблемалари ҳал қилиб берилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программасини ишлаб берган 1966 йилги май ва 1970 йилги июль Пленумларининг, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бошқаришни такомиллаштириш йўллари каби, экономикамизни ривожлантиришнинг принципиал масалаларини муҳокама қилган 1969 йилги, декабрь Пленумининг аҳамияти тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Мана шу ишларнинг ҳаммасини якунлаб шуни айтиш мумкинки, ҳисобот мобайнида партия ўз иқтисодий сиёсатининг энг йирик ва мураккаб бир қанча масалаларини ўрганиш ва мағзини чақишда анча олдинга силжиди.

(Давоми бешинчи бетда)

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши тўртинчи бетда)

Марказий Комитет жойлардаги партия ташкилотларининг ва комитетларининг ижодий активлиги ўсганлигини қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Кўпгина республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ташкилотлари муҳим иқтисодий масалаларга доир, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масалаларга доир таклифларни Марказий Комитетга киритдилар. Бу таклифлар ўрганилди ва халқ хўжалигига оид қарорларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинди.

Ҳисобот даври мобайнида партия томонидан қилинган ишнинг муҳим натижаси шундан иборатки, партия, совет, хўжалик ва касаба союз кадрлари, кенг меҳнаткашлар оммаси иқтисодий масалаларга чуқурроқ киришадиган, ўз олдиларида турган проблемаларни ва бу проблемаларни ҳал қилиш йўлларини яхшироқ тушунадиган бўлиб қолдилар.

Мамлакатнинг иқтисодий муваффақиятлари — саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш, фан ва маданият ходимлари, кўп миллатли ватанимизнинг барча халқлари фидокорлик билан қилган меҳнатининг натижасидир. Ишчилар синфини, колхозчи-деҳқонларни, зиёлиларни, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларини меҳнатдаги катта ғалабалари билан съезд номидан муборакбод қилишга рухсат этгайсиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичдаги хусусиятлари ва янги беш йиллик планнинг вазифалари

Ўртоқлар! Сиёсатнинг бутун мушкуллиги ва бутун санъати шундан иборатки, ҳар бир давр вазифаларининг ўзига хос хусусиятларини, партия ишлаб турган шароитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб бориш керак деб В. И. Ленин кўп марталаб уқтириб ўтган эди. Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ҳам шундай йўл тутиш жуда катта аҳамиятга эга, бу сиёсат мамлакат ривожланишидаги ҳар бир босқичнинг асосий хусусиятларини ҳисобга олиб туриши лозим.

Маълумки, бизнинг мамлакатимизда социализм ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмидаёқ ғалаба қилган эди. Шундан бери совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати ва курашидан иборат бўлган ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўша даврдаги хўжалигимиз ва ҳозирги экономикамиз айни бир типдаги ишлаб чиқариш муносабатларига, айни бир хил иқтисодий қонунларга, социализм қонунларига асосланади, албатта. Шу билан бирга ҳозирги экономика билан ўттизинчи йиллар охиридаги экономиканинг фарқини ифодаловчи муҳим янги жиҳатларни кўрмаслик мумкин эмас.

Халқ хўжалиги, социалистик ижтимоий муносабатлар, кенг халқ оммасининг маданияти ва онглилиги бекиёс юксак даражага кўтарилди. Совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан ривожланган социалистик жамият қурилдики, мамлакатимиздаги бундай жамият ҳақида В. И. Ленин 1918 йилдаёқ башорат қилган эди. Шундай ривожланган социалистик жамият қурилганлиги партия программасига, унинг кейинги съездларда қўйилган буюк вазифаларни амалий ҳал қилишга, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо қилишга киришишимизга имкон берди.

Партия иқтисодий сиёсатининг навбатдаги даврга мўлжалланган туб масалалари съездда муҳокама қилинаётганлиги муносабати билан халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичга мос бўлган баъзи хусусиятларига эътиборни жалб қилмоқ керак бўлади.

Миқёсларнинг бутунлай янгилиги мана шу хусусиятларнинг энг муҳимларидан биридир. Кўп тармоқли индустрияга ва йирик социалистик қишлоқ хўжалигига, илғор фанга, малакали ишчиларга, мутахассисларга, хўжалик раҳбарларига асосланган жуда катта иқтисодий қувват вужудга келтирилди. Бу—бир кунда икки миллиард сўмга яқин ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқараётган, яъни ўттизинчи йилларнинг охирида ҳар бир ишлаб чиқилган маҳсулотдан ўн баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқараётган экономикадир.

Мамлакат халқ хўжалиги қудрати ғоят даражада ўсганлигини партия ўзининг иқтисодий фаолиятида ҳисобга олмоқда. Бунда гап конкрет равишда нималар ҳақида боряпти? Аввало, гап имкониятларимиз жуда кўпайганлиги тўғрисида боряпти. Ҳозирги кунда биз шундай вазифаларни қўйиб ҳал қилмоқдамизки, бундан олдинги босқичларда бундай вазифаларни фақат орзу қилишгина мумкин эди.

Шу билан бирга ҳозирги шароитда иқтисодий имкониятлар билан бир қаторда жамиятнинг экономикага қўяётган талаблари ҳам тез ошиб бормоқда. Маълумки социалистик қурилишнинг биринчи босқичларида биз ёш совет давлатининг ҳаёт-мамотига алоқадор бўлган энг биринчи даражадаги вазифаларга бутун диққат эътиборимизни қаратишга мажбур бўлган эдик. Энди аҳвол бошқача бўлиб қолмоқда. Биз ҳали кенг доирадаги вазифаларни айни бир вақтда ҳал қилишни истабгина қолмасдан (биз ҳамиша шундай қилишни истаб келганмиз), шу билан бирга бу вазифаларни ҳал қила оламиз ва ҳал қилишимиз ҳам лозим.

Экономикамизнинг бундан буён ўсиши учун замин тайёрлаб қўйиб, ишлаб чиқаришни техника билан қайтадан қуроллантириб, фан ва илмга жуда катта маблағлар сарфлаш билан бирга совет кишиларининг фаровонлигини оширишга алоқадор бўлган вазифаларни ҳал этишга тобора кўпроқ куч ва маблағ сарфлашимиз лозим. Эндиликда биз у ёки бу участкада, ҳатто энг муҳим участкаларда ҳам олдинга ўтиб олиб, бошқа участкаларнинг узоқ вақт орқада қолиб кетишига йўл қўя олмаймиз.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда мамлакат эришган юксак даражанинг яна бир муҳим оқибати ҳам бор, планлаштиришга, бошқаришга, хўжалик ишининг методларига қўйилаётган талаблар жиддий равишда ошиб боради. Экономиканинг ҳамма бўғинлари бир-бирига боғлиқлиги кучайиб бормоқда, бу эса истиқболни кўзлаб планлаштиришнинг, тармоқлараро алоқалар системасини ихчамлаштиришнинг, моддий таъминотни яхшилашнинг аҳамиятини оширади, албатта.

Мамлакат хўжалик тараққиётининг ҳозирги босқичдаги муҳим хусусиятларини тез авж олиб бораётган фан-техника революцияси ҳам белгилаб бермоқда. Социализм, планли социалистик хўжалик фан ва техниканинг ҳар томонлама тараққий этиши учун жуда кенг майдон очиб беради. Айни вақтда фан-техника революцияси хўжалик фаолиятимизнинг кўп томонларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, фан-техника революцияси социализмга қулайлик туғдирадиган жуда катта куч, лекин бу кучни чинакам эгаллаб олмоқ керак.

Ҳозирги тарихий босқичнинг ўзига хос бир қанча белгилари ташқи шароитнинг жиддий ўзгарганлиги билан ҳам белгиланмоқда. Буларнинг энг муҳими шуки, юқорида айтиб ўтилганидек, социалистик мамлакатларни иқтисодий интеграция қилиш жараёни авж олдирилмоқда ва кўпгина хўжалик вазифаларини мана шу жараённи ҳисобга олиб ҳал қилишимиз лозим. Шуни ҳам ҳисобга олишимиз керакки, социализм билан капитализм ўртасидаги синфий курашнинг жаҳондаги икки система ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий мусобақаси сингари соҳасининг роли ҳам ҳозирги вақтда кескин равишда кучайиб кетди.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичидаги баъзи муҳим белгилар мана шулардир. Агар буларни сиёсий вазифалар тили билан ифодаласак энг қисқа қилиб бундай дейиш мумкин. Халқ хўжалигининг жуда катта миқёслари, иқтисодий имкониятлар ошиб кетганлиги ва ижтимоий эҳтиёжлар бутун хўжалик ишимизнинг даражасини жиддий равишда оширишни, экономиканинг самарадорлигини анча юксалтиришни, жуда катта хўжалигимизнинг ҳаммасини тағин ҳам яхшироқ ишлайдиган, яхши пишитилган механизмга айлантиришни бизнинг олдимизга зарур вазифа қилиб қўймоқда. **(Қарсаклар).**

Революцион ирода ва кўлам, партиянинг миллион-миллион омма куч ва ғайратини бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш маҳорати, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг меҳнат ғайрати ҳамиша ва ҳамма ишда бизга ёрдам бериб келди. Бу улуғ ишни мунтазам равишда, қунт билан олиб бориладиган ташкилотчилик иши билан, хўжаликни юритишга илмий равишда изчил ёндошиш билан, қаттиқ интизом ва ишчанлик билан тағин ҳам чамбарчас қилиб қўйиш ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам зарур. **(Қарсаклар).**

Уртоқлар! Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларни Марказий Комитет янги беш йиллик планга доир Директивалар сингари муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда ҳисобга олди.

Тўққизинчи беш йиллик совет жамиятининг коммунизм йўлидан боришни давом эттиришида, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолиши лозим. **Беш йилликнинг асосий вазифаси—социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.**

Беш йил ичида миллий даромад 37—40 процент кўпайтирилиши, шу жумладан истеъмол фонди 40 процент ва жамғарма фонди 37 процент кўпайтирилиши керак. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 42—46 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳар йилги ўртача миқдори 20—22 процент оширилади, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар деярли учдан бир ҳиссага яқин кўпайтирилади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир Директивалар тўғрисида ўртоқ А. Н. Косигин доклад қилади, шу сабабли партия иқтисодий сиёсатининг бундан буёнги давридаги фақат учта асосий масаласига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу масалаларнинг энг биринчиси совет экономикасини ривожлантириш борасида партия эришуви лозим бўлган асосий мақсадлар масаласидир.

Сўнгра бу масала ўсиш манбалари, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада тез юксалтирмоқ учун сафарбар қилиниши лозим бўлган ресурслар масаласидир.

Ниҳоят бу—экономиканинг муваффақиятли ривожланишини таъминлаши лозим бўлган хўжаликни юритиш механизмини такомиллаштириш масаласидир.

2. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ—ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Марказий Комитет меҳнаткашлар фаровонлигини жиддий суръатда оширишни тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси сифатида илгари сурар экан, бу йўл олдимиздаги беш йил ичида бизнинг фаолиятимизни белгилаб берибгина қолмасдан, балки мамлакатнинг узоқ келажакка мўлжалланган хўжалик тараққиётининг умумий йўналишини ҳам белгилаб беришини назарда тутади. Партия ана шундай йўлни белгилаб чиқар экан, аввало, кишиларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — социализм даврида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлигига асосланади. **(Қарсаклар).**

Бизнинг партиямиз ва давлатимиз Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ бу соҳада қўлларидан келган барча ишларни қилдилар. Аммо узоқ вақт давомида бизнинг имкониятларимиз муайян тарихий сабабларга кўра чекланган эди. Ҳозирги кунда имкониятларимиз жиддий суръатда кенгайди, бу эса партияга хўжалик қурилишини халқ турмушини яхшилашга янада кўпроқ қаратиш тўғрисидаги масалани қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Партия яна шунга асосланадики, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш хўжалик тараққиётимизнинг тобора зарур эҳтиёжига, ишлаб чиқаришни жадал ўстиришнинг муҳим иқтисодий шарт-шароитларидан бирига айланмоқда.

Бундай ёндашиш бизнинг меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган йўлимиздангина келиб чиқмайди. Бу масала анча кенгроқ тарзда — совет кишиларининг, барча меҳнаткашларнинг қобилиятларини ва ижодий активлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қулайлик туғдирувчи шароитни яратиб бериш тўғрисидаги, яъни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисидаги масала сифатида қўйилмоқда.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши фақат машиналар, техника олдигагина эмас, балки биринчи галда ходимларнинг ўзлари олдига, ана шу машиналарни яратаётган ва ана шу техникани бошқараётган кишилар олдига тобора каттароқ талаблар қўймоқда. Махсус билимлар, юксак профессионал тайёргарлик, кишининг умумий маданияти ходимларнинг тобора кенг табақасининг муваффақиятли меҳнат қилиши учун зарур шартга айланмоқда. Лекин буларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан турмуш даражасига, моддий ва маънавий эҳтиёжлар қанчалик тўла қондирилиши мумкинлигига боғлиқдир.

Шундай қилиб, бизнинг мақсадларимиз ҳам, ўсиб кетган иқтисодий потенциал ҳам, халқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжлари ҳам экономикада халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган хилма-хил вазифаларни ҳал қилиш сари янада чуқурроқ бурилиш ясашни мумкин ва зарур қилиб қўймоқда. Саккизинчи беш йилликнинг ўзи бу жиҳатдан талайгина амалий натижалар берди. Эндиликда қўлга киритилган ютуқларни фақат мустаҳкамлашгина эмас, балки янгидан-янги жиддий ютуқларга эришиш лозим бўлади.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишни асосий вазифа сифатида қўяр эканмиз, бу масалага жўн масала деб ёндашиш мумкин эмас, албатта. Халқ фаровонлигини анча юксалтириш йўлини амалга ошириш вақт, жиддий куч-ғайрат, катта маблағ ва ресурслар талаб қилади. Ишлаб чиқарилган нарсанигина тақсимлаш, истеъмол қилиш мумкин, — бу оддий бир ҳақиқат. Бизнинг планларимизнинг кучи, уларнинг реаллигининг гарови шундаки, улар турмуш даражасини юксалтиришни ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалтириш билан, меҳнат унумдорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ қилиб қўяди. Лекин шунинг ўзи партия зиммасига, бутун совет халқи зиммасига тушадиган масъулиятни ҳам белгилаб беради. Бизнинг бугун қандай яшаётганлигимиз ва эртага қандай яшашимиз — бизнинг ўзимизга, меҳнат борасидаги ютуқларимизга боғлиқдир.

Халқ фаровонлиги соҳасида партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети съезд муҳокамасига киритадиган таклифлар ва планларни маълум қилишга ижозат бергайсиз.

Меҳнаткашларнинг **пул даромадларини** тағин ҳам кўпайтириш кўзда тутилади. Меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш ҳисобидан аҳоли реал даромадлари бутун ўсишининг тўртдан уч қисмини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Беш йиллик мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи ойига 70 сўмгача кўпайтирилади. Саноатда, транспортда ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишловчи ўртача ҳақ оладиган ходимлар категориясининг маоши ва оклади оширилади. Қишлоқ хўжалик механизаторларининг тариф ставкалари оширилади. Ўқитувчилар, врачлар ва медицина ходимлари ҳамда бир қатор бошқа касбдаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш кўзда тутилади. Уралда, Европа шимолида, Ғарбий Сибирда, Қозоғистонда (республиканинг жанубидан ташқари). Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь, Ўрта Осиёнинг бир қанча районларида кўпгина тармоқларда меҳнаткашларнинг иш ҳақига устама ҳақлар белгиланади ёки оширилади. Тунда ишлаганлик учун бериладиган қўшимча ҳақ миқдори анча оширилади.

Ана шу тадбирлар қадам-бақадам, мамлакат районлари ва хўжалик тармоқлари бўйича амалга ошириб борилади. Бу тадбирлар умуман олганда қарийб 90 миллион ишчи ва хизматчининг манфаатларига дахлдордир. Бунинг натижасида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи шу беш йиллик мобайнида 146—149 сўмга, колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ эса 98 сўмга етади.

Шунингдек, меҳнаткашларнинг баъзи бир категориялари учун солиқлар соҳасидаги имтиёзларни кўпайтириш кўзда тутилган.

Уртоқлар, яна бир масала устида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Индустрлаштириш ва урушдан кейин хўжаликни тиклаш йилларида биз фақат барча кучларни ва маблағларни сафарбар этиш йўли билангина олға томон ҳаракат қилаолган, экономикани ривожлантира олган эдик. Мамлакатимиз меҳнаткашлари буни яхши тушунар эдилар. Улар умумий ишга фақат ўзларининг фидокорона меҳнатларинигина бағишлаб қолмасдан, балки ўз шахсий жамғармаларини ҳам давлат заёмларига актив ёзилиш йўли билан бериб турдилар, давлат заёмлари эса экономикани жадал ривожлантириш ишида муҳим роль ўйнади.

Заёмга оммавий тарзда ёзилиш давлат бюджетига қўшилган фақат салмоқли ҳиссагина бўлиб қолмай, балки совет кишилари ватанпарварлигининг, уларнинг социализм ишига садоқатининг эркин намойиши ҳам бўлган эди. **(Қарсаклар).**

Маълумки, биз 1958 йилдан бошлаб янги давлат заёмлари чиқаришдан воз кеча олдик. Лекин аҳоли қўлида қолган ва қарийб 25.800 миллион сўмдан иборат бўлган заёмнинг пулини тўлаш 20 йил муҳлатга орқага сурилиб, уларга 1977 йилдан 1996 йилгача бир хил улушда тўлаб туриш мўлжалланган эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳозирги кундаги имкониятларимизни чамалаб чиқиб, заёмлар облигациялари пулини қайтаришни муддатидан илгари бошлаш имконияти бор ва 1974—1975 йиллардаёқ облигацияларга 2 миллиард сўм тўлаш, ундан кейинги йилларда эса қайтариладиган пул миқдорини ошириб бориш мумкин деб топди. Аҳоли сотиб олган барча облигацияларнинг пулини 1990 йилгача, яъни дастлабки муддатдан олти йил олдин қайтариш мўлжалланмоқда. Бундай қарор тўғри бўлиб, партия сиёсатига ва халқ манфаатларига тўла тўкис жавоб беради деб ўйлаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Меҳнатга тўланадиган ҳақ шаклида олинадиган даромадларни кўпайтириш билан бир қаторда **ижтимоий истеъмол фондлари** анчагина ошади. Уларнинг ҳажмини 1,4 баравар ошириш ва 1975 йилда 90 миллиард сўмга етказиш белгиланган. Бу маблағлар медицина хизматини янада яхшилашга, ёш авлодга таълим бериш ва тарбиялашни ривожлантиришга сарфланади.

Ижтимоий фондлар ҳисобидан бошқа бир қатор муҳим социал тадбирлар ҳам амалга оширилади, шу жумладан кўп болали ва яхши таъминланмаган оилаларнинг, ишлаб чиқаришда ишловчи хотин-қизлар, пенсионерлар, ўқувчиларнинг турмуш ва маиший шароити яхшиланади.

Қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

— оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад 50 сўмдан ошмайдиган оилалардаги болалар учун пул нафақалари жорий этиш; **(Қарсаклар).**

— бетоб болага қараб туриш учун ажратилган ҳақ тўланадиган кунлар миқдорини ошириш ҳамда меҳнат стажидан қатъий назар ишлаб турган барча хотинларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича 100 процент ҳақ тўланадиган отпуска белгилаб қўйиш; **(Қарсаклар).**

— ишчи ва хизматчиларга тўланадиган қарилик пенсиясининг минимал миқдорини ошириш. **(Қарсаклар).**

— колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорини ошириш ҳамда пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда ишчи ва хизматчилар учун белгиланган тартибни колхозчиларга ҳам жорий этиш; **(Давомли қарсаклар).**

— инвалидларни хамда ишчилар, хизматчилар ва ҳарбийлардан иборат боқувчисини йўқотган оилаларни пенсия билан таъминлашни яхшилаш; **(Қарсаклар).**

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида стипендиялар ҳажмини ошириш ва стипендия олувчилар доирасини кенгайтириш. **(Қарсаклар).**

— касалхоналарда ва шаҳар ҳунар-техника ўқув юртларида овқатлантиришга сарфланадиган ҳаражатлар нормасини ошириш кўзда тутилади. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳозирги беш йилликда иш ҳақини ошириш ва жамоат ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловларни кенгайтириш йўли билан аҳолининг турмуш даражасини ошириш соҳасидаги янги тадбирларни кўришга 22 миллиард сўм ажратилади, ваҳолонки, саккизинчи беш йилликда 10 миллиард сўм ажратилган эди. **(Давомли қарсаклар).**

Уй-жой қурилиши янада кенг қулоч ёзади. Беш йил мобайнида умумий майдони 565-575 миллион квадрат метр уй-жой қурилиши керак. Бу тадбир тахминан 60 миллион кишининг уй-жой шароитини яхшилашга имкон беради. Шунингдек коммунал хўжаликка, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга катта маблағлар сарфланади.

Шу муносабат билан Москва ҳақида алоҳида гапириб ўтишни истар эдим. Москва барча совет кишилари учун Ватанимизнинг пойтахти сифатида, саноат, маданият ва фаннинг энг йирик маркази сифатида, улуғ социалистик давлатимизнинг рамзи сифатида азиздир. **(Қарсаклар)** Москвада бундан буён ҳам уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, транспорт системасини такомиллаштириш соҳасида катта-катта ишлар қилинади. Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш — бутун совет халқининг шон-шараф ишидир! **(Гулдурос қарсаклар).**

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларини ҳам ободонлаштиришга кўпроқ эътибор бериш керак. Социализмнинг афзалликлари шаҳарларнинг табиий ўсиш процессини улардаги аҳолининг тобора соғлом ва қулай турмуш шароитларидан фойдалана олишига йўналтириш имконини беради.

Ўртоқлар! Марказий Комитет совет кишиларининг даромадларини анчагина ошириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш соҳасидаги тадбирларни белгилаб чиқар экан, бугунги кунда шунингдек **аҳолининг озиқ-овқат ва саноат товарларига ҳамда турли хизматларга бўлган тобора ўсиб бораётган тўлашга қобил талабини қондириш** вазифаси ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда деб ҳисоблайди. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш совет кишиларининг пул даромадларига қараганда жадалроқ суръатлар билан ўсиб бориши лозим.

Халқ хўжалигининг ана шундай товарларни ишлаб чиқарувчи барча тармоқларини жадал ривожлантириш йўли билан мазкур масаланинг ҳал этилиши таъминланади. Партия саноатдаги асосий пропорцияларнинг нисбати каби муҳим проблемага ҳам ана шундай нуқтаи-назардан қарайди.

Мавжуд ишлаб чиқариш потенциали, Марказий Комитетнинг фикрига кўра, янги беш йилликда «Б» группасининг ўсиш суръатларини бир қадар жадаллаштириш имкониятини берадики, бу меҳнаткашлар фаровонлигини белгиланган даражада юксалтиришни таъминлаш учун шароит яратади. Бу тадбир бизнинг ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган умумий йўлимизни бекор қилмайди, албатта. Партия ҳар икки бўлинманинг ўсиш суръатлари нисбатини белгилар экан, Ленин таълим берганидек, ҳар бир айрим босқичнинг конкрет эҳтиёжларига ва реал имкониятларга асосланади.

Оғир индустрия—мамлакат иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини янада ўстиришнинг пойдевори

Халқ хўжалиги пропорцияларининг юқорида баён қилинган тарзда ўзгартирилиши биз оғир саноатга бўлган эътиборни сусайтирамиз деган маънони билдирмайди асло.

Партия ўтказиб келган биринчи навбатда социалистик саноатни ва энг аввало унинг асоси бўлмиш оғир индустрияни ривожлантириш йўли мамлакатимизни қудратли давлатга айлантирди. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, бу йўлни изчиллик билан амалга оширишгина бизга социалистик революция ютуқларини ҳимоя қилиб қолиш, асрий қолоқликка барҳам бериш, ғоят улкан иқтисодий, социал ва маданий тараққиётни таъминлаш имконини берди. **(Давомли қарсаклар).**

Оғир индустрияни ривожлантиришнинг юксак суръатлари ҳозирги шароитда ҳам ўзининг аҳамиятини батамом сақлаб қолмоқда.

Энг аввало шунинг учун сақлаб қолмоқдаки, кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш, бўлғуси иқтисодий ўсишнинг имкониятлари ва суръатлари, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш кўп жиҳатдан оғир индустрияни муваффақиятли ривожлантиришга боғлиқ. Халқ хўжалиги барча соҳаларининг техника билан қуролланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг янада юқори бўлиши учун моддий ва техник воситалар билан таъминлаш оғир индустриянинг ишига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам сақлаб қолмоқдаки, оғир индустрияни ривожлантирмасдан туриб, Ватанимизнинг хавфсизлигини, халқимизнинг тинч меҳнатини гарантияловчи мудофаа қувватини тегишли даражада ушлаб туриб бўлмайди. Шу маънода беш йил мобайнида катта ишлар қилинди—Совет Армияси ҳозирги кунда замонавий ҳарбий техниканинг барча хиллари билан таъминланган. Мудофаа саноатининг янада ривожлантирилиши, унинг фаолиятининг конкрет программалари кўп жиҳатдан халқаро вазиятга боғлиқ бўлади. Совет Иттифоқи қуролсизланиш соҳасидаги тинчликни мустаҳкамловчи ва хавфсизлигимизга зарар келтирмайдиган реал тадбирларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу билан бирга биз бундан буён ҳам воқеалар ривожидаги ҳар қандай бурилишларга тайёр бўлиб туришимиз керак.

Ниҳоят оғир саноатни ривожлантириш шунинг учун ҳам алоҳида аҳамият касб этадики, усиз халқ фаровонлигини оширишнинг туб масалаларини ҳал қилиб бўлмайди. Оғир саноат қишлоқ хўжалигини енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш учун, уй-жой қурилишини, савдони ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада кенг авж олдириш учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш лозим бўлади.

Оғир саноатнинг асл вазифаси ҳам худди ана шундан иборат. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг «...ишлаб чиқариш воситалари тайёрлаб чиқариш пировард ҳисобда истеъмол буюмлари тайёрлаб чиқариш билан боғлиқдир, чунки ишлаб чиқариш воситалари шу ишлаб чиқариш воситаларининг ўзи учун ишлаб чиқарилмайди, балки шу сабабдан ишлаб чиқариладики, истеъмол буюмлари тайёрлаб чиқарадиган саноат тармоқларида тобора кўпроқ ишлаб чиқариш воситалари талаб қилинади». (Асарлар, 4-том, 178-бет), деган сўзларини эслатиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Партия оғир саноат олдига яна бир муҳим вазифа — бевосита оғир саноат корхоналарида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш вазифасини қўяди. Бунинг учун унинг барча тармоқларида талайгина имкониятлар мавжуд. Шу муносабат билан мудофаа саноати ҳақида ҳам гапириб ўтишни истар эдим. Ҳозирнинг ўзидаёқ мудофаа саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот бутун ҳажмининг 42 проценти аҳоли учун чиқарилмоқда. Мудофаа саноати фан-техника даражасининг юксаклигини ҳисобга олсак, унинг тажрибасини, ихтиролари ва кашфиётларини хўжаликнинг барча соҳаларига олиб бериш жуда катта аҳамият касб этади.

Демак, ҳозирги босқичда оғир индустриянинг роли камайиши у ёқда турсин, балки ошиб бормоқда, чунки у ҳал қиладиган бевосита амалий проблемаларнинг доираси кенгайиб бормоқда. Олдимиздаги беш йилликда унинг етакчи тармоқларига жуда катта топшириқлар — электр энергия ишлаб чиқаришни бир триллион киловатт соатдан кўпроққа етказиш, нефть қазиб чиқаришни 480-500 миллион тоннагача ва газ чиқаришни 300-320 миллиард кубометргача етказиш, пўлат эритишни 142-150 миллион тоннагача етказиш топшириғи берилади. Машинасозлик ва металл ишлаш, химия ва нефть-химия саноати маҳсулоти беш йиллик мобайнида 1,7 баравар ўсиши лозим.

Партия оғир саноат ходимлари бу улкан ва фахрли вазифаларни шараф билан адо этадилар, деб ишонади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш программаси

Ўртоқлар! Бутун экономикани юксалтириш суръатлари, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш суръатлари кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришга боғлиқ. Ана шунинг учун ҳам ҳисобот даврида бу тармоққа шу қадар катта эътибор берилди. Қишлоқ хўжалик проблемалари кўп вақтдан буён кенг муҳокама қилиб келинаётганлиги ва унга оид кўпгина қарорлар ўтган даврларда ҳам қабул қилинганлиги сабабли Марказий Комитет бу проблемаларга ёндошишнинг шу, кейинги йилларда ишлаб чиқилган баъзи бир принципиал хусусиятлари ҳақида съезд делегатларига гапириб ўтишни муҳим деб ҳисоблайди.

Бу хусусиятлардан бири шундан иборатки, Марказий Комитет март (1965 йил) Пленуми белгилаб берган ва XXIII съезд қарорларида мустаҳкамланган йўлга оғишмай амал қила бориб, Марказий Комитет қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксалишини рағбатлантирувчи барқарор иқтисодий шароитларни яратишга алоҳида эътибор берди. Сўз колхоз ва совхозлар учун маҳсулот тайёрлашнинг бир неча йилларга мўлжалланган стабил планларини белгилаш, пландан ташқари топшириладиган маҳсулотга ишлаб чиқаришнинг ўсишига стимул бўладиган рағбатлантирувчи нархларни жорий этиш ва бошқа тадбирлар ҳақида бормоқда.

Бошқа бир хусусият шундан иборатки, биз агротехника ва ташкилий характердаги айрим тадбирлар билан чекланиб қолиш кифоя қилмайди деб ҳисоблаб, қишлоқ хўжалигининг ривожланишини белгиловчи омилларнинг бутун комплексини, — шу жумладан қишлоқни зарур техника ва ўғитлар билан таъминлаш, капитал қурилишни кенгайтириш, ерларни яхшилаш, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларини ҳисобга олишга интилдик. Бу нарса қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини конкрет тарзда таҳлил этишни, бу эҳтиёжларни қондириш учун маблағлар қидириб топишни талаб қилди.

Марказий Комитет масалага ана шундай ёндошиш асосида ўзининг июль (1970 йил) Пленумида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кенг, комплекс программасини ишлаб чиқди, яъни узоққа мўлжалланган ва реалистик программани ишлаб чиқди. Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик проблемалари шундай проблемаларки, бир-икки йил ва ҳатто беш йил ичида уларнинг ҳаммасини тўла-тўкис ҳал қилиб бўлмайди, бунинг учун анча узоқ муддат, катта маблағлар, фақат қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эмас, балки бутун саноатимиз меҳнаткашларининг хам зўр куч-ғайрат кўрсатиши талаб этилади.

Пленум қарорлари ҳозирги беш йиллик топшириқларига асос қилиб олинган. Уларни бажариш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг шундай даражада ўсиши демакдирки, бундай ўсиш яқин йиллардаёқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлашни мунтазам суратда кенгайтириб ва яхшилаб бориш имконини беради. Биз кундалик вазифаларни ҳал қилиш билан бир вақтда янги беш йилликда қишлоқ хўжалигининг шундай моддий ва техника базасини яратишда олға томон катта одим ташлашимиз лозим бўладики, бундай база келажакда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қишлоқни тубдан ўзгартиш проблемаларини тўла-тўкис ҳал қилиш, деҳқончиликнинг табиат стихияли кучларига қарамлигини камайтиришга ёрдам беради.

Марказий Комитет ана шунга асосланиб, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ ҳажмини ҳам белгилаб олди. Беш йиллик мобайнида давлат ва колхозлар йўли билан қишлоқ хўжалигига қарийб 129 миллиард сўм, яъни илгариги икки беш йилликда қанча сарфланган бўлса худди шунча маблағ сарфланади. **(Қарсаклар).**

Янги беш йилликда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характери қишлоқ хўжалик органларининг, қишлоқ партия ташкилотларининг, колхоз ва совхозларнинг масъулият даражаси тобора ортиб боришини тақозо этади. Қишлоқ меҳнаткашлари дон етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини камида 195 миллион тоннагача, уни қатъий план бўйича ва пландан ташқари оширилган нархлар бўйича харид қилишни эса 80-85 миллион тоннагача етказишлари лозим бўлади. Беш йиллик ичида гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда 14 миллион тоннадан ошиши, сут етиштириш эса 92 миллион тоннага, тухум етиштириш 46 миллиард донага етиши лозим бўлади. Маҳсулотларнинг бошқа турларини ҳам етиштиришни анча ўстириш мўлжалланган.

Ана шу топшириқларни бажариш учун Марказий Комитет июль Пленумининг қарорларига мувофиқ, катта маблағлар ва моддий ресурслар ажратилади. Қишлоқ хўжалиги ўтган беш йилликдагига қараганда анча кўп тракторлар, комбайнлар, автомашиналар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар ва бошқа турли химиявий воситалар, чорвачилик фермалари ва паррандачилик фабрикалари учун асбоб-ускуналар, электр энергия, бинокорлик материаллари олади. Конкрет рақамлар съезд делегатларига Директивалар лойиҳасидан маълум.

Ана шуларнинг ҳаммаси — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, унинг самарадорлигини оширишга қўшиладиган реал ва жуда катта ҳисса бўлади. Айни бир вақтда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз мавжуд имкониятлардан, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ихтиёрида бўлган барча воситалардан тўла-тўкис фойдаланишимиз зарур. Афсуски, бу масалада бизда ҳали талайгина камчилик ва нуқсонлар бор.

Ўртоқлар! **Дон** етиштиришни кўпайтириш ҳали ҳам аввалгидек қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг донга бўлган эҳтиёжимиз йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Биз фақат озиқ-овқатга ишлатиладиган донни гина эмас, балки озуқа бўладиган донни ҳам назарда тутмоқдамизки, бундай дон етиштиришни чорвачиликни жадал ўстириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда кенгайтириб бориш лозим.

Марказий Комитет бизнинг асосий ғаллакорлик районларимиз бўлмиш Украина, Қозоғистон, Марказий—Қоратупроқ областлари, Шимолий Кавказ, Поволжье, Урал ва Сибирнинг дашт районлари билан бир қаторда мамлакатнинг қоратупроқ бўлмаган ва бошқа зоналарининг районлари ҳам доннинг ялпи ҳосилини кўпайтириш учун катта резервларга эгадир, деб ҳисоблайди. Ўғитлардан, техникадан янада тўғрироқ фойдаланиш, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш, ишларни ташкил этишни яхшилаш, доннинг, маҳсулот бошқа хилларининг ҳам нобуд бўлишини камайтириш учун изчил курашиш йўли билан бу резервларни рўёбга чиқариш мумкин.

Колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари энг кўп ҳосил берадиган экинлар ва навларни афзал кўриб, экин майдонларининг структурасини яхшилашга изчиллик билан эриша боришлари лозим. Мамлакатнинг Жанубий районларида, чунончи, Ставрополь ўлкасида, Ростов, Полтава ва баъзи бир бошқа областларда асоссиз равишда маккажўхори экиладиган майдонлар қисқартириб юборилган. Бундай аҳвол тузатилиши лозим. Ёрма бўладиган экинлар, биринчи галда, гречиха ва тариқ етиштиришни ҳам кўпайтириш лозим бўлади. Планда кўзда тутилган шоликорлик инженерлик системаларини ҳам ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш ва беш йиллик охирига бориб шоли етиштиришни икки миллион тоннагача етказиш лозим, бу эса мамлакат эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигининг **чорвачиликни** янада юксалтириш каби жуда муҳим проблемаси ҳам олдимизда ғоят кескин бўлиб турибди. Аҳолини энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бетўхтов таъминлаш, совет кишиларининг ана шундай маҳсулотларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондириш учун янги беш йилликда бу соҳада олға томон катта одим ташланиши лозим. Бунда колхоз ва совхозлар ихтиёридаги резервларни янада тўлароқ ишга солиш ҳам зарур.

Колхоз ва совхозлар биринчи галда чорвачиликни юксалтиришнинг негизи бўлмиш озуқа базасини мустаҳкамлашлари керак. Ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш ва улардан янада тўлароқ фойдаланиш, пичан, ўт талқон ва ҳашак, силос ҳамда бошқа ширали емлар тайёрлашни кенгайтириш, ем бўладиган, барча экинлар ҳосилдорлигини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Касаллик ва ёмон парвариш қилиниши оқибатида чорва туёғининг камайиб кетишига қарши барча чораларни кўриш лозим. Фермалар қуриш ва уларни механизациялаш, селекция-наслчилик ишини яхшилаш, гўштбоп чорвачиликни ва паррандачиликни ривожлантириш соҳасида кўп ишлар қилиш лозим бўлади.

Ҳозирги вақтда гўшт ва сут етиштиришда шахсий томорқа хўжалиги ҳали ҳам каттагина роль ўйнамоқда Лекин бу ҳамма ерда ҳам тегишлича эътиборга олинаётир деб бўлмайди. Асосий эътиборни жамоат ишлаб чиқаришини кенгайтиришга қаратиш билан бирга колхозчиларга ва совхоз ходимларига чорва ва парранда сотиб олишларида, уларни ем-хашак билан таъминлашда зарур ёрдамни кўрсатиб туриш лозим.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, баъзи бир республикалар ва областларда чорвачиликни ривожлантириш имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бу гап Молдавия, Арманистон, Грузия, Туркманистон иттифоқдош республикаларига, Россия Федерациясининг Воронеж, Омск, Челябинск, Кострома областларига, Украинанинг Одесса областига, Қозоғистоннинг Қарағанда ва Павлодар областларига ва бир қатор бошқа областларга тааллуқлидир. Бундан маҳаллий органлар тегишли хулосалар чиқариб оладилар деб ўйлаймиз.

(Давоми олтинчи бетда)

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши бешинчи бетда)

Дон етиштиришни кўпайтириш ва чорвачиликни ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини, шу жумладан техника экинларини етиштиришни кенгайтириш катта халқ хўжалик аҳамиятга эга. Ўрта Осиёда ва биринчи галда Ўзбекистонда мелиорация қилинган ер майдонини кенгайтириш ҳамда алмашлаб экишни жорий этиш пахта каби қимматли ва мамлакат учун зарур бўлган маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Ўртоқлар! Бизнинг планларимиз беш йиллик жорий масалаларини ҳал қилишни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий перспектив йўналишлари билан мустаҳкам боғлайди. Партия бу вазифаларни ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Гап, аввало, қишлоқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, уни механизациялаш, **химиялаштириш** ва ерларни **мелиорация қилиш** соҳасида катта ишларни давом эттириш тўғрисида боради.

Бундан, қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришнинг зарурий шарти—мамлакатнинг умумий иқтисодий имкониятидан тобора кенг фойдаланишдир, деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ҳам партия қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш учун, уни ташиш, сақлаш ва реализация қилиш учун зарур бўлган ускуналар ва техника ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини жадаллик билан ривожлантириш вазифасини шунчалик кескин қилиб қўйди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш фақат қишлоқ меҳнаткашларига боғлиқ бўлмай, балки, кўп жиҳатдан саноат ходимларининг, фан ва техника арбобларининг куч-ғайратларига ҳам боғлиқдир. Партия уларни бу катта, чинакам умумдавлат, умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Келгуси йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулот турларини етиштиришда индустриал методларни жорий қилиш янада ривожлантирилади. Бу табиий ҳолдир. Гап қишлоқ хўжалигимизнинг келажагини белгилаб берадиган процессолар тўғрисида бормоқда. Лекин биз бу катта ва муҳим ишни амалга оширишда хато ва ховлиқишларга йўл қўймаслигимиз керак. Ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни саноат базасига ўтказиш ҳар бир конкрет ҳолда иқтисодий жиҳатдан асосланган, ҳар томонлама тайёрланган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш колхозлараро ва давлат-колхоз ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тобора кенг ёйилишига, агросаноат комплексларининг вужудга келишига олиб боради. Буларда техникадан, капитал маблағлардан ва меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланилади, индустриал методлар кенгроқ қўлланилади, партия қишлоқда ишлаб чиқаришни бундай ташкил қилиш формаларини қўллаб-қувватлайверади.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш топшириқларини бажариш астойдил меҳнат қилишни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда қишлоқ районларидаги партия ташкилотлари, совет ва ер органлари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари катта роль ўйнашлари керак. Партия уларнинг фидокорона меҳнатини жуда ҳам қадрлайди.

Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг қишлоқ хўжалик мутахассисларининг меҳнат ғайратлари янги катта муваффақиятлар билан якунланажак деб съезд номидан ишонч билдиришга рухсат этасиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Халқ истеъмол қиладиган саноат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш

Ўртоқлар! Юқорида айтиб ўтилганидек, ўтган беш йилликда халқ истеъмол қиладиган саноат товарлари ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига сотиш анча кўпайтирилди. Шунга қарамасдан, бундай товарларнинг кўпларини ишлаб чиқариш уларга бўлган эҳтиёждан ҳозир ҳам орқада қолмоқда. Меҳнаткашлар пул даромадларининг планда белгиланган ўсиши товарларга талабни янада оширади, сифат масаласини янада кескинроқ қилиб қўяди.

Саноатимиз партиянинг халк фаровонлигини янада кўтариш сиёсатидан келиб чиқаётган янги талаблар даражасига кўтарила оладими?

Объектив имкониятлар нуқтаи назаридан қараганда кўтарила олади, албатта. Мамлакатнинг саноат қудрати истеъмол моллари ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш ва сифатини яхшилашни таъминлаш учун етарлидир. Кўпайган иқтисодий имкониятлар бу мақсадлар учун кўпроқ капитал маблағлар ажратишга имкон беради. Биз ҳозир шундай қилаяпмиз.

Бироқ ҳар қандай ишда бўлгани каби бу ерда ҳам муваффақиятни фақат объектив шароитлар белгиламайди, — субъектив омиллар ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан Марказий Комитет план ва хўжалик органларини, партия, совет, касаба союз ташкилотларининг эътиборини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш масаласига ёндошишни жиддий ўзгартириш зарурлигига қаратишни лозим топади.

Ўртоқлар! Биз қаҳрамонона тарихимизнинг кўп йилларини бошимиздан кечирдик. Бу вақтда миллионлаб коммунистлар ва партиясизлар қурбонлар ва муҳтожликларга онгли суратда кўникар, энг зарур нарсалар билангина қаноатланишга тайёр турган эдилар, алоҳида ҳаётий қулайликлар талаб қилишга ўзларини ҳақли деб ҳисобламас эдилар. Бу ҳол кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, уларнинг сифати ва хилига муносабат масаласига ҳам таъсир қилмай қолмаган эди. Лекин ўтмишда тушунтириш мумкин ва табиий бўлган нарса ҳозирги шароитда мақбул эмас. Чунки у вақтда бошқа вазифалар, бошқа ишлар биринчи ўринда турар эди. Агар баъзи ўртоқлар буни ҳисобга олмасалар, партия ишга бундай қарашни ё меҳнаткашлар фаровонлигини тўхтовсиз ошириб боришга қаратилган ўз сиёсатининг моҳиятини тушунмаслик деб, ёки ўз фаолиятсизлигини оқлашга йнтилиш деб билади. Марказий Комитет бу масалани кескин ва жуда очиқ-ойдин ўртага қўйишни лозим деб ҳисоблайди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизда ҳали жойлардагина эмас, балки марказда ҳам шундай ходимлар борки, «тинчгина яшаш қабилида иш кўриб, ҳар қанча халқ истеъмол товарларининг сифати пастлигига қандайдир кўникиб кетганлар, уларни ишлаб чиқаришни йўл қўйиб бўлмас даражада секин ривожлантирадилар. Баъзилари эса керакли буюмларни чиқаришни қисқартирадилар ёки умуман тўхтатиб қўядилар. Эскирган товарларни янгилари билан алмаштириш ниқоби остида арзон, лекин аҳолига кунда керак бўладиган маҳсулотни ишлаб чиқармай қўядилар. Баъзи товарларнинг узилиш бўлиб туриши ана шу тарзда вужудга келадики, буни «майда-чуйда» иш деб биладилар. Лекин гап кунда керак бўладиган нарсаларга бўлган талаб тўғрисида бораётганда, бу ҳеч қанақа майда-чуйда бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Янги беш йилликда аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашни жиддий яхшилаш учун имконият бор. Газлама, кийим-бош, пойафзал, трикотаж ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжалланади. Телевизор, холодильник, радиоприёмник, кир ювиш машинаси каби узоқ вақт фойдаланиладиган товарларга аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондиришга яқинлашиш учун реал имконият бор. Енгил автомашиналар сотиш анча кўпаяди, — уларни ишлаб чиқариш 1975 йилда 1970 йилга нисбатан деярли тўрт марта кўпаяди.

Бундай вазифаларни ҳал қилиш ҳозир энди бемалол қўлимиздан келади — бунинг учун фақат мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш керак. Улар ҳар бир министрликда, ҳар бир республика ва областда, ҳар бир шаҳарда, ҳар бир корхонада бор. **(Қарсаклар).**

Янги беш йилликда енгил саноатни ривожлантиришга ўтган беш йилликдагига қараганда деярли икки марта кўп — 8,7 миллиард сўм маблағ, озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноатини ривожлантиришга эса қарийб 14 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бу маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилиши, муҳими тўғри ўзлаштирилиши керак. Корхоналар тез қурилиши ва реконструкция қилиниши, ҳозирги замон даражасига жавоб бераоладиган ускуналарни олиши лозим. Бу ҳол машинасозлигимиз олдига, олимлар ва конструкторлар олдига жуда масъулиятли вазифалар қўяди. Бу ерда партия ва хўжалик органларининг доимий контроли ҳам зарурдир.

Бозорни халқ истеъмол моллари билан таъминлашдек катта ва мураккаб вазифа давлат чакана нархларини барқарор тутган ҳолда, зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратила борган сари — товарларнинг айрим турлари нархларини камайтирган ҳолда ҳал қилиниши керак. Нархларни ошириб юбориш фактларига қатъиян хотима бериш, маиший хизматларга чакана нарх ва тарифлар белгилаш устида контролни кучайтириш, белгиланган давлат тартибини четлаб ўтишга уринувчи корхоналар ва хўжалик органларининг раҳбарлари олдига қаттиқ талаблар қўйиш керак.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришга катта аҳамият бериб, Марказий Комитет яқин вақт ичида саноатнинг барча тармоқларида уларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди. Бу программани бажариш совет халқининг фаровонлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Савдони ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш

Халқ турмуш даражасининг янада кўтарилиши савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талабни кучайтиради. Сўнгги йилларда бу тармоқларни ривожлантириш соҳасида катта иш қилинди.

Шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ўнминглаб янги магазинлар, универмаглар ва бошқа савдо корхоналари ишга туширилди. Бироқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бизда ҳали камчиликлар кўп, афсуски, баъзи ходимлар бундай камчиликларга кўникиб қолганлар. Уларни деярли нормал ҳолат деб ҳисоблашга ўрганиб қолганлар. Савдо ташкилотлари кўпгина ҳолларда тегишли даражада оперативчилик кўрсатмаётирлар. Бозорнинг талабини яхши билиб олишга ҳали ўрганганларича йўқ. Шу сабабли товарлар магазинга ўз мавсумида етиб бормайди, ёки уларга талаб зўр бўлган жойга бормайди. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, у ёки бу товарга талаблар асоссиз суратда камайтириб кўрсатилган, уларни ишлаб чиқариш қисқартирилган. Шундай қилиб, улар жуда ҳам камчил бўлиб қолган. Гоҳ тикув машиналари, гоҳ дазмоллар ёки бошқа товарлар шундай камчил бўлиб турган. Кўпгина ҳолларда харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳам анча яхшиланиши керак.

Совет кишилари, партия савдо ходимларининг меҳнатига ҳурмат билан қарайди. Лекин уларга, айниқса, савдо ташкилотларининг раҳбарларига мурожаат қилиб, ҳозир ишнинг савиясини жиддий ошириш, савдони ташкил қилишни яхшилаш, унинг замонавий методларини жорий қилиш вазифаси турибди, деб айтмоқчимиз. **(Қарсаклар).**

Бизда умумий овқатланишга катта эътибор берилмоқда. Биз кўплаб ошхона, кафе, ресторанлар қурмоқдамиз ва қурамиз. Лекин бу соҳада, айниқса корхоналарда, муассасаларда, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда умумий овқатланишни ташкил қилишда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Ошхоналарда жойлар етишмаслиги, овқатларнинг бемаза тайёрланиши каби ҳоллар кўплаб учраб туради. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Бундай нуқсонлар учун биз министрликлар, маҳаллий органлар, шунингдек, корхоналарнинг раҳбарлари олдига қаттиқ талаблар қўйишимиз керак. Касаба союзлар ҳам муҳим роль ўйнашлари керак — корхоналардаги умумий овқатланиш уларнинг кундалик қаттиқ контроли остида бўлиши керак.

Ўртоқлар! Биз хизмат кўрсатишнинг барча тармоқларидаги ишни — умумий овқатланишни, кийим-кечак тикишни, турли-туман ремонт ишларини, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қилишни жиддий яхшилашимиз лозим. Булар— планни бажаришлари керак бўлган шунчаки тармоқлар эмас, балки кишилар билан уларнинг ҳар хил дидлари билан, кишиларнинг кайфияти билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлардир. Уларнинг ишини план ва фойда нормасини бажариш процентларидангина иборат қилиб қўйиш мумкин эмас, албатта. **(Қарсаклар).**

Кишиларнинг маиший хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжлари тўхтовсиз ошиб бормоқда. Бу эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мақсадида янги беш йилликда аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар ҳажмини камида икки марта кўпайтириш назарда тутилади.

Бу ерда ҳам биз резервлардан фойдаланиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Кўп нарса жойлардаги ташаббусга, жумладан, маҳаллий Советларнинг ташаббусига боғлиқдир. Масалан, пенсионерлар, уй бекалари, инвалидлар ё уйда, якка тартибда ёки кооперативларга уюшган ҳолда — ўзи ва жамият учун фойда келтириб, қўлидан келганча маиший хизмат соҳасида ишлаши учун шароит яратиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бунда шундай фаолиятни тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, унга тегишлича ёрдам кўрсатиш лозим, албатта. **(Қарсаклар).**

Хуллас, хизмат кўрсатиш соҳасига уни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш нуқтаи назаридан ҳам, кадрлар билан мустаҳкамлаш, бу соҳада ишлаётган кишиларнинг жамоатчилик ўртасидаги обрўсини кўтариш нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамият бериш керак.

* * *

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат, ўртоқлар. Бу жиҳатдан навбатдаги беш йиллик олға ташланган катта қадам бўлиши ва шу билан бирга келажакда янада каттароқ ютуқларни қўлга киритиш учун замин тайёрлаши керак. **(Қарсаклар).**

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бизнинг кадрларимиз — хўжалик, совет, касаба союз, партия кадрларимиз — марказда ҳам, жойларда ҳам кишиларнинг ҳаёт шароитлари билан боғлиқ бўлган барча масалаларда энг муҳим давлат топшириқларини бажариш соҳасидаги каби заковат ва талабчанлик кўрсатишлари керак. Партия улардан ишга мана шундай муносабатда бўлишларини кутади. **(Қарсаклар).**

3. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҲАММА РЕЗЕРВЛАРДАН ЭНГ ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Иқтисодий сиёсатимизнинг иккинчи туб масаласига — олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун сафарбар қилишимиз лозим бўлган ресурслар тўғрисидаги масалага ўтишга рухсат этасиз. Бундай ресурслар ва жумладан, алоҳида эътибор берилаётган тармоқларни жадал ривожлантириш учун керакли маблағлар қаердан олиниши мумкин?

Маблағларни қайта тақсимлаб, бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтказиш ҳисобига бир мунча маблағ олиш мумкин, лекин бундай манба чекланганлиги табиий. Халқ хўжалигини ўстиришнинг экстенсив омиллари деб аталувчи омиллар ҳам тобора чекланиб бормоқда: 1971—1975 йилларда қўшимча ишчи кучини жалб қилиш имкониятлари аввалги беш йилликка нисбатан қисқаради. Капитал маблағларни кўпайтириш суръатларининг ҳам чеки бор.

Бинобарин, биз умид боғлашимиз лозим бўлган асосий омил—ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. Соддароқ қилиб гапирадиган бўлсак, масаланинг моҳияти меҳнат, моддий ва молиявий чиқимларнинг ҳар бир бирлиги ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни анча кўпайтиришга эришишдан иборат. Пировард натижада ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳам мана шунинг ўзгинасидир.

Келгуси беш йилликда миллий даромадни ўстиришнинг камида 80 процентига, саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 87—90 процентига, қурилиш-монтаж ишларини ўстиришнинг 95 процентига, темир йўл транспортида юк ташиш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлиги ҳисобига эришилиши лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини белгиланган миқдорда кўпайтириш батамом меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланиши керак.

Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш зарурлигини назарда тутиб, иқтисодий ривожланишнинг асосий масалаларига айни шу нуқтаи назардан қараш зарур. Шу билан бирга навбатдаги вазифалар нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек узоқ муддатли истиқболлар нуқтаи назаридан ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Фан-техника революцияси. Фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш

Ўтган беш йил совет фани ва техникасини тез ривожлантириш даври бўлди, зотан биз совет фани ва техникасининг ғалабалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин фан-техника тараққиётини кескин ривожлантириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги роли тобора кўпроқ намоён бўлаётган бир даврда унинг айрим муваффақиятлари нақадар улкан бўлмасин, бу айрим муваффақиятлар эмас, балки бутун ишлаб чиқаришнинг юксак илмий-техникавий даражаси асосий мезон бўлиб қолмоқда.

Бу эса фанимиз олдига тағин ҳам масъулиятлироқ вазифалар қўяди, унинг самарадорлигини оширишни, фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантиришни, олимларнинг кучлари ва эътиборини фан-техника тараққиётининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларига тўплашни талаб қилади. Илмий тадқиқот, конструкторлик ташкилотлари ва тажриба корхоналари янги техника намуналарини ва янги технология жараёнларини халқ хўжалигига жорий қилиш учун тағин ҳам пухта такомиллаштиришлари керак. Фан ва техника давлат комитети, Фанлар академияси, министрликлар олдида турган вазифалар кўпайиб бормоқда.

Фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи мураккаб занжирнинг ҳамма халқалари тахлил қилиб кўриладиган бўлса, фан ютуқларини амалга оширишга, бу ютуқларни оммавий ишлаб чиқаришга жорий этишга алоқадор ҳалқалар энг заиф эканлигини кўриш қийин эмас. Бу соҳада бир талай ижобий намуналар бор, албатта—айтайлик, Патон номли электр пайвандлаш институти фаолиятини ёки изопрен каучук ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлигини айтиб ўтиш кифоя қилади. Лекин афсуски, ҳамма жойда ҳам иш мана шундай деб бўлмайди.

Содир бўлаётган қийинчиликларни бартараф қилиш учун, бир томондан, тегишли илмий ташкилотларнинг эътиборини ишлаб чиқаришнинг энг муҳим вазифаларига кўпроқ қаратиш таъминланиши лозим. Иккинчи томондан эса корхоналарни маҳсулотнинг энг янги намуналарини ишлаб чиқаришга мажбур қиладиган, фан-техника янгиликларидан, образли қилиб айтганда шайтон бисмиллодан қочгандек қочмасдан, балки бу янгиликларни бажонидил жорий этишга мажбур қиладиган шарт-шароитларни яратиб қўйиш керак. Техника ва технологияни такомиллаштириш учун, замонавий талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун чинакам курашаётган коллективларга энг имтиёзли шароит яратилиши зарур. **(Давомли қарсаклар).**

Халқ хўжалик плани фан-техника тараққиётининг қудратли омили бўлиб қолиши лозим. Шу дамга қадар бизнинг планларимизда фан ва техника ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланиш масалалари лозим даражада ифода этилмас, шунда ҳам кўпчилик министрликлар қўйилган вазифаларни тўлиқ бажармай келар эди. Бу гап, жумладан, ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги билан трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига тааллуқлидир. Масалага бошқача ёндошиш: техника ва технологияни янада ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш ва шу асосда планнинг ҳамма бўлимларини, унинг асосий кўрсаткичларини тайёрлаш лозим. Бу нарса Директивалар лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун индустрияни ташкил этиш формаларини такомиллаштириб, ишлаб чиқаришнинг замон талабларига мос келадиган қиёфада бўлишини таъминлаш муҳим вазифадир. Бу эса саноатнинг ўзида тадқиқотларни ва лойиҳачилик ишларини анча кенгайтиришни, корхоналарда конструкторлик бюролари, кучли тажриба базаси барпо этишни, саноатга жуда кўп илмий кадрларнинг ишга келишини тақозо этади. Ана шуларнинг ҳаммаси, табиийки, йирик бирлашмалар ва комбинатларгина уддалай оладиган ишдир, бинобарин бундай бирлашмалар ва комбинатлар қурилиши актуал бир иш бўлиб қолади. Илмий тадқиқот муассасаларини корхоналар билан бирлаштириш, кучли илмий-ишлаб чиқариш комплексларини барпо этиш кўп ҳолларда яхши самара бериши мумкин. Фан-техника ахборотини яхшилаш, шунингдек контролнинг самарали методларини ва шу идоранинг ўзига бўйсунмайдиган, энг юксак замонавий талабларга мос келмайдиган машиналар, приборлар, технология жараёнлари яратилишини истисно қиладиган мустақил экспертизани ишлаб чиқиш актуал проблемалардир.

Ўртоқлар, бизнинг план ва хўжалик органларимизгина эмас, шу билан бирга ҳамма партия кадрлари ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисида жонкуярлик қиладиган бўлишлари зарур. Ҳозирги хўжалик сиёсатимизнинг энг зарур эҳтиёжлари ҳам, шунингдек эртанги кун талаблари ҳам ана шу масаланинг аҳамиятини белгилаб беради. **(Қарсаклар).** Фан ва техника тараққиёти — коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг энг асосий омилидир. Шу сабабли биз фан ва техникани ривожлантиришдек жуда муҳим масалада истиқболни равшан кўришимиз, амалий ишимизда шуларни ҳисобга олишимиз лозим.

Истиқболлар эса шундан иборатки, фан ва унинг кашфиётлари таъсирида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бошланган бурилиш тобора катталашиб ва чуқурлашиб бораверади. Бизнинг олдимизда, ўртоқлар, **фан-техника революцияси ютуқлари билан социалистик хўжалик системаси афзалликларини узвий равишда қўшишдан,** фан билан ишлаб чиқаришни бирга қўшишнинг социализмга хос ўз формаларимизни кенг ривожлантиришдан иборат тарихий муҳим вазифа турибди. **(Қарсаклар).**

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда бу нарса ҳаво ва сувни хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон куйдириб қараш билан қўшиб олиб борилиши учун ҳамма ишни қилиш зарур. Партия янги корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш ҳамда ишлаб турган корхоналар типини яхшилашда табиатни муҳофаза қилишни назарда тутиб иш кўрмоқ учун план, хўжалик органларига ва лойиҳалаш ташкилотларига, ҳамма кадрларимизга талабчанликни оширади. Ватанимизнинг гўзал табиати берадиган ҳамма неъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлишлари лозим. Биз табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш соҳасидаги коллектив халқаро тадбирларда қатнашишга ҳам тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Саноат ишлаб чиқариши структурасини такомиллаштирайлик, самарадорлигини оширайлик

Ўртоқлар! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли бизнинг олдимизга халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги энг мақбул пропорцияларни таъминлаш юзасидан бир қанча муҳим ва мураккаб вазифаларни қўяди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари, хўжаликни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш учун зарур жамғармаларни тўплаш имкониятлари кўп жиҳатдан структурага доир проблемаларни тўғри ҳал этишга боғлиқ. Сарфланган капитал маблағнинг ҳар бир сўми бир хил тармоқларда кўпроқ, бошқа бир тармоқларда эса камроқ самара бериши, бир хил тармоқларда сарфланган маблағларнинг ўрни тезроқ қопланиши, бошқа хил тармоқларда эса секинроқ қопланиши яхши маълум. Ҳар қандай хўжаликда, айниқса бизнинг хўжалигимиз сингари катта хўжаликда буни ҳисобга олиш жуда муҳим.

Қишлоқ хўжалигини, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган тармоқларни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш меҳнаткашлар учун моддий неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан ташқари экономикамиздаги пропорцияларни яхшилашга, унинг балансланишини таъминлашга, миллий даромад ва жамғармаларни кўпайтириш манбаларини кенгайтиришга, пул муомаласини жадаллаштиришга ёрдам беради.

Оғир саноат структурасини такомиллаштириш заминида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг катта резервлари бор. Бунда гап ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришни, тайёр маҳсулот чиқаришни кўпайтиришни, оғир саноатнинг ўзида ҳам, бошқа тармоқларда ҳам меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаб берадиган оғир саноат тармоқларини жадал ривожлатириш устида бораётир.

Келгуси йилларда саноатда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш иши бир қанча асосий йўналишлар бўйлаб олиб борилиши керак. Материал сарфини камайтириш, хом ашё ва материалларни тежаш — ана шу йўналишларнинг биридир. Бу — чинакам давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир.

Халқ хўжалигининг ривожланиши хом ашёнинг ҳар хил турларига бўлган талабни жуда кучайтириб юборади. Биз ана шу эҳтиёжларни қондириш учун бундан буён ҳам кончилик тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантира берамиз. Шу билан бирга ишни шундай олиб бориш керакки, бу тармоқлар тағин ҳам самарали ишлайдиган бўлсин, хом ашёни яхшироқ қайта ишлашни таъминласин, унинг сифати яхшиланиб, чиқитлари камайишига эришилсин. Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига кончилик тармоқлари қайта ишлаш тармоқларига нисбатан анча кўп одам меҳнати ва капитал маблағ сарфлаётганлигини унутмаслик керак.

Бинобарин, халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан олганда, қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳисобига хом ашёни тежашга эришиш ана шу миқдордаги хом ашёни қўшимча равишда ишлаб чиқаришдан кўра анча фойдали бўлади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сарфланаётган материални атиги бир процент камайтиришнинг ўзи миллий даромадни қўшимча равишда уч-тўрт миллиард сўм кўпайтиришга тенг келади.

Меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, аввало, қўл меҳнатини ва оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш ҳисобига меҳнат сарфини камайтириш — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларнинг бошқа бир муҳим йўналишидир. Корхоналарда технологияни ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш билан бирга бу вазифани бажариш эскириб қолган техникани янгилаш ва ўзгартириш суръатларини жадаллаштиришни таъминлайдиган тармоқларни ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилади. Бунда гап ишларни комплекс механизациялашга ва технология жараёнларини автоматлаштиришга ўтиш имконини берувчи янги серунум техника, машиналарнинг бутун-бутун системасини ишлаб чиқарадиган тармоқлар устида бораётир. Саноатга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишни, ёрдамчи ишларни механизациялашни таъминлайдиган тармоқларни кенгайтириш ҳам катта аҳамият касб қилади.

Ниҳоят учинчи йўналиш — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини анча яхшилаш ва шунга мувофиқ равишда ана шу вазифанинг ҳал этилишини таъминлайдиган соҳаларни ривожлантиришдир. Ҳозирги шароитларда, бутун халқ хўжалиги учун берадиган самарани эътиборга оладиган бўлсак, яхши деган сўз деярли ҳар соҳада кўп деган маънони ҳам билдиради. Программа усулида бошқариладиган битта замонавий станок эскирган конструкциядаги ўнлаб станокнинг ишини бажаради, кўп юк тортадиган битта автомобиль одатдаги бир неча автомобиль юкини ташиб бера олади, қуввати оширилган битта самолёт двигатели аввалги типдаги икки-уч двигателнинг ўрнини боса олади.

Биз саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва структурасини яхшилаш мақсадида бир-бирига боғлиқ бўлган ва муайян программа асосида ривожлантириладиган бутун-бутун комплексларни такомиллаштириш йўлини тутамиз.

Ёқилғи-энергетика комплексини устун даражада ва янада самарали ривожлантириш энг муҳим вазифаларнинг биридир. Биз шу комплексга кирувчи тармоқлар структурасини такомиллаштириш, уларнинг кенг истиқболли ва тежамли соҳаларини жадал ривожлантириш йўли билан шу мақсадга эришишга ҳаракат қиламиз. Бунда гап аввало,- мамлакатнинг ёқилғи балансида нефть ва газнинг улушини кўпайтириш ва кўмир саноатини техника билан қайта қуроллантириш устида, юксак даражада тежамли гидравлик ва иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш, шунингдек атом электр станциялар қуришни кенгайтириш устида, энергетика ускуналарининг тежамлилигини ошириш устида бораётир.

Металлургия ва машинасозлик олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу тармоқларда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган омиллар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда.

Бу эса ишлаб турган металлургия корхоналарида технологияни такомиллаштиришни ва машина-ускуналарни модернизация қилишни, металл сифатини яхшилашни ва унинг сортларини кўпайтиришни, аниқ профиллар ва заготовкалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни талаб қилади.

Машинасозлик тармоқлари ҳам худди шу йўналишда ривожланиши лозим. Бу тармоқларнинг эътибори катта қувватга эга бўлган ва ғоят тежамли, аниқ ва пухта ишлайдиган машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилади. Темирчилик пресс машиналари, қуюв ва йиғув ускуналари салмоғини кўпайтириш, программа усулида бошқариладиган станоклар, автомат ва ярим автомат линиялар ишлаб чиқаришни илдам ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Электроника, радио саноати, приборсозлик, яъни ишлаб чиқаришни ва бошқаришни автоматлаштириш учун техника базасини яратиб берадиган тармоқларнинг бутун комплекси бундан буён ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилаберади. Бу комплексни ҳақли равишда фан-техника тараққиётининг қаноти деб аташ мумкин. Келгуси беш йилликда бу соҳада замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарини кенг кўламда ишлаб чиқаришни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб қилади.

Янги беш йилликда химия ва нефть химияси саноатини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Халқ хўжалигини химиялаштириш — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қудратли омилидир. Химия саноати кўпчилик тармоқларда кенг миқёсда қўлланилиб, қиммат турадиган табиий хомашёнинг ўрнини босмоқда, маҳсулот сифатини оширишга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга ёрдам бермоқда.

Кейинги йилларда ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқаришни ташкил этишни тубдан ўзгартириш бошланди. Ёғоч тайёрлаш ҳажмини унчалик кўпайтирмай туриб, шу тармоқнинг тайёр маҳсулоти бўлган ёғоч материаллари, целлюлоза, қоғоз, картон, мебель, қипиқ плиталар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилиш лозим бўлган тармоқлари — транспорт, алоқа, моддий-техника таъминоти ва бошқа шу сингари тармоқларнинг роли кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда салкам 16 миллион киши ишлаб турган ана шу тармоқларнинг фаолиятига халқ хўжалигининг самарадорлиги кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Гарчи бу соҳада дуруст натижаларга эришилган бўлса ҳам уни ҳали изчиллик билан такомиллаштириш зарур; унинг ривожи кўпайиб бораётган ишлаб чиқариш ҳажмларига ва мураккаблигига мувофиқ ҳолга келтирилиши керак.

Масалан, транспортнинг иши хозирги эҳтиёжларни қондира олмаётир, бу қийин соҳа бўлиб қолди. Ўтган беш йилликда транспортни ривожлантиришга етарли маблағ ажратилмаганлиги, афтидан бундай аҳволнинг сабабларидан биридир.

Тўққизинчи беш йилликда аҳволни яхшилаб олиш чоралари кўриляпти. Янги темир йўл магистраллари, станция йўллари қуриш ва мавжуд темир йўл магистраллари, станция йўлларининг юк ташиш имкониятини кўпайтириш, янги автомобиль йўллари ва қувур йўллари қуриш, денгиз ва дарё флотини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Кама дарёси бўйида йилига кўп юк ортиладиган 150 минг автомобиль ишлаб чиқарадиган завод қуришга киришилди; яна битта автомобиль заводи қурилади. Абаканда янги катта вагонсозлик заводига пойдевор қўйилди. Мамлакатимизнинг миқёси назарга олинганда ҳаво транспортини янада ривожлантириш тобора катта аҳамият касб қилмоқда. Янги типлардаги ғоят тежамли, қулай самолётлар ишга туширилади, аэродром хизмати яхшиланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ дунёдаги энг катта авиакомпания бўлиб қолган аэрофлотимиз янги беш йилликда салкам 500 миллион пассажир ва 11 миллион тонна юк ташиб беради. Граждан авиациямизнинг қишлоқ хўжалигига ва медицинага ёрдам бериш, ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш, геология-разведка ишларида қатнашиш соҳасидаги фаолияти турларининг аҳамияти ҳам кучайиб бормоқда. Ҳамма турдаги транспортни янада ривожлантириш билан бирга уларнинг тағин ҳам баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш, мамлакатнинг юксак самарали ягона транспорт системасини вужудга келтириш зарур.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида радио, телевидение ва алоқанинг ҳамма турлари ривожлантирилади.

Ташқи иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш халқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг катта резервидир. Социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга ва давлатларнинг тинч-тотув яшаши иқтисодий базасини мустаҳкамлашга алоқадор сиёсий омиллар ҳам, халқ хўжалигимиз эҳтиёжларидан келиб чиқадиган омиллар ҳам саноатнинг ҳамма тармоқларида экспорт учун товар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бу эса зарур товарларни импорт қилишни кўпайтиришга ҳам ёрдам беради. Халқаро савдо-сотиқнинг кенгайтирилиши бутун саноатимиз ишини яхшилашга баракали таъсир қилиши шубҳасиз.

Бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ролининг оширилиши бутун ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш, бу муҳим ишда тор идорачилик муносабатини бартараф қилиш юзасидан муайян чоралар кўрилишини талаб қилади, албатта. Бу фаолият ишлаб чиқариш ва савдо функцияларини бир-бирига қўшиб олиб боришга тобора кўпроқ асосланиши, экономикамизни ривожлантириш манфаатлари йўлида жаҳон бозорининг эҳтиёжлари ва имкониятлари оператив равишда ҳисобга олиб борилиши ва ундан ҳар томонлама фойдаланилиши керак.

Ишлаб чиқариш фондларидан ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилайлик

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи ҳозир жуда катта иқтисодий қудратга эга, зотан хўжалигимизнинг самарадорлиги ана шу қудратдан ва аввало, ҳаракатдаги **ишлаб чиқариш фондларидан** қандай фойдаланилаётганлигига тобора кўпроқ боғлиқ бўлади. Улардан фойдаланишни яхшилаш, фонднинг самарадорлигини ошириш соҳасида саноатимиз беш йилликда гарчи бир мунча муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, лекин бу иш ҳозир ҳам энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан саноат корхоналаридаги сменаларнинг коэффиценти паст эканлиги тўғрисидаги фақат бир масалага эътиборни жалб қилиб ўтмоқчиман. XXIII съездда ва КПСС Марказий Комитетининг бир қанча Пленумларида бу ҳақда гапирилган эди, лекин бу соҳадаги иш аслида, айниқса машинасозликда яхшиланмаётир. Айрим хўжалик органлари сменаларни кўпайтириш ўрнига тобора янги корхоналар қуришга ҳаракат қилмоқдалар. Сменаларни кўпайтириш масаласи ўртага қўйилганда эса ишчи кучи етишмаётганлигини важ қилиб кўрсатадилар. Хўш, янги корхоналарда ким ишлайди — одамларми ёки фаришталарми? Йўқ, ўртоқлар, бу масалага жуда жиддий қараш, машина-ускуналардан янада тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, бу ишда корхоналарнинг партия комитетлари, шаҳар ва область партия комитетларининг қаттиқ назоратини ўрнатиш лозим.

Бу эса халқ хўжалигимизнинг энг жиддий проблемаларидан бирини — **капитал қурилиш проблемасини** ҳал этишга ҳам ёрдам беради.

(Давоми еттинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши олтинчи бетда)

Ҳозир биз моддий ишлаб чиқариш соҳасида дунёдаги ҳар қандай мамлакатдан кўпроқ қурмоқдамиз. Днепр ГЭСи, Магнитка, Волгоград ва Харьков трактор заводларининг ишга туширилиши тарихимизда нақадар шонли воқеалар бўлганлигини кекса авлод кишилари яхши эслашади. Энди ҳар йили кўпдан-кўп анча қудратли ва техникавий жиҳатдан мукаммал корхоналар ҳамда объектлар ишга туширилмоқда. Кейинги йилларда қуриб битказилган иншоотлар орасида дунёда энг катта Красноярск ГЭСи, Конаково, Бурштин, Кривой Рогдаги ноёб иссиқлик электр станциялари; Ғарбий Сибирь заводи, Қарағанда комбинати каби; металлургия гигантлари — Тюмень области ва Ғарбий Қозоғистондаги нефть қазиб олиш комплекслари, Волга автомобиль ва Павлодар трактор заводлари, химия комбинатлари ва катта қувватга эга бўлган заводлар, Братск ва Сиктивкар ўрмон-саноат комплекслари бор. Черногорск камвол, Курск трикотаж комбинатлари, енгил ва озиқ-овқат саноатининг бошқа йирик корхоналари қуриб битказилди.

Лекин шундай бўлса ҳам капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини қониқарли деб бўлмайди. Проблеманинг моҳиятини қисқа қилиб айтадиган бўлсак, у шундан иборатки биз жуда катта маблағ сарфлаётган бўлсак ҳам, лекин уларнинг эвазига олишимиз лозим бўлган самарани ўз вақтида ололмаётирмиз. Демак, оз самара олаётирмиз. Вужудга келган аҳволнинг бир неча сабаблари бор.

Улардан бири шуки, планларни тузиш вақтида кўпинча реал имкониятлар ҳисобга олинмасдан, капитал қурилиш ҳажмлари ва қуриладиган объектлар сони ошириб юборилмоқда. Натижада маблағлар сочилиб кетмоқда, чала қолган қурилишлар кўпаймоқда, катта-катта ресурслар бекор-бефойда ётиб қолмоқда.

Давлат планларини қараб чиқиш вақтида ҳар сафар министрликлар билан иттифоқдош республикаларнинг талабларини қисқартиришга тўғри келмоқда. Лекин ана шу планлар ҳам тўлиқ бажарилмаётир. Шунга қарамай, кўп ўртоқлар жўрттага оширилган талабномалар тақдим этишни давом эттирмоқдалар. Бундай практикага чек қўйиш вақти келди. Кўрпага қараб оёқ узатмоқ керак. Маблаққа яраша яшаш ва қуриш лозим. **(Қарсаклар).**

Қийинчиликларнинг бошқа бир сабаби капитал маблағларнинг катта қисми норационал тақсимланаётганлигидадир. Одатда корхоналарни реконструкция қилиш ва техникани такомиллаштириш йўли билан маҳсулот чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Лекин ҳали ҳам маблағларнинг ҳаддан ташқари кўп қисми янги қурилишга ва жуда оз қисми ишлаб чиқаришни модернизациялашга, машина-ускуналарни янгилашга сарфланмоқда, натижада кўп заводларни реконструкция қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга солинмоқда. Янги беш йилликда ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилишга зўр беришимиз лозим.

Ниҳоят, қурилишнинг ўзида катта-катта нуқсонлар бор. План ва молия интизомини бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Янги самарали материаллар ва конструкциялардан етарли равишда фойдаланилмаётир. Қурилиш сифати ҳали ҳам паст. Бирон бир хўжалик раҳбари лойиҳалари ва сметалари бўлмаган янги объектларни қуришни бошламасин деган тартиб қонун бўлиб қолиши керак. **(Қарсаклар).**

Кейинги йилларда Марказий Комитет билан СССР Министрлар Совети капитал қурилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини батафсил ва атрофлича таҳлил қилиб чиқдилар. Қурувчилар ишига баҳо бериш принципини ўзгартирувчи бир қанча қарорлар қабул қилинди: энди ишнинг тугал натижалари, қувватларнинг ишга туширилиши, қурилишнинг у ёки бу оралиқ босқичларининг битказилиши эмас, балки тўла ҳажмда битказилиши қурувчилар ишига баҳо беришда асос қилиб олинади.

Лекин капитал қурилишдаги аҳволни тубдан яхшилаб олмоқ учун халқ хўжалигининг ана шу муҳим соҳасига алоқадор партия ташкилотлари ва албатта қурувчиларнинг ўзлари ҳам кўп иш қилишлари керак.

* * *

Ўртоқлар! Халқ хўжалигимиз ихтиёрида бўлган имкониятлар таҳлил қилиб кўрилганда бизда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун зарур резервлар борлиги ва бу резервлар жуда катталиги аниқланди. Боя айтиб ўтганимдек, бу резервлар фан-техника тараққиёти, халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш фондларидан янада тўлиқ фойдаланиш ва капитал қурилишни яхшилаш замирида яшириниб ётибди. Лекин иш шунинг ўзи билан чекланмайди, ҳар бир алоҳида корхонада, ҳар бир колхоз ва совхозда ҳам ана шундай резервлар бор.

Бу ўринда мен иш вақтининг бекор кетишига чек қўйишни, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришни, бир маромда ишламасликка, машина-ускуналарнинг бекор туришига барҳам беришни назарда тутаман. Хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежаш, техникани, станокларни ва машина-ускуналарни, тракторлар, комбайнлар ва автомашиналарни асраб-авайлаш катта аҳамият касб қилади. Мамлакатда ҳозир жуда кўп хилма-хил техника бор, зотан биз ундан омилкорлик билан ёки тўла-тўкис фойдаланмасак, унинг умрини ўринсиз қисқартирсак, бу нарса халқ манфаатларига катта зиён етказиш бўлади. Эҳтимол, алоҳида олинган ҳар бир завод ёки колхозда иқтисодий тежаш юзлаб ёки минглаб сўм наф келтирар, лекин халқ хўжалиги миқёсида бу тежам кўп юз миллионларни ва ҳатто миллиардларни ташкил қилади.

Бир йил бурун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети халқ хўжалигида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва иқтисодий тежашни кучайтириш тўғрисида совет меҳнаткашларига мактуб билан мурожаат қилди.

Бу мактуб катта оммавий ишга негиз қилиб олинди, бу иш дуруст натижалар берди. Лекин ҳамма резервлардан фойдаланиш, иқтисодий тежашни кучайтириш, хўжасизликка, исрофгарчиликка ва ортиқча сарфларга қарши кураш — қисқа муддатли кампания эмас. Бу ўринда гап партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кундалик фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири тўғрисида бормоқда. Бу йўналишдаги ишни ҳар томонлама кучайтиришимиз лозим.

Янги беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажармоқ учун кадрларимизни иқтисодий масалаларга муносабатида муайян силжишга, баъзи бир одат бўлиб қолган тасаввурларни ўзгартиришга эришиш муҳимлигини таъкидлаб ўтишни Марказий Комитет зарур деб ҳисоблайди.

Биз яшаган шароит тақозоси билан тарихий жиҳатдан шундай бир ҳол таркиб топдики, натижада миқдор кўрсаткичлари — фалон тонна пўлат, фалон тонна нефть, фалон пуд ғалла, фалон дона трактор бериш вазифалари ҳамиша биринчи ўринга қўйиб келинди. Миқдор масаласи бундан буён ҳам биз учун муҳим бўлиб қолаверади, албатта. Лекин миқдор кўрсаткичлари маҳсулотнинг сифатини ва корхоналар фаолияти иқтисодий жиҳатини баҳоловчи кўрсаткичлар билан тўлиқроқ ва изчилроқ тўлдириб борилиши лозим. Масалан, у ёки бу раҳбар маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоб бераётган бўлса, бу кўрсаткичга қанча меҳнат эвазига эришилганлигини таҳлил қилгандан кейингина унинг ишига асосли баҳо бериш мумкин. Башарти ҳаддан ташқари ортиқча меҳнат қилинган бўлса, башарти унинг ўзи планни бажарган бўлсаю, лекин кооперация тарзида етказиб бериши лозим бўлган буюмларни юбормай, бошқа корхоналарга панд берган бўлса, башарти бошқа жойдаги етишмовчилик эвазига бир жойда муваффақиятга эришилган бўлса, бундай раҳбар мақтовга эмас, балки танқидга лойиқдир. **(Қарсаклар).** Раҳбарлар хато қилса, бирон бир ножўя иш қилса уларни танқид қиламиз. Бу — тўғри, талабчанликни ошириш керак. Бироқ, хато қилган кишиларнигина эмас, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланмаётган, ташаббус кўрсатмаётган, пассивлик қилаётган кишиларни ҳам танқид қилиш лозим, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Биз ҳаммамиз ўз ишимизга ва бошқаларнинг ишига нақадар юксак талаблар қўйсак, партиянинг навбатдаги беш йилликда ўртага қўйган планлари шу қадар муваффақиятлироқ амалга оширилади. **(Қарсаклар).**

4. ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Партия иқтисодий сиёсатининг учинчи туб масаласи — экономикани бошқариш системасини такомиллаштиришдир. Аслида гап жамиятнинг иқтисодий ва социал ривожланишини жадаллаштириш соҳасидаги фаолиятни қандай қилиб яхшироқ ташкил этишимиз, мавжуд имкониятлардан энг тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, юз минглаб коллективларни, ўн миллионлаб меҳнаткашларни партия сиёсатининг энг асосий мақсадлари теварагида қандай қилиб тағин ҳам маҳкамроқ бирлаштириш устида бораётир. Бинобарин, бошқариш масалалари раҳбарлар ва мутахассисларнинг тор доирасигагина эмас, ҳамма партия, совет, хўжалик ташкилотларига, меҳнаткашларнинг ҳамма коллективларига ҳам даҳлдордир. Демак, бошқаришни яхшилаш — партиянинг экономикага раҳбарлик қилиш соҳасидаги бутун фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Марказий Комитет ўзининг 1969 йил декабрь Пленумида масалани айни шу тарзда қўйди.

Бошқариш масалалари ҳозир айниқса актуал бўлиб қолганлигининг сабаби нима?

Бунинг сабаби, аввало, шуки, экономикамиз кўлами кенгайганлиги ва сифат ўзгаришлари, юқорида айтилганидек, бошқаришга янги, тобора юксак талаблар қўймоқда, таркиб топган формалар ва методлар, ҳатто илгари яхши хизмат қилган бўлсалар ҳам, ана шу форма ва методлар билан кифояланиб қолишга имкон бермайди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, кейинги вақтларда бошқаришни яхшилаш имкониятлари анча кенгайди. Бу нарса кадрларимизнинг, кенг меҳнаткашлар оммасининг билим савияси ва профессионал тайёргарлиги ошганлиги билан, бошқариш фани ва электрон ҳисоблаш техникаси тез ривожланганлиги билан боғлиқдир.

Масаланинг сиёсий томони ҳам жуда муҳим. Хўжалик механизмининг узлуксиз ишлаши мамлакатда яхши, ишчанлик вазиятини вужудга келтиришга ёрдам беради, кенг омманинг меҳнат ғайратини оширишга кўмаклашади, меҳнаткашларнинг ташаббусини авж олдиради, чунки одамлар ўзлари қилаётган иш кўнгилдагидек самаралар бераётганлигини, халқ манфаатларига, бутун жамият манфаатларига хизмат қилаётганлигини кўриб туришади. **(Қарсаклар).** Бошқа жиҳатдан, айрим ходимларнинг хом-хатала қарорлар чиқариши, ношудлиги ва бюрократизми ҳоллари, булар оқибатида эса меҳнатнинг, жамият бойликларининг, яратилган бойликларнинг беҳуда исроф бўлиши одамларнинг ҳафсаласини пир қилиб қўяди.

Ҳисобот даврида хўжалик механизмини такомиллаштириш соҳасида катта иш қилинди. Бошқаришнинг тармоқ системаси қайта тикланганидан кейин халқ хўжалигига бир марказдан раҳбарлик қилиш савияси анча ошди. Партия қарорларига мувофиқ саноат планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига кўчирилди, бу эса экономикада ўтган йилларда кўрина бошлаган баъзи бир нохуш тенденцияларнинг ривожланишини тўхтатиш имконини берди. Демократик негизларни янада ривожлантириш йўли ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни янада кенг жалб этишда, республикалар ва областларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқларини, шунингдек корхоналарнинг оператив мустақиллигини кенгайтиришда ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга биз эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолишимиз мумкин эмаслигини энг яхши устозлар бўлган ҳаёт, тажриба кўрсатиб турибди. Бошқариш системасини такомиллаштириш — бир йўла ўтказиладиган тадбир эмас, балки ҳаёт ўртага қўяётган проблемаларни ҳал этишнинг ривожланиб борувчи жараёнидир. Бу проблемалар келгусида ҳам диққат марказимизда туриши лозим.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг фикрича, катта аҳамиятга эга бўлган баъзи масалаларга қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Планлаштириш тўғрисида. Планлаштириш — социализм шароитида халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг марказий бўғини, юрагидир. Мамлакатимиз шу соҳада катта муваффақиятларга эришган ва бу муваффақиятлар билан фахрланишга ҳақли. Лекин бир жойда депсиниб туриш ярамайди, халқ хўжалигини планлаштириш назариясини ҳам практикасини ҳам такомиллаштириш устида қунт билан ишлашни давом эттириш лозим.

Планлаштиришнинг илмий савиясини янада ошириш энг муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифа бўлиб қолмоқда. Планлаштириш методларини такомиллаштириш зарурати пишиб етилди. Бу иш жамият эҳтиёжларини жуда аниқ ўрганишга, иқтисодий имкониятларимизни илмий башорат қилишга, ечимларнинг турли вариантларини, уларнинг бевосита ва узоқ муддатли оқибатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашга таяниши лозим. Ана шу масъулиятли ва мураккаб вазифани ҳал қилиш учун иқтисодий планлаштириш уфқларини кенгайтириш керак.

Жуда муҳим иқтисодий ва социал-сиёсий вазифаларни ҳал этиш учун беш йил эмас, балки анча узоқ муддат керак бўлиши сингари ҳолларга биз тобора тез-тез дуч келмоқдамиз. Шу муносабат билан халқ хўжалигини узоқ муддатга мўлжаллаб, мамлакат аҳолисининг, халқ хўжалиги, фан-техника тараққиёти эҳтиёжларининг ўсишига таянган ҳолда перспектив планлаштириш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб қолмоқда. Беш йиллик ва йиллик планлар билан узоқ муддатли планларни доимо бирга боғлаб олиб боришни таъминлайдиган тарзда ишга ёндошгандагина ривожланишимизнинг туб проблемалари самаралироқ ҳал этилиши мумкин.

Халқ хўжалигининг йирик проблемаларини планлаштиришга ва қабул қилишга комплекс ёндошиш тобора муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Олдимизда турган вазифалар характерининг ўзи уларни ҳал этишга одатда кўп тармоқлар ва иқтисодий районларнинг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларини талаб қилади ва турли тадбирларнинг бутун бир системасини амалга оширишни ўз ичига олади.

Хўш, бу соҳада бизда ижобий тажриба борми? Шубҳасиз, бор. Агар кейинги йиллар тўғрисида гапирадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини юксалтириш программаси, Ғарбий Сибирдаги жуда катта нефть конлари районини ўзлаштириш программаси, космик тадқиқотлар программаси ва бошқалар шулар жумласига киради. Энди биз бошқа кўпгина узоқ муддатли программаларни янада чуқур ишлаб чиқишимиз ва шу программаларни мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг умумий планлари билан боғлаб юборишимиз лозим.

Планлаштириш ишида маҳаллий хусусиятларни тўлиқроқ ҳисобга олиш зарур. Бизнинг шароитлари турлича бўлган бепоён мамлакатимизда бу вазифа жуда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришни территориялар бўйича жойлаштиришни яхшилаш ишини бундан буён ҳам давом эттириш керак.

Илм-фан иқтисодий-математик моделлаштириш, системали анализ методларини ва бошқа методларни ишлаб чиқиб, планлаштиришнинг назарий хазинасини жуда бойитди. Ана шу методлардан кенгроқ фойдаланиш, бошқаришнинг автоматлаштирилган тармоқ системаларини тезроқ вужудга келтириш лозим, бунда биз келгусида ахборотларни тўплаш ва ишлашнинг умумдавлат миқёсидаги автоматлаштирилган системасини вужудга келтиришимиз лозимлигини инобатга олиш зарур.

Бу эса тегишли техникани ишлаб чиқаришнигина эмас, шу билан бирга жуда кўп малакали кадрларни тайёрлашни ҳам муҳим вазифа қилиб қўяди.

Ўртоқлар, социалистик экономикамизнинг ҳамма муваффақиятлари хўжаликни планли бошқариш билан чамбарчас боғланган. Экономикамизнинг келажакдаги муваффақиятлари ҳам кўп жиҳатдан планлаштиришнинг сифатига боғлиқ. Шу сабабли планлаштиришни такомиллаштириш бундан буён ҳам диққат-марказимизда бўлиши керак. Давлат планлари ва топшириқларини бажариш учун, халқ хўжалиги механизмининг ҳамма бўғинларида план интизомини мустаҳкамлаш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш йўлида изчиллик билан кураш олиб бориш зарур.

Бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш тўғрисида. Хўжаликни бошқариш структурасини такомиллаштириш ва айрим органларнинг вазифаларини аниқлаш масалаларини ҳам ҳаёт, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи ўртага қўйди. Бу ўринда назарда тутилаётган конкрет масала нима?

Бу ўринда аввало, Госпланнинг ва бошқа умумдавлат органларининг ролини ошириш ва ишини яхшилаш зарурлиги назарда тутилади. Афтидан, бунинг учун уларни кундалик ишларнинг катта қисмидан халос қилиш, шу тариқа уларнинг бутун диққат-эътиборларини халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий проблемаларига қаратиш зарур. Министрликлар билан идораларнинг ролини ошириш ва мустақиллигини кенгайтириш масаласи пишиб етилди, бу ҳам уларнинг вазифаларини муайян тарзда аниқлаб қўйишни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришни концентрациялашни кучайтириш зарурат бўлиб қолмоқда. Орттирилган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, етарли миқдордаги малакали мутахассисларни бир жойга жамлашга, техникани тез тараққий эттиришни таъминлашга, ҳамма ресурслардан яхшироқ ва тўлиқроқ фойдаланишга йирик бирлашмаларгина қодирдир. Бирлашмалар ва комбинатлар барпо этиш йўлига дадил ўтиш лозим — келгусида улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисобидаги асосий бўғинлари бўлиб қолиши керак. Бирлашмаларни барпо этиш вақтида корхоналарнинг маъмурий чегаралари ва қайси идорага қарашли эканлиги бошқаришнинг янада самаралироқ формаларини жорий этишга тусқинлик қилмаслиги керак. Қишлоқ хўжалигида ҳам концентрациялаш жараёни ривожланабериши лозим.

Бошқариш структурасини такомиллаштириш вақтида топширилган иш учун шахсий жавобгар бўлишдан иборат ленинча принципни изчиллик билан ўтказишни партия муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Қарор қабул қилинаётган пайтда унинг ижроси учун ким жавобгар эканлиги тамомила равшан бўлиши керак. Масала пишиб етилганда қарор қабул қилинмаган ёки пайсалга солинган тақдирда ҳам ким жавобгар эканлиги худди шу тарзда равшан бўлиши лозим. **(Қарсаклар).** Бошқаришнинг ҳамма босқичларида ҳуқуқлар ва масъулиятнинг ҳажми ҳамда нисбати аниқ белгилаб қўйилишининг аҳамияти бор. Масъулият кам бўлсаю, ҳуқуқлар кўп бўлса, маъмурий ўзбошимчалик, субъективизм хом-хатала қарорлар чиқарилиши учун имконият кўпаяверади. Ҳуқуқлар кам бўлиб, масъулият кўп бўлган ҳолларда ҳам аҳвол бундан яхши бўлмайди. Бундай ҳолда ҳатто энг тиришқоқ ходим ҳам ночор аҳволда қолиши мумкин ва топширилган иш учун ундан тўла-тўкис масъулият талаб қилиш қийин.

Бошқаришдаги кўп босқичликни бартараф қилиш учун кўпчилик масалаларга доир қарорларнинг бир ташкилотдан иккинчисига сансалор қилиб юрилмасдан бир марта ва узил-кесил қабул қилинишига эришиш зарур. **(Давомли қарсаклар).** Бошқарув системасининг ҳар бир бўғини ўз иши билан шуғулланиши, юқорироқ инстанциялар катта проблемалардан чалғитилмасдан, кўпдан-кўп кундалик ишлар билан банд қилиб қўйилмасдан, қуйи инстанциялар эса ўз компетенциясига кирувчи масалаларни оператив ҳал қилиб бера олиши лозим. Шундай қилсак тўғри бўларди. **(Қарсаклар).**

Бошқарув структурасини такомиллаштириш масалага тор идорачилик ва маҳаллийчилик нуқтаи-назаридан қарашнинг ҳар қандай кўринишларига қарши изчил кураш олиб боришни талаб қилади.

Иқтисодий омилларни кучайтириш тўғрисида. Партия халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш соҳасидаги ўз ишида марказий органларнинг директив топшириқлари билан ишлаб чиқаришга таъсир ўтказишнинг иқтисодий омилларидан фойдаланишни тўғри қўшиб олиб бориш йўлига қатъий амал қилмоқда. Бу омиллар хўжалик ҳисоби, нарх-наво, фойда, кредит, моддий рағбатлантириш формалари ва шу сингарилардан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш коллективларини, миллион-миллион меҳнаткашларнинг муваффақиятли ишлашига ёрдам берадиган, уларнинг иш натижаларига ҳаққоний баҳо берилишини таъминлайдиган иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириши керак. Меҳнат меёри билан истеъмол меёрини аниқ белгилаш зарурати ана шундай омилларнинг ҳаммасидан моҳирона фойдаланишни, товар-пул муносабатларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Марказий Комитетнинг 1965 йилги сентябрь Пленуми қабул қилган «Саноатни бошқаришни яхшилаш, саноат ишлаб чиқаришини планлаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу соҳада бир қанча тадбирлар амалга оширилганлиги съезд делегатларига маълум. Ўтган йилларнинг тажрибасига асосланиб, партия иқтисодий ислоҳотни амалга оширган вақтда вазиятни тўғри баҳолади, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ишида тўғри йўл тутди, деб айта оламиз. Шу билан бирга ҳали ҳамма масалаларни ҳам ҳал этишга муваффақ бўлдик, дея олмаймиз.

Орттирилган тажриба бутун куч-ғайратни қайси асосий йўналишларга қаратиш зарурлигини анча равшан қилиб қўйди. Булар — биринчидан, корхоналарни ўз зиммаларига энг мақбул мажбуриятларни олишга, яъни каттароқ планларни қабул қилишга, капитал маблағлардан ва меҳнат ресурсларидан рационалроқ фойдаланишга ундайдиган, иккинчидан, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни энг кўп даражада рағбатлантирадиган, учинчидан, маҳсулот сифатини ошириш учун муттасил кураш олиб боришга кўмаклашадиган иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат.

Саноат корхоналарида ҳам, колхоз ва совхозларда ҳам, шунингдек юқори хўжалик бўғинларида ҳам хўжалик ҳисоби принципларини изчиллик билан жорий этиш жуда актуал вазифа бўлиб қолмоқда. Хўжалик шартномаларининг ролини ва уларнинг бажарилиши учун жавобгарликни ошириш лозим. Бирлашмалар ва корхоналар учун бир неча йилларга мўлжалланган стабил план топшириқларини ва иқтисодий нормативларни ишлаб чиқиш керак.

Меҳнатга қараб ҳақ тўлашни такомиллаштириш хўжалик фаолиятининг муҳим жиҳати бўлиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Зўр ғайрат билан қилинган серунум меҳнат рағбатлантирилиши ва анча юқори даражада мукофотланиши лозим. Шчекино химия комбинатининг тажрибаси кўрсатганидек, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга энг кўп ҳисса қўшган, қўшимча касбларни ўрганиб олган, ижтимоий бойликка жонкуяр, тежаб-тергаб муносабатда бўладиган ходимларни ва коллективларни рағбатлантириш учун корхоналарга кенгроқ имкониятлар бериб қўйилиши керак. Ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш билан бирга меҳнатнинг маънавий омилларини кенгайтиришни узвий равишда қўшиб олиб бориш лозим.

Хуллас, ўртоқлар, партия ташкилотлари, хўжалик органлари ва меҳнаткашлар коллективлари хўжаликни юритишнинг иқтисодий методларини такомиллаштириш устида қунт билан ишлашлари зарур.

Шу муносабат билан совет иқтисод фани зиммасидаги масъулият тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак. Кейинги йилларда бу фан дуруст муваффақиятларга эришди. Лекин халқ хўжалигининг тез ривожланиб бораётганлиги, экономикамиз ҳал этиши лозим бўлган янги вазифалар хўжалик органларининг ҳам, олимларнинг ҳам зўр эътибор беришларини талаб қилувчи бир талай мураккаб назарий ва амалий проблемаларни ўртага қўймоқда.

Хўжаликни бошқаришга меҳнаткашларни янада кенг қатнаштириш тўғрисида. Меҳнаткашлар оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга тобора кенг кўламда жалб қилиш — партиянинг энг асосий вазифаларидан биридир. Шунга эришиш керакки, ҳар бир онгли меҳнаткаш, ҳар бир онгли ишчи, В. И. Ленин таъкидлаб айтганидек, «ўзини ўз заводида хўжайин дебгина эмас, мамлакатнинг вакили деб ҳам ҳис қиладиган бўлсин» (36 том, 369—370-бетлар).

Бунинг учун бизда катта имкониятлар бор. Экономикани бошқаришда меҳнаткашларнинг иштироки алоҳида ишлаб чиқариш коллективи доирасида хўжалик вазифаларини ҳал этиш билан чекланмайди. Бу ишга экономикага раҳбарлик қилишда партиямиз билан давлатимиз ўйнайдиган ролни ҳисобга олиб, кенгроқ назардан қарамоқ керак. Партиямиз билан давлатимизнинг сиёсати, шу жумладан иқтисодий сиёсати меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифодалайди. Бу сайлаб қўйиладиган органлардаги меҳнаткашларнинг вакиллари томонидан, энг катта планлар ва қарорларни муҳокама қилишда омманинг кенг кўламдаги иштироки шароитида ишлаб чиқилади. Меҳнаткашлар бу қарорларнинг бажарилишини контрол қилишда ҳам актив қатнашадилар. Партия социалистик демократиянинг ана шу ҳамма формаларини бундан буён ҳам ривожлантираверади.

Хўжаликни бошқаришда миллион-миллион ишчилар, колхозчилар, хизматчиларни бирлаштириб турган бошланғич партия ташкилотлари катта роль ўйнайди. Улар корхоналарнинг хўжалик фаолияти устидан контроль қилиш соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш планларига самарали таъсир ўтказадилар. Хўжалик вазифаларини ҳал этишда, социалистик мусобақани, оммавий техника ижодкорлигини ривожлантиришда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда касаба союзларининг роли жуда катта.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш кенгашлари, ишчиларнинг йиғилишлари, колхозчиларнинг умумий йиғилишлари анча активлашди. Уларнинг обрўйини янада ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, корхоналар ҳаётининг энг муҳим масалаларини уларнинг муҳокамасига қўйиш лозим. Бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, шунингдек министрликларнинг раҳбар ходимлари иш тўғрисида бевосита ишчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши сингари практикани ривожлантириш зарур.

Ишлаб чиқариш масалалари билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилиш, маиший шароитларни яхшилаш масалалари коллективларнинг диққат-марказларида туриши лозимлиги табиий. Коллективларни социал ривожлантириш планларини тузиш тажрибасини қўллаб-қувватласа арзийди. Коллектив шартномаларни тузиш ва текшириш тартибини яхшилаш зарур.

Ленин васиятларини тағин ҳам тўлиқ амалга ошириш, ҳамма ишчилар, колхозчилар, зиёлилар партия иқтисодий сиёсатини амалга ошириш учун онгли курашчилар бўлишига, давлат кишилари сингари иш кўриб, ўз қобилиятларини, ташаббусларини, хўжалик соҳасидаги маҳоратларини тўла-тўкис намоён қилишларига эришиш — бизнинг бурчимиздир. **(Қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Иқтисодий ривожланиш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партия белгилаб берган режаларнинг муваффақияти оқибат натижа одамларга боғлиқ бўлади. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, партия, совет, касаба союз, хўжалик кадрларининг онгли ва саботли меҳнати — коммунистик қурилиш фронтидаги янги ғалабаларнинг гаровидир.

Иқтисодий программамиз кенг кўламдаги партиявий-ташкилий, сиёсий ва ғоявий-тарбиявий иш билан, социалистик тузум замиридаги, курашчи, меҳнатчи, бунёдкорга хос ажойиб фазилатлар соҳиби бўлмиш совет кишисидаги улкан кучларни тўла-тўкис ҳаракатга келтиришга қодир бўлган ишлар билан мустаҳкамланиши лозимлигининг боиси ҳам ана шудир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизнинг мақсадимиз совет кишилари ҳаётини янада яхши, янада гўзал, янада бахтиёр қилишдир. Биз фидокорона ва илҳомбахш меҳнат қиладиган, барча ижодий кучларимизни тўла бағишлаб ишлайдиган янги йиллар бўсағасида турибмиз. Мана шунинг ўзи биз учун фаровонлик ва бахт-саодат сари, порлоқ коммунистик истиқбол сари олиб борадиган ягона йўлдир. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

III.

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ СОЦИАЛ-СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар!

Марказий Комитет ўтган беш йилликда Совет жамиятининг социал-сиёсий ва маданий тараққиёти масалаларига анча катта эътибор берди. Бу соҳада қандай ишлар қилинганлигини сўзлаб беришга ижозат бергайсиз.

1. ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ ТУЗИЛИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР. СОВЕТ ХАЛҚИ БИРЛИГИНИНГ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Марказий Комитет сиёсий системамизни янада ривожлантириш проблемаларини, идеология характеридаги масалаларни қўйган ва ҳал этган чоқда партия сиёсати бутун халқ манфаатларини ҳам, уни ташкил этган синфлар ва социал гуруҳларнинг манфаатларини ҳам аниқ ҳисобга олиб, уларни муштарак бир йўлдан бошлаб борганида зарур натижалар беради, деган фикрга асосланди.

Партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларни бир-бири билан яқинлаштиришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин бартараф қилишга қаратилган. Бу — синфсиз коммунистик жамият қурилишидаги энг асосий соҳаларнинг биридир.

Бизда **ишчилар синфининг** социалистик манфаатларини ва коммунистик идеалларини ифода этувчи марксча-ленинча идеология асосида барча синфлар ва социал гуруҳлар бир-бири билан яқинлашмоқда, совет халқининг маънавий ва сиёсий фазилатлари тарбияланмоқда, унинг социал бирлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Ишчилар синфи жамиятимизнинг энг кўп сонли синфидир. Беш йиллик даврида ишчилар сони тахминан 8 миллион кишига кўпайди. Ишчилар синфи сафига совхозларнинг талайгина ходимлари қўшилди. Ишчилар мамлакатда иш билан банд аҳолининг 55 процентдан ортиғини ташкил этади. Аммо ишчилар синфининг социалистик жамиятдаги ўрни унинг миқдори билангина белгиланмайди. Ишчилар синфининг сони экономиканинг ривожланишига, фан-техника революциясининг суръатларига қараб ўзгариши мумкин. Ишчилар синфи жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ишчилар синфининг революционлиги, интизомлилиги, уюшқоқлиги ва коллективчилиги унинг социалистик ижтимоий муносабатлар системасидаги етакчилик мавқеини белгилаб беради.

Коммунизм қураётган ишчилар синфининг етакчилик роли унинг умумий маданияти, билимдонлиги, сиёсий активлиги ўсиб боришига қараб мустаҳкамланади. Жумладан, кейинги вақтларда аҳолининг икки марта рўйхатга олинганлигига доир маълумотлар ишчилар синфи маданиятининг ўсганлигидан яққол далолат бериб турибди. 1959 йилда ҳар бир минг ишчидан 386 киши олий ва ўрта маълумоти бўлса, ҳозир 550 дан ортиқ киши олий ва ўрта маълумотлидир.

Ҳозирги вақтда бизда ўз касбини мукаммал эгаллаб, ўрта маълумотли бўлгани ҳолда ўқишни давом эттираётган, фан ва маданиятнинг илғор ютуқларини ўзлаштираётган ишчилар тобора кўпаймоқда. Бундай ишчилар одатда сиёсий жиҳатдан фаол кишилар бўлиб, корхонанинг манфаатларини, бутун давлат манфаатларини ўз манфаатлари деб биладилар. Совет меҳнаткашларининг ҳаммаси бундай ишчиларга тенглашиб бормоқда. Кейинги йиллар ичида коммунистик партия сафларида ишчилар табақасининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги, Советларда, жамоат ташкилотларимизда ишчилар синфи вакилларининг сони кўпайиб бораётганлиги ҳам қонуний бир ҳолдир.

Партия ўзининг куч-ғайратини бундан буён ҳам жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ишчилар синфининг таъсирини янада кучайтириш ва мустаҳкамлашга, ишчилар синфи активлиги ва ташаббусининг тобора кўп самарали натижалар беришига сарф қилади.

Ишчилар синфи билан **деҳқонлар** иттифоқи — жамиятимизнинг сиёсий негизидир. Партиянинг сиёсати, унинг саноатни ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам юксалтириш соҳасидаги амалий тадбирлари натижасида ана шу улуғ иттифоқ тобора мустаҳкамланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалик меҳнатининг аста-секин индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бораётганлиги, қишлоқ маданиятининг юксалаётганлиги ва қишлоқ турмушининг қайтадан қурилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг социал қиёфаси ва психологиясини ўзгартиришга олиб боради. Деҳқоннинг ишчи билан муштарак хислатлари тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Ўз меҳнати машина ва механизмлар билан боғланган колхозчилар сони ортиб бормоқда, колхозчи деҳқонларнинг билим даражаси юксалиб бормоқда. Улуғ Ватан уруши арафасида қишлоқ меҳнаткашларининг атиги олти проценти олий ва ўрта маълумотли эди. 1970 йил охиригача олинган маълумотларга қараганда, қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпроғи ўрта ёки олий мактабни тамомлаб чиққан. Бу — жамиятимизнинг эришган катта ғалабасидир. **(Қарсаклар).**

Муҳим социал натижалар туфайли колхозлараро ва аралаш давлат — колхоз ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналари тобора кенг ёйилмоқда.

Қишлоқ янги ва тобора мураккаб техникани — кучли тракторлар, комбайнлар, автомашиналарни олаётганлиги, деҳқонлар фаровонлигининг ошаётганлиги, маданий-маиший шароитининг аста-секин яхшиланиб бораётганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги меҳнати завқлироқ, маroқлироқ меҳнат бўлиб қолмоқда, хусусан ёшларнинг юксак малака ҳосил қилишлари учун имконият яратиб бермоқда. Бунинг натижасида қишлоқ ёшлари ўқув юртини тамомлашлари билан қишлоқда ишлаш учун бажонидил қолмоқдалар. Бу — ижобий бир ҳолдир, хусусан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш қишлоқ учун малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашни талаб этаётганлигини эътиборга олганда, бу тенденцияни ҳар қанча қўллаб-қувватланса ҳам арзийди.

Маълумки, колхозчиларнинг учинчи Бутуниттифоқ съезди колхознинг янги намунавий Уставини қабул қилди. Колхозларнинг иттифоқ кенгаши ва район, область, ўлка ҳамда республикаларда колхоз кенгашлари сайланди. Бу кенгашлар деҳқонларнинг манфаатларини ифода этадилар. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ ҳаёти учун, колхоз демократиясини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўртоқлар, партия маданиятни ривожлантириш, турмушни яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини, хусусан қишлоқда қурилиш соҳасида кўп иш қилиш кераклигини яхши билади, албатта. Келгусида бу соҳада кўп иш қилиш керак. Аммо шу билан бирга ҳозиргача қилинган ҳамма ишларга етарли баҳо бермаслигимиз учун ҳеч қандай асос йўқ.

Ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бир-бири билан яқинлашиб бораётганлиги жамиятимиздаги муҳим социал ўзгаришлардандир. Бу жараён тобора кўпроқ сезилмоқда.

Бизнинг совет **зиёлиларимиз** ижодий ғайратларини халқ ишига, коммунистик жамият қуриш ишига бағишлашни ўз вазифалари деб биладилар. Зиёлилар сони тез ортиб бормоқда. Илмий ходимлар, инженерлар, техниклар, агрономлар, ўқитувчилар ва врачлар сони кўпаймоқда. Бизда кейинги йилларда фан-техника зиёлиларининг ўсиш суръатлари эса бошқа ҳамма социал гуруҳларнинг ўсиш суръатларидан илдамроқ борди.

Бу жараён қонунийдир. Бу жараён партиянинг фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштиришга, халқнинг маданияти ва билимини янада юксалтиришга қаратилган сиёсати натижасидир.

Бизнинг зиёлиларимиз, хусусан, фан-техника соҳасида иш олиб бораётган зиёлиларимиз ишчи ва деҳқонлар орасидан чиққан кишилар ҳисобига ғоят кўпайиб бормоқда. Шундай характерли бир мисолни келтириб ўтишимиз мумкин. Первоуральскдаги Новотруб заводида инженер ва техникларнинг 42 проценти ишчиларнинг, 32 проценти деҳқонларнинг, 26 проценти хизматчиларнинг фарзандидир. Мамлакатимиздаги бошқа саноат корхоналарида ҳам аҳвол тахминан ана шундай.

(Давоми саккизинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши еттинчи бетда).

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз ўз сиёсатида ёшлар, хотин-қизлар, пенсионерлар каби катта ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини доим эътиборга олиб келди ва эътиборга олмоқда. Ленин комсомолининг фаолиятига тўхталиб ўтганимизда, ёшлар тўғрисида, партиянинг ёшлар ўртасидаги иши ҳақида гапирамиз. Бу ўринда фақат бир нарсани таъкидлаб ўтишни истар эдик: партия ёшларга доир проблемаларга, уларнинг орзу-ўйлари, манфаатларига катта эътибор бериб келди ва бундан буён ҳам катта эътибор бераверади. 30 ёшгача бўлган ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Ёшлар — бизнинг келажагимиз, бизнинг ўринбосарларимиздир.

Ўтган беш йилликда партиянинг ташаббуси билан бир қанча муҳим чоралар кўрилди. Бу чоралардан кузатилган мақсад хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва айни вақтда уларнинг уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштиришдир. Лоақал ҳомиладорлик юзасидан отпуска бериш тартиби колхозчи аёлларга нисбатан ҳам жорий этилганлигини, яслилар, болалар боғчалари, маиший-хизмат корхоналари шохобчаларининг кенгайтирилганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Ўртоқлар эндиги беш йилликда бу соҳада яна бир қанча чораларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги сизларга маълум.

Партия сиёсатининг мақсади совет аёлларининг болаларни тарбиялаш учун ҳам, жамоат ҳаётида кўпроқ иштирок қилишлари, дам олишлари ва ўқишлари учун, маданият неъматларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун ҳам янги имкониятларга эга бўлишларини таъминлашдан иборат. Буларнинг ҳаммаси муҳим вазифалардир. Янги беш йиллик бу вазифаларни ҳал этишда, шубҳасиз, катта босқич бўлади.

Пенсионерлар, меҳнат ва уруш ветеранлари жамиятимизнинг катта бир гуруҳини ташкил этади. Кейинги йилларда пенсияга чиққан гражданларнинг меҳнат фаолиятида қатнашишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилганлигини съезд делегатлари яхши биладилар. Кўпгина партия ташкилотлари пенсионерлар билан ишлашнинг самарали формаларини қидириб топмоқдалар. Аммо биз ижтимоий ва меҳнат фаолиятида ветеранларимизнинг тажрибасидан, ғайрат, шижоатидан активроқ фойдаланиш чораларини кўрсак, тўғри иш қилган бўламиз.

Ўртоқлар! Партия **ленинча миллий сиёсатни** — халқлар тенглиги ва дўстлиги сиёсатини амалга ошираётганлиги — социализмнинг энг катта ютуқларидан биридир. **(Қарсаклар).**

Кўпгина қардош республикалар яқинда ўзларининг ярим асрлик юбилейларини нишонладилар. Бу юбилейлар социалистик миллатлар равнақи, Ватанимиздаги барча халқлар монолит бирлигининг унутилмас намойиши бўлди. Биз келгуси йилда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлаймиз. СССРнинг ташкил топиши ўзининг сиёсий аҳамияти ва социал-иқтисодий натижалари жиҳатидан давлатимиз тарихида жуда катта ўрин олади. **(Қарсаклар).**

Социализм йўлига ўтиб олган тенг ҳуқуқли халқларнинг ана шу қудратли иттифоқини вужудга келтириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда мамлакатимиздаги барча миллатлар ҳамда элатлар, аввало, улуғ рус халқи ўз ролини бажарди. **(Қарсаклар).** Улуғ рус халқининг революцион ғайрат-шижоати, фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, теран интернационализми уни ҳақли суръатда социалистик Ватанимиздаги барча халқларнинг самимий иззат-ҳурматига сазовор қилди. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтган йилларда партия раҳбарлигида қардош совет республикаларидан ҳар бирини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан аста-секин яқинлаштириб бориш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бу яқинлашув миллий хусусиятларни эътибор билан ҳисобга олиш, социалистик миллий маданиятларни ривожлантириш жараёнида содир бўлмоқда. Бутун иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиш — партиянинг бу масаладаги сиёсатининг моҳиятидир.

Партия социалистик миллатларни равнақ топтириш ва уларни аста-секин яқинлаштириб боришдан иборат ленинча йўлни изчиллик билан амалга ошириб, бундан буён ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлайверади. **(Қарсаклар).** Партия бундан буён ҳам барча меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва кибр-ҳавонинг ҳар қандай шаклдаги кўринишларига қарши муросасизлик руҳида, барча миллат ва элатларни самимий ҳурмат қилиш руҳида тарбиялайверади. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида **кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи** вужудга келди. Биргаликда қилинган меҳнатда, социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар ва социал гурухлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янги, гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишиларимиз марксча-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият қуришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан жипслашган. Кўп миллатли совет халқи ана шу монолит жипслигини ўз меҳнати билан, Коммунистик партия сиёсатини якдил маъқуллаши билан намойиш қилмоқда. **(Қарсаклар).**

Ўтган беш йилликда жамиятимиз бирлигини мустаҳкамлаш йўлида олға қараб янги қадам қўйилди. Биз мамлакатимиздаги барча синфлар ва барча социал гуруҳлар манфаатларининг муштараклигини мустаҳкамлаб бориш учун, уларнинг бир-бири билан яқинлашиш жараёнини ривожлантира бориш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўрамиз. **(Қарсаклар).**

2. СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ. СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўртоқлар! Партия ҳисобот даври мобайнида совет давлатини янада мустаҳкамлаш ва жамиятимизнинг сиёсий жиҳатдан ташкил этилишини янада такомиллаштириш соҳасида анча ва ғоят ранг-баранг иш қилди. Коммунистик қурилиш вазифаларига мувофиқ, социалистик демократияни янада ривожлантириш бу фаолиятнинг асосий йўли бўлиб келди ва шундай йўл бўлиб қолаверади.

Маълумки, бизнинг халқ ҳокимияти органларимиз — **меҳнаткашлар депутатлари Советлари** социалистик давлатнинг негизи ва бу давлат демократик характерининг энг тўлиқ ифодасидир. Ўртоқлар, бу — жуда катта куч. Ҳозирги кунда бу куч икки миллиондан ортиқ депутатлардан иборат. Улар пастдан тортиб юқоригача бутун умумхалқ давлатимизнинг ишларини бошқармоқдалар. Улар билан бир қаторда кўнгилли ёрдамчилар отряди — Советлар ҳузуридаги 25 миллион актив фидокорона меҳнат қилмоқда.

КПСС XXIII съездининг қарорларида Советларнинг ролини ошириш зарур эканлиги алоҳида қайд қилинганлигини эслатиб ўтаман. Ўтган йиллар мобайнида бу соҳада кўп иш қилинди. Халқ ҳокимияти органларининг ролини кучайтириш мақсадида район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳуқуқлари, шу жумладан, ўз компетенциялари доирасида ўз территорияларида жойлашган корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ишини мувофиқлаштириб олиб бориш каби муҳим соҳадаги ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Советларнинг моддий-молиявий базаси мустаҳкамланди, уларнинг аппаратида малакали кадрлар кўпайиб бормоқда.

Советларнинг иши умуман олганда активроқ ва хилма-хилроқ бўлиб қолди. Эндиликда депутатлар ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб, улар ҳузурида ҳисоб бериб турибдилар. Шу нарса ҳам муҳимки, бизда Советларнинг ишини матбуот, радио ва телевидение орқали тобора кенгроқ ёритиш одат бўлиб қоляпти.

СССР Олий Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари министрликлар ҳамда идораларнинг ишини, хўжалик ва маданий қурилишнинг асосий соҳаларидаги ишларнинг аҳволини контрол қилиб туришлари кучайди. Доимий комиссиялар сонининг кўпайганлиги, улар фаолиятининг анча режалироқ уюштирилаётганлиги депутатларнинг кўпроқ ташаббус кўрсатишлари, ижроия органларининг ишига чуқурроқ кириб боришлари, қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок қилишлари учун имконият яратиб беряпти.

Партия **совет қонунларини такомиллаштиришга** катта аҳамият бермоқда. Ўтган даврда бутун эътибор халқнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш ва табиий бойликлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш каби масалаларни қонуний тарзда тартибга солишга қаратилди. СССР Олий Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари кенг муҳокамадан кейин тегишли қонунларни қабул қилдилар. Бу қонунларни муҳокама қилишда миллионларча гражданлар қатнашди.

Ўртоқлар, яна бир масала бор. Олий Советлардан тортиб посёлка Советларига қадар депутатларнинг статусини — уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқларини, шунингдек, мансабдор шахсларнинг депутатларга нисбатан бурчларини белгилаб берадиган махсус қонун ишлаб чиқиш пайти келди. **(Қарсаклар).** Бизнинг фикримизча, бундай қонуннинг қабул қилиниши депутатларнинг обрўси ва активлигини оширган бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши **давлат аппаратининг** бир меъёрда пухта ишлашини тақозо этади. Бошқарув аппарати олдига қўйиладиган талабларнинг ортиши ҳам шундан келиб чиқади. Кейинги йилларда бошқарув фаолиятининг замонавий воситалари ва методлари жорий қилина бошлаганлиги бошқарув аппаратини рационалроқ ташкил этиб **(Қарсаклар)**, уни арзонлаштириш ва бу аппаратнинг сонини қисқартириш учун шарт-шароит вужудга келтиради. Бу соҳадаги тадбирлар ҳозирнинг узидаёқ амалга оширилмоқда ва бундан буён ҳам давом эттирилаверади.

Давлат аппарати ходимларининг кўпчилиги малакали, соф виждонли, одамларга меҳрибон кишилардир. Уларнинг меҳнатига ҳар қанча юксак баҳо бериб, иззат-ҳурмат қилса арзийди. Аммо шуни эътироф этиш кераки, қуруқ амалдорлар, одамларни сарсон-саргардон қилувчи кишилар, қўполдағал муомалали шахслар ҳали ҳам бор. Уларнинг феъл-атвори совет гражданларини ҳақли суратда ғазаблантиради. Партия жамоатчиликнинг ёрдамига таяниб, бошқарув аппарати ишининг маданиятини юксалтириш учун қатъий кураш олиб бормоқда ва қатъий кураш олиб бораверади.

Биз бошқарув маданиятини шундай маънода тушунамизки, у меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларига диққат-эътибор ҳамда манфаатдорлик билан муносабатда бўлишни, уларнинг мурожаат ва илтимосларини дарҳол қараб чиқишни узвий равишда ўз ичига олади. Ҳар бир муассасамизда кишига самимий хайрихоҳлик, иззат-эҳтиром ҳукм суриши лозим.

Халқ контроли органлари Совет Социалистик демократияси системасида муҳим ўрин олади. Ҳозирги вақтда миллионларча ишчилар, колхозчилар, хизматчилар бу органларнинг ишида қатнашмоқдалар. Партия кенг омманинг доимий ва амалий-таъсирчан контроли тўғрисидаги ленинча ғояларни оғишмай амалга ошириш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади.

Ўртоқлар! Социалистик тузумнинг муҳим хусусияти шундаки, мамлакатимизда меҳнаткашлар жамиятни бошқаришда давлат органлари орқалигина эмас, балки меҳнаткашларнинг кенг тармоқли оммавий ташкилотлари, аввало, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари орқали ҳам қатнашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда бизда **касаба союзлари**нинг 93 миллиондан ортиқ аъзоси бор. Аслини олганда улар бутун ишчилар синфини, барча меҳнаткаш зиёлиларни, қишлоқ меҳнаткашларининг кўп сонли отрядларини ташкил этади.

Касаба союзлари — социалистик демократиянинг умумий системасида, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишда энг муҳим бўғинларнинг биридир. Улар давлат планларини ишлаб чиқишдан тортиб, ҳар бир корхонанинг ишини бошқаришгача халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўп вазифаларини ҳал этишда қатнашмоқдалар. Улар корхона, қурилиш, муассасалар коллективларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятида муҳим роль ўйнайдилар.

Улар оммани меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда қатнашмоқдалар, меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида, уларнинг сиҳат-саломат бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш касаба союзларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Бизда, масалан, ишдан кейин қолдириб ишлатиш одат тусига кириб қолган, ҳеч эҳтиёж бўлмагани ҳолда одамлар дам олиш кунларидан маҳрум этилаётган корхоналар ҳали ҳам борлиги сир эмас, баъзи жойларда техника хавфсизлиги яхши йўлга қўйилган эмас. Касаба союзлари ана шундай нонормал ҳодисаларни бартараф қилиш учун кўп иш қила оладилар.

Партиянинг йўли — касаба союзларининг ролини бундан буён ҳам ошириш ва уларнинг ишини юксак даражага кўтаришдан иборат. Партия ташкилотлари касаба союз комитетларининг майда-чуйда ишларига аралашмай, уларнинг активлиги ва ташаббусини ривожлантириш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлашга, касаба союзларида ишлаётган коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишга бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

Партия меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлмиш касаба союзларининг фаолиятини бундан буён ҳам доим қўллаб-қувватлайверади, касаба союзлари бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлишдан иборат ўз ролини тўлароқ ва муваффақиятлироқ бажара олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилаверади. **(Қарсаклар).**

Ленин комсомоли мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин олади. Ленин комсомоли 28 миллиондан зиёд йигит-қизни ўз сафларида бирлаштирган. Комсомоллар хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида ижодий ғайрат ва шижоат кўрсатаётганликларини тасаввур этиш қийин эмас. Комсомолларнинг зарбдор қурилишлари, ёш ишчилар маҳорати группа конкурслари, студентларнинг қурилиш отрядлари, ёшларнинг ишлаб чиқариш бригадалари, ёзлик меҳнат ва дам олиш лагерлари — буларнинг ҳаммаси совет ёшларининг етакчиси бўлган комсомолнинг конкрет ва ғоят муҳим ишларидандир.

Ёшларни коммунистик ғоявийлик, Совет Ватанига садоқат руҳида, интернационализм руҳида тарбиялаш, жамиятимиз нормалари ва маънавий бойликларини актив пропаганда қилиш — комсомолнинг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ёшларимизнинг турли гуруҳлари — ёш ишчилар, деҳқонлар, мутахассислар, студентлар, мактаб ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Комсомол ана шу гуруҳларнинг ҳар бири билан ишлай олиши керак. Йигит-қизларнинг ўз вақтида тўғри касб танлаб олишларига имконият туғдириш, ёш авлодни завод ва фабрикадаги, ферма ва даладаги меҳнат фаолиятига самимий иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан комсомолга боғлиқдир.

Кейинги йилларда ёшларнинг меҳнати, ўқиши, дам олиши ва ҳаётига доир масалаларда комсомолнинг вазифалари кўп даража ортди. Партия ташкилотлари масъулиятли иш участкаларини комсомолларга дадил ишониб топшира бошладилар. Комсомолнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ўсди. Ёшлардан ярим миллиондан ортиқ киши давлат ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советларига сайланганлиги ибратлидир. СССР Олий Совети депутатларининг салкам 20 проценти ёшлардир.

Партия янги кучларни ҳамиша комсомол сафидан танлаб олмоқда. КПСС XXIII съездидан кейинги йилларда 1 миллион 350 минг комсомол партиямиз сафига кирди. Бу — партия сафига қабул қилинганларнинг 45 процентини ташкил этади. Айни вақтда комсомолда ишлаётган коммунистлар сони икки баравар кўпайди. Бу эса XXIII съезднинг комсомол ташкилотларида партия ядросини мустаҳкамлаш тўғрисида берган йўл-йўриқларига муносибдир. Партияга қабул қилинган ВЛКСМ аъзоларининг партия ташкилоти томонидан то бошқа топшириқ олганларига қадар комсомолда актив ишлашни давом эттиришларини қоида тусига киритса арзийди.

Партия коммунизмнинг ёш бинокорлари билан ҳақли суръатда фахрланмоқда. Ўзимизнинг сиёсий тажрибамизни, иқтисодий ва маданий қурилиш проблемаларини ҳал этиш тажрибасини янги авлодларга ўргатиш, — ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга раҳбарлик қилиш, уларнинг ўз оталари ишини, улуғ Ленин ишини муносиб давом эттиришлари учун ҳамма чораларни кўриш — бизнинг бурчимиздир. **(Давомли қарсаклар).**

Социалистик жамиятнинг асосий ячейкалари бўлмиш **меҳнат коллективларимизнинг** ролини ошириш социалистик демократияни ривожлантиришда катта ўрин олади. Бунда совет кишиларининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтириш учун кураш муҳим соҳадир. Бунда меҳнаткашларнинг янги социалистик хислатлари камол топади, дўстлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари вужудга келади. Ҳар бир кишининг коллектив олдидаги масъулияти ва коллективнинг ҳар бир ходим учун масъулияти — ҳаётимизнинг энг муҳим хусусиятидир.

Марказий Комитет, Совет ҳукумати ҳисобот даврида, **қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш,** гражданларни қонунларга ва социалистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш тадбирларини амалга оширавердилар. Милиция, прокуратура, судларнинг фаолияти яхшиланди.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш — давлат аппаратининггина вазифаси эмас. Партия ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол қонунларга қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш, меҳнаткашларга ҳуқуқ тарбияси беришни яхшилаш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим. Ҳуқуқни, қонунни ҳурмат қилиш ҳар бир кишининг шахсий эътиқоди бўлиб қолмоғи керак. Бу гап хусусан мансабдор шахсларнинг фаолиятига тааллуқлидир. Қанақа сабаб-баҳона кўрсатилмасин, қонундан чекиниш ёки уни четлаб ўтиш йўлидаги ҳар қанақа уринишларга тоқат қилиш мумкин эмас. Шахс ҳуқуқларининг бузилиши, гражданлар иззат-ҳурматининг камситилишига ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Энг инсонпарвар идеалларнинг тарафдорлари бўлмиш биз, коммунистлар учун бу — принцип ишидир.

Жиноятга қарши кураш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтларда ҳуқуқ-тартибот бузилишининг баъзи турлари учун қаттиқроқ жавобгарлик белгиланди. Қонунларда кўзда тутилган жазо чораларини қўлланиш билан бир қаторда жиноятларнинг олдини олиб, уларга йўл қўймаслик борасида ҳам тобора кўп ғамхўрлик қилмоқдамиз.

Империализмнинг қўпорувчилик ишлари давом этаётган бир шароитда **давлат хавфсизлиги органлари** муҳим роль ўйнайди. Ҳисобот даврида бу органлар сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамланди. Партия ана шу органларнинг ходимларини ленинча принциплар руҳида, социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилиш руҳида, совет жамиятини душман унсурларнинг ҳаракатларидан, империалистик разведкаларнинг кирдикорларидан муҳофаза қилиш учун курашда қаттиқ ҳушёрлик руҳида изчил тарбиялаб келмоқда.

Ўртоқлар! Халқ яратган нарсаларнинг ҳаммаси қаттиқ ҳимоя қилиниши керак. Совет давлатини мустаҳкамлаш — **унинг Қуролли Кучларини ҳам мустаҳкамлаш,** Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини бутун чоралар билан кучайтириш демакдир. Биз бесаранжом дунёда яшар эканмиз, бу вазифа энг асосий вазифаларнинг бири бўлиб қолаверади!

Совет Армияси — халқнинг бир қисми бўлиб, у халқ билан бирга ҳаёт кечирмоқда. Бизда ҳарбий хизмат — жанговар маҳорат мактаби бўлиш билангина чекланиб қолмайди. Ҳарбий хизмат айни вақтда ғоявий ва жисмоний чиниқиш, интизом ва уюшқоқликнинг ҳам яхши мактабидир.

Коммунистик партия халқнинг ҳоҳиш-иродасини бажара бориб, мамлакатнинг мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ҳисобот даврида ҳарбий қурилиш масалалари доим диққат марказимизда турди. Кейинги йилларда кўрилган чоралар Қуролли Кучларнинг куч-қудрати ва жанговар қобилиятини кўп жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам берди, Шонли Қуролли Кучларимиз душманнинг ҳужумини, бу ҳужум қайси томондан қилинган бўлмасин, даф қилишга доим — кундузи ҳам, кечаси ҳам шай бўлиб турганлигига совет кишилари амин бўла оладилар. Эҳтимол тутилган ҳар бир агрессор мамлакатимизга ракета-ядро ҳужумини бошлашга уриниб кўрган тақдирда қақшатқич зарбага дуч келажагини яхши билади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Шонли Совет Армияси тўғрисида гапирганимизда фронтчиларимиз тўғрисида, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимизнинг озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган солдатлар ва командирлар ҳақида хуш келадиган гапларни айтмай илож йўқ. Уларга уруш йилларининг жуда оғир машаққатларидан кейин ҳам дам олишга тўғри келмади: фронтчилар яна фронтга — меҳнат фронтига келишди. Фронтда қатнашган кўп ўртоқларимиз орамизда йўқ. Аммо миллионларча фронтчилар сафда турибди. Уларнинг баъзилари армияда хизматни давом эттирмоқдалар, баъзи бировлари завод ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий институт ва мактабларда ўз билимлари ва меҳнатларини Ватанга бағишламоқдалар. Уларнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, коммунизм йўлидаги меҳнатларида янгидан-янги мумуваффақиятлар тилаймиз. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Маълумки, демократия масалалари социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасидаги ғоявий ва сиёсий курашнинг диққат марказида турибди. Буржуа идеологлари, ревизионистлар бизда гўё демократия йўқлиги тўғрисидаги риёкорона гапларни айтмоқдалар. Улар социализмни «яхшилаш», уни «демократлаштириш» хусусида бизга турли-туман «маслаҳатлар» бермоқдалар. Аммо улар социализм тўғрисида ғам емайдилар, албатта. Улар бизни буржуа тартибларига кайтаришни истайдилар ва бинобарин ўзларининг буржуа демократиясини, эксплуататорлар демократиясини, халқ манфаатларига зид бўлган демократияни бизга зўрлаб қабул қилдиришга уринадилар.

Булар қуруқ ва беҳуда уринишдир. Совет кишиларининг ўз демократияси — социалистик демократия, бу демократияни ривожлантиришда ўз принциплари ва ўз анъаналари бор. **(Давомли қарсаклар).** Умуман демократия бўлмагани каби умуман озодлик ҳам йўқ. Бу — синфий тушунчалардир. В. И. Ленин масалани шу тарзда қўйган эди, партиямиз ҳам ҳозирги кунда масалани худди шу тарзда қўймоқда. **(Қарсаклар).** Биз тобора кенг омманинг, мамлакатни, жамоат ишларини бошқаришдаги иштирокини социалистик демократиянинг маъноси ва мазмуни деб биламиз. Бизда жамиятнинг бутун сиёсий системаси, меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган ташаббуси коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда. Бундай демократия биз учун ҳаётий эҳтиёждир, социалистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг зарур шартидир.

Партия социалистик демократиямизнинг доимий ривожланиб бориши, ҳар бир киши ўзини умумхалқ ишидан том маъноси билан манфаатдор гражданин деб ҳис этиши ва бу иш учун масъулиятнинг муайян ҳиссасини ўз зиммасига олиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Партия худди мана шу йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказаверади. **(Давомли қарсаклар).**

3. ЯНГИ КИШИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ — ПАРТИЯНИНГ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ

Ҳисобот даврида идеология ишининг ҳамма формаларини янада кенгайтириш, оммани сиёсий тарбиялаш ва халқнинг маданий савиясини ошириш партия фаолиятида катта ўрин олди. Инсоннинг ўзини ҳар томонлама камолотга етказмай туриб коммунизм қурилишидек буюк ишни олға силжитиш мумкин эмас. Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас.

Совет кишиларининг маънавий-сиёсий хислатлари ҳаётимизнинг бутун социалистик уклади билан, жамиятдаги ишларнинг бутун бориши билан шаклланади, аммо, аввало, партиянинг, барча партия ташкилотларининг бир мақсадни кўзлаб қунт билан олиб борадиган ғоявий-тарбиявий ишлари билан шакллана боради.

Кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш — партия бутун ғоявий-тарбиявий ишининг негизидир.

Аммо энг илғор идеология ҳам омманинг кўнглига йўл топиб, уларни актив ҳаракатларга чорлаган ва кундалик ҳаракат нормаларини белгилаб берган чоғдагина реал куч бўлиб қолади. **Совет кишиларини меҳнатга янги коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш** — партия олиб бораётган мафкуравий ишда олдинги ўринларнинг бирида турибди. Бу — жуда катта вазифа. Владимир Ильич Ленин бундай деган эди:

«Янги меҳнат интизомини барпо қилиш, одамлар ўртасида янгича ижтимоий алоқа формаларини барпо қилиш, одамларни меҳнатга жалб этишнинг янги форма ва усулларини барпо қилиш, бу — кўп йилларга ва неча ўн йилларга борадиган ишдир.

Бу — энг улуғвор ва ғоят олижаноб ишдир». (В. И. Ленин. Асарлар, 30-том, 561-бет).

Владимир Ильич Лениннинг айтган бу сўзлари тамомила ҳақ эканлигини ҳаёт жуда яққол тасдиқлаб турибди. Бу ажойиб сўзлардан биз ўзимиз учун хулоса чиқариб олишимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Мамлакатимизда социализм ғалабаси омманинг инсоният тарихида илгари мисли кўрилмаган стахановчилик ҳаракати, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати ва шулар каби меҳнат ғайрат-шижоатини вужудга келтирди. Ўтган беш йилликда бу соҳада кўпгина янги ишлар қилинди. Меҳнат мусобақаси ҳақиқатан ҳам умумхалқ мусобақасига айланди.

Партия меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш оммавий ҳаракатини қўллаб-қувватлашни, совет кишиларининг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан рағбатлантиришни ўз вазифаси деб билди. Бизда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарафига, В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа, бутуниттифоқ Ленин шанбалиги каби оммавий ташаббусларини рағбатлантириш ва ёйиш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинганлигини биласизлар, ўртоқлар. Марказий Комитет Москва ва Ленинград меҳнат коллективларининг ажойиб ташаббусини маъқуллади. Бу коллективлар ўз шаҳарларининг шонли анъаналарига содиқ бўлиб, беш йилликни муддатидан илгари бажариш мусобақасининг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Марказий Комитет металлурглар, нефтчилар, кўмир қазиб чиқарувчилар, автомобилсозлар, транспортчиларнинг, меҳнаткашлар бошқа отрядларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги конкрет ташаббусларини ҳам қўллаб-қувватлади.

Бизда кейинги йилларда совет кишиларини ўз Ватани учун, ўз халқи учун ифтихор туйғулари руҳида, ўз мамлакати ўтмишининг муносиб саҳифаларини иззат-ҳурмат қилиш туйғулари руҳида тарбиялаш соҳасида анча иш қилинди. Ёшларни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш катта аҳамиятга эгадир. Комсомол, армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият, шунингдек бошқа ташкилотлар ҳамда спорт жамиятлари бу ишни бажармоқда. Ватанпарварлик мавзуи совет адабиёти ва санъатининг кўпгина асарларида ўзининг муносиб аксини топмоқда. Ёшларимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига оммавий юриш ўтказиш ва бошқа кўп ишлар соҳасидаги ташаббусини ардоқласа арзийди.

Ватан учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига неча ўнлаб шаҳарларимизда ҳайкаллар, неча минглаб қишлоқларимизда жанговар шуҳрат ёдгорликлари ўрнатилди, Волгоград ва Ленинградда, Москва области ва Смоленск областида, Белоруссия ва Украинада, Болтиқбўйи республикаларида ва Кавказда улуғвор монументлар қад кўтарди. Булар совет кишилари қаҳрамонлар хотирасини чексиз иззат-ҳурмат қилаётганликларидан далолат беради.

Партия совет кишиларининг ватанпарварлик руҳини, уларнинг бутун кучларини ўз социалистик Ватанини яшнатиш учун, революция ғалабаларини, социализм ишини ҳимоя қилиш учун бағишлашга тайёргарлигини ғоят қадрлайди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет кишисининг янги қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқи ва дунёқараши ўтмишнинг сарқитларига қарши доим муросасизлик билан олиб борилаётган курашда таркиб топмоқда. Тамаъгирлик, порахўрлик, текинхўрлик, тухмат қилиш, анонимка ёзиш, ичкиликбозлик ва ўтмишнинг шулар каби ярамас сарқитларига қарши қатъий кураш олиб бормай туриб, коммунистик ахлоқнинг ғалаба қозониши мумкин эмас. Биз ўтмишнинг кишилар онги ва хулқидаги сарқитлари деб атаган нарсага қарши кураш — партиянинг, жамиятимиздаги барча онгли пешқадам кучларнинг доимий эътиборини талаб этадиган ишдир. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети ҳисобот даврида жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, меҳнат ва турмушда инсонга ҳурмат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлишни, ҳалолликни, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни, қаттиқ талабчанлик билан боғланган ишончни, чинакам ўртоқлик руҳини қарор топтиришга ёрдам берадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш чораларини кўрди. Хуллас, биз мамлакатимизда ҳамманинг яхши яшаб, яхши ишлашига интилдик. **(Давомли қарсаклар).**

Бу ишнинг якунларини қандайдир рақам, статистика маълумотлари билан ифодалаб бериш қийин, албатта. Аммо ҳар бир совет кишиси партиямизда, жамиятимизда маънавий муҳитнинг яхшиланганлигини сезиб турган бўлса керак. Биз бундан буён ҳам худди шу йўлдан бораверамиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Коммунизмга ўтиш учун экономика тараққиётинигина эмас, балки бутун жамиятнинг маданиятини юксакроқ даражага кўтариш зарур.

Партиянинг кейинги вақтларда мамлакатимизда маориф, фан ва санъат соҳаларида қилган ишлари тўғрисида умуман нималар дейиш мумкин?

КПСС XXIII съездининг Директиваларида 1970 йил охирига бориб ёшларга умумий ўрта таълим беришни жорий қилишни асосан тугаллаш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда ўрта умумий таълим мактаблари (кундузги ва кечки мактаблар), махсус билим юртлари (техникумлар ва ҳоказо) шохобчалари қўшимча равишда кенгайтирилди, шунингдек ўқувчиларга тўла ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлари сони ҳам кўпайтирилди. Бунинг натижасида мўлжалланган нарсага гарчи тўла эришаолмаган бўлсак ҳам, қўйилган мақсадга анча яқинлашдик: ҳозирги вақтда бизда саккиз йилликни тамомлаб чиққан ўқувчиларнинг 80 процентга яқини тўла ўрта маълумот олмоқда. Биз ўрта маълумот даражада ҳунар-техника билим юртларини янада ривожлантиришни (умумий таълим мактабларининг етакчилик ролини сақлаб қолган ҳолда) умумий ўрта таълимни амалга оширишнинг энг перспектив йўлларидан бири деб ҳисоблаймиз. **(Қарсаклар).**

Олий ўқув юртларининг сони орта борди. Ўтган беш йилликда мамлакатда 60 дан ортиқ янги ўқув юрти, шу жумладан, 9 университет очилди. Эндиликда ҳар бир иттифоқдош республиканинггина эмас, балки кўпгина автоном республикаларнинг ҳам ўз университетлари бор.

Мактабларимиз ва олий ўқув юртларимиздаги таълим жараёнининг мазмунини янгилаш соҳасида ҳам кўп иш қилинди. Ўқиш жараёни фан-техника тараққиёти талаблари билан, ҳозирги замон фан билимларининг умумий даражаси билан кўпроқ мувофиқлаштириб олиб борилмоқда.

Халқ маорифининг барча бўғинларини ривожлантириш натижасида партия XXIII съездининг бошқа бир муҳим Директиваси ҳам тўлиқ бажарилди: беш йил мобайнида мамлакатда етти миллиондан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланди. Булар коммунизм қурувчилар армиясига қўшилган яхши ва ғоят керакли кишилардир. **(Қарсаклар).**

Халқ маорифи системаси мутахассисларнинг, шу жумладан кўпгина янги касблардаги мутахассисларнинг катта отрядларини тайёрлашни ҳам таъминлаши лозим. Ҳозирги кунда барча соҳалар шу қадар тез тараққий этмоқдаки, ёшликда олинган билим фақат бир негиз бўлиб қолмоқда. Бу негизни доим билимлар билан тўлдириб бориш керак. Шу сабабли кадрларнинг малакасини мунтазам суратда ошира бориш катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг партиямиз ижтимоий ва табиий фанлар бутун жабҳасининг самарали ривожланишини таъминлаш учун куч-ғайратини аямайди.

Мамлакатда беш йил ичида илмий ходимларнинг умумий сони 1,4 баравар кўпайди ва эндиликда 930 минг кишини ташкил этади. Уралда, Узоқ Шарқда, Шимолий Кавказда янги илмий марказлар вужудга келтирилмоқда.

СССР Фанлар академияси ўтган беш йилликда катта ва самарали иш қилди. Фанлар академияси илмий изланиш стратегиясини белгилаб бермоқда, тадқиқот ишларининг жамиятга зарур бўлган энг перспектив йўллари ва формаларини аниқлаб бермоқда, мамлакатдаги олимларнинг куч-ғайратини бирлаштирмоқда.

Биз мамнуният билан шуни қайд қиламизки, олимларимиз бир қанча энг муҳим соҳаларда жаҳонда илғор мавқеларни эгалладилар. Бизда илмий тадқиқотлар ривожланиб бораётган йўналишларнинг ҳаммасини айтиб бериш қийин, асосий ва амалий фанларнинг лоақал асосий ютуқларини ҳам санаб кўрсатиш қийин ва ҳатто амалий жиҳатдан бунинг иложи ҳам йўқ.

Совет олимлари кейинги йилларда жуда соз автоматик линияларни ва лазер техникасини, электрон-ҳисоблаш машиналарининг янги хилларини, жуда катта фойдали қазилма конларини — буларнинг ҳаммасини ва бошқа кўп нарсаларни Ватанга туҳфа қилдилар. Космосни тадқиқ этиш янги муваффақиятлар билан тугалланди. Беш йилликда бу соҳада катта йўл босиб ўтилди. Ичида учувчиси бўлган «Союз» кемаларининг группали кўп босқичли парвозлари муваффақиятли ўтказилди. Космик автоматлар ёрдамида ажойиб натижаларга эришилди: Ойга дастлабки оҳиста қўнишдан тортиб Ерга Ой заминини келтирган «Луна-16» ва толмас заҳматкаш — луноход ўрнатилган «Луна-17» каби мукаммал системаларини вужудга келтиришгача, Венера планетасига биринчи парвоздан тортиб унинг саҳнидан бевосита қимматли илмий маълумотлар олишгача бўлган йўл босиб ўтилди.

Мен олимларимизнинг фан-техникани тараққий эттириш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида гапириб ўтдим. Ижтимоий фанлар олдида ҳам муҳимроқ вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитети ҳисобот даврида бу масала юзасидан махсус кенг қарор қабул қилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институти ва ижтимоий фанлар академиясининг вазифалари аниқланди ва кенгайтирилди. Кейинги йилларда Фанлар академияси системасида бир қанча янги гуманитар институтлар ташкил этилди. Бу эса СССР ва чет мамлакатлар социал-иқтисодий тараққиёти, жаҳон революцион жараёни проблемаларини чуқурроқ ўрганиш, илмий информацияни яхшилаш имконини берди. Ижтимоий фанларнинг ҳозирги пайт ва келажак учун актуал бўлган проблемаларини ишлаб чиқиш сари кескинроқ бурилиш ясашлари биз учун даркордир.

Совет фани катта муваффақиятларга эришди. Лекин илмий муассасаларимиз фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам бор. Шу вақтга қадар мамлакатнинг бевосита амалий эҳтиёжларидан ҳам, шунингдек фанларнинг фундаментал тармоқларини ривожлантиришнинг ҳақиқий манфаатларидан ҳам кўп жиҳатдан ажралиб қолган ишлар билан машғул бўлган илмий ходимларнинг борлиги сир эмас. Буни беҳуда қилинаётган иш деса бўлади. Бундай ҳолларга муросасозлик билан қараб бўлмайди, албатта.

Илмий иш учун кадрлар танлашдаги талабчанликни ошириш лозим. Ҳар бир илмий коллективда чинакам ижодий вазият, дадил изланиш, самарали мунозаралар, ўртоқларча талабчанлик муҳити ҳукмрон бўлиши зарур. Совет халқи олимларимизнинг ютуқларини юксак баҳолаш билан бирга улардан коммунистик қурилишнинг энг актуал вазифаларини ҳал этиш соҳасидаги куч-ғайратларини кўпайтиришларини кутади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Жамиятимиз коммунистик қурилиш йўлидан олға борган сари совет кишисининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқодларини, маънавий маданиятини шакллантиришда **адабиёт ва санъатнинг роли** кучаймоқда. Шу сабабли адабиётимиз билан санъатимизнинг ғоявий мундарижасига, уларнинг жамиятда ўйнаётган ролига партия катта эътибор бериб келганлиги ва эътибор бераётганлиги табиий бир ҳолдир. Лениннинг партиявийлик принципига мувофиқ биз бадиий ижодиётнинг ҳамма турларини коммунистик қурилишнинг буюк умумхалқ ишидаги иштирокини ривожлантиришга қаратишни ўз вазифамиз деб биламиз.

(Давоми тўққизинчи бетда)

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг давоми

(Боши саккизинчи бетда)

Ўтган беш йилликда адабиётимиз, театримиз, киномиз, телевидениемиз, тасвирий санъатимиз, музикамиз совет кишиларига кўпгина янги, мароқли, талантли асарлар армуғон қилди. Халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини мавжуд камчиликларини хаспўшламасдан, бежамасдан, партиявий позицияларда туриб реалистик ёритадиган, коммунистик тарбия ва қурилишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим проблемаларига бутун эътиборни жалб қиладиган янги асарлар ва постановкалар майдонга келди. Бу асарлар санъаткорнинг совет халқи кўп қиррали ҳаёти билан алоқаси нақадар мустаҳкам бўлса, ижодий муваффақиятлар ва ютуқларга эришиш йўли шу қадар аниқ бўлишини яна бир карра исботлайди. (Қарсаклар).

Ҳисобот даврида Ленин темаси адабий ва бадиий ижодиётда алоҳида ўрин олди. Ленинга бағишланган бир қанча мароқли романлар, пьесалар, кинофильмлар яратилди, улар революцион жўшқинлик, ленинизмга садоқат пафоси билан суғорилган асарлардир.

Адабиёт ва санъат ҳамма республикаларимизда, СССР халқларининг ўнлаб тилларида, миллий формаларнинг ёркин ранг-баранглигида самарали ривожланганлиги кишини ғоят мамнун қилади.

Мамлакатимиз Ёзувчилар, Рассомлар, Композиторлар, Кинематографлар союзларининг кейинги йилларда бўлиб ўтган съездлари совет санъати ҳаётида катта воқеалар бўлди. Бу съездлар ижодкор зиёлиларимизнинг ғоявий-сиёсий етуклиги, ўзлари яратаётган асарларнинг мундарижаси ва бадиий тўлақонлиги учун жавобгарлиги шубҳасиз ортганлигини ифодалади.

Хуллас, кейинги йилларда совет санъати ходимлари кўп иш қилдилар. Халқимиз уларнинг совет кишиларининг коммунистик онглилигини тарбиялашда катта ҳисса бўлиб қўшилган бу муваффақиятларини юксак қадрлайди. (Қарсаклар).

Аммо бадиий ижодкорлик соҳасида, айниқса яратилаётган асарларнинг сифати жиҳатидан ҳамма иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш ўринлики, бизда ҳали ҳам мазмунан саёз, шаклан жозибасиз асарлар кўплаб пайдо бўлмоқда. Ҳатто баъзан асар яхши, актуал мавзуга бағишланган бўлса ҳам, санъаткор ўз вазифасига ҳаддан ортиқ енгилтаклик билан қараган, асарига ўзининг бутун талантини ишлатмаган, деган таассурот туғилади. Менимча, биз ҳаммамиз санъат ходимларидан ўзларига ва ўзларининг касбдош ўртоқларига кўпроқ талабчанлик билан қарашларини кутишга ҳақлимиз.

Адабий-бадиий танқид партия йўлини бундан ҳам активроқ ўтказганида, зўр принципиаллик билан майдонга чиқиб, бадиий асарлар ижодкорларига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан талабчанлик кўрсатганларида совет адабиёти ва санъатининг муваффақиятлари анча кўпроқ бўлиши, камчиликлар эса тезроқ бартараф этилиши мумкинлиги шубҳасиздир.

Санъатимизни ривожлантиришда бошқача тарздаги чигал ҳодисалар ҳам бўлганлигини назардан қочирмаслик керак. Айрим кимсалар ҳозирги совет воқелигининг ранг-баранглигини шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш учун партия қилган ишлар натижасида батамом ўтмишга улоқтириб ташланган проблемалардан иборат қилиб кўрсатишга уриниб кўрдилар. Айрим адиблар орасида кўзга чалинган бошқа бир нуқсон — партия кескин ва принципиал танқид қилган ўтмиш ҳодисаларини оқлаб кўрсатишдан, партия ўзининг амалий ва ижодий фаолиятига кейинги йилларда жорий этган янги, ижодий услубларга зид келувчи тасаввурлар ва қарашларни тасвирлаб беришдан иборат бўлди.

Аслини олганда бу уринишларнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам партия билан халқ қўйган ишларнинг аҳамиятини камситиш, бугунги ҳаёт проблемаларидан, партиянинг конструктив йўлидан ва совет кишиларининг бунёдкорлик ишларидан эътиборни чалғитиш йўлидаги уринишлар бўлди.

Адабиёт ва санъат арбоблари идеология курашининг ўткир участкаларидан бирида турибдилар. Партия ва халқ ғоявий қуролимизни ўтмаслаштиришга, байроғимизга доғ туширишга бўлган уринишлар қайси томондан қилинишидан қатъий назар, бу уринишлар билан муросасозлик қилгани йўқ ва қилмайди ҳам. Башарти адиб совет воқелигига туҳмат қилар экан, мафкуравий душманларимизнинг социализмга қарши курашига ёрдам берар экан, у фақат бир нарсага жамоатчилик нафратига дучор бўлади. (Гулдурос қарсаклар).

Мазкур салбий ҳодисалар бирон бир даражада кенгроқ тарқалганлиги учун бу ҳақда гапираётганимиз йўқ. Марказий Комитет шунга асосланадики, партиянинг шу ҳодисаларга нисбатан ошкора, принципиал позицияси маданият арбобларига совет адабиёти ва санъатини ривожлантиришнинг ўзлари ўтган беш йилликда самарали меҳнат қилиб келган бош йўлида зўр эътибор ва ишонч билан ишлашларига ёрдам беради (Қарсаклар).

Совет адабиёти ва санъати ходимларини Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган; улар ўз халқининг ишлари ва фикри-зикрини ифодалайдилар, уларнинг ижодий тақдири социалистик Ватан манфаатларидан ажралмасдир. (Қарсаклар).

Биз ижодий изланишларга эътибор бериб қараш тарафдоримиз, шахсий истеъдодлар ва талантларнинг камол топиши тарафдоримиз, социалистик реализм методи заминида пайдо бўлган формалар билан услублар ранг-баранглиги ва хилма-хиллигининг тарафдоримиз. Партия раҳбарлигининг кучи — санъаткорнинг халққа хизмат қилишдек олижаноб вазифага ихлосини ошира билишдан, уни жамиятни коммунистик негизларда қайта қуришнинг эътиқодли ва актив қатнашчисига айлантира билишдан иборат. (Давомли қарсаклар).

Ўртоқлар! Социализм меҳнаткашлар оммасига маънавий бойликлар эшигини кенг очиш билангина кифояланмади, уларни маданиятнинг бевосита ижодкорларига ҳам айлантирди. Халқ бадиий ижодкорлигининг бениҳоя кенг қулоч ёзганлиги — бунинг ёрқин далилларидан биридир. Ҳозирги вақтда бадиий ҳаваскорлик коллективларида катта ёшдагилардан 13 миллион ва мактаб ўқувчиларидан 10 миллион киши қатнашмоқда. Халқнинг бадиий ижодкорлиги — Совет воқелигимизнинг, ҳаётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари — газеталар, журналлар, телевидение, радио, информация агентликлари янги инсонни камол топтиришдан иборат катта ва мураккаб ишда, капитализм дунёсига қарши олиб борилаётган идеология курашида партиянинг қудратли қуролидир.

Ҳисобот даврида партия Марказий Комитети ахборот ва пропаганда сифатини яхшилаш ҳамда аҳолининг тобора кенгроқ оммасини ахборот ва пропагандага жалб қилишга интилиб, ахборот ва пропаганда воситаларининг иши тўғрисидаги масалаларни бир неча марта кўриб чиқди.

Бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемиз мамлакатимиз ички ҳаётига ва халқаро ишларга оид актуал, совет кишиларини ҳақиқатан ҳам қизиқтирадиган проблемаларни оператив ёритиш учун жуда кўп иш қилмоқдалар, коммунистик қурилишнинг илғор тажрибасини ёйишда ёрдамлашмоқдалар, синфий душманларнинг идеологик найрангларига зарба бермоқдалар.

Ахборот воситаларининг техник имкониятлари кенгайтирилди ва моддий базаси мустаҳкамланди. Бизда чиқадиган газеталарнинг бир галги тиражи сал кам 140 миллион, журналлар тиражи эса 150 миллиондан кўпроқ нусхани ташкил қилади. Газета ва журналларга обуна бўлиш қишлоқда айниқса ўсди. Обуна бундан беш йил илгари 65 миллион ўрнига эндиликда 107 миллион нусхадан ошиб кетди.

Мамлакатимизда китобга қизиқиш ғоят каттадир. Совет халқи ҳақли равишда дунёда энг кўп ўқийдиган халқ ҳисобланади. Шуни айтиш кифояки КПСС XXIII съездидан кейинги даврнинг ўзида бизда умумий тиражи 6 миллиард 500 миллион нусхадан кўпроқ китоб ва брошюра, шу жумладан бир миллиард нусхадан кўпроқ ижтимоий сиёсий темаларга оид китоб нашр қилинди. Фақат 1969—70 йилларнинг ўзида Ленин асарлари ҳамда Ленин ва ленинизм ҳақидаги китоблар тиражи 76 миллион нусхадан ошди. Шу йиллар ичида қардош социалистик мамлакатларнинг китобларига талаб ўсди. Бу мамлакатлар китобларининг таржимаси 1966—70 йилларда бизда 72 миллион нусхада нашр этилди. (Қарсаклар.

Ҳозир телевидениемиз жуда катта аудиторияга эга бўлиб, мамлакатнинг 70 процент аҳолиси унинг кўрсатувларини томоша қилмоқда. Узоқ Шимол, Узоқ Шарқ, Сибирь ва Ўрта Осиёни қамраб оладиган «Орбита» телевизион системаси ишга туширилди.

Ўртоқлар! Идеология, пропаганда ва оммавий-агитация иши — партия фаолиятининг муҳим ва масъулиятли соҳасидир. Бу соҳада кўпгина иш қилинди. Аммо шуни айтиш керакки, биз бу соҳадаги ишнинг аҳволидан ҳали тўла қаноатланаётганимиз йўқ. Марказий Комитет бутун идеология ишимизни кучайтириш ва аввало, коммунистик идеалларни қурилишимизнинг конкрет вазифаларини активроқ, бир мақсадни кўзлаб пропаганда қилишни зарур деб ҳисоблайди. Съездимиз қарорларининг моҳияти ва аҳамиятини меҳнаткашларга кенг кўламда тушунтириш яқин давр ичида партиянинг пропаганда ва оммавий агитация ишида марказий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Кенг меҳнаткашлар оммасига ғоявий эътиқодимизнинг бутун кучини тўла етказишда чинакам маҳорат кўрсатиш, совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига чинакамига, ҳақиқатан ижодий ёндошиш, — бу соҳадаги асосий вазифаларимиз ана шулардан иборатдир. (Қарсаклар).

Биз империалистик пропаганда энг маккорона усуллардан ва қудратли техника воситаларидан фойдаланиб, бизнинг мамлакатимизга қарши, социализм дунёсига қарши тўхтовсиз идеология уруши олиб бораётган шароитда яшамоқдамиз. Буржуазия қўлида бўлган ақл-идрокка таъсир қилувчи ҳамма воситалар — матбуот, кино, радио — кишиларни чалғитиш, уларга капитализм даврида гўё сал кам жаннатдагидай ҳаёт кечириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни сингдириш, социализмга бўҳтон қилиш учун сафарбар этилгандир. Эфир мамлакатимизнинг, қардош социализм мамлакатларининг ҳаёти ҳақидаги ҳар хил уйдирма гаплар билан тўлдириб юборилгандир.

Пропаганда, оммавий-агитация фронтидаги ходимларимизнинг бурчи — ана шу идеологик бўҳтонларга ўз вақтида кескин ва самарали зарба беришдан, юз миллионларча кишиларга социалистик жамият ҳақидаги, совет турмуш қиёфаси ҳақидаги, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги ҳақиқатни етказишдан иборатдир. Бу ишни ишончли, эътиқод билан, равшан ва ёрқин олиб бориш керак. (Давомли қарсаклар). Совет Иттифоқи ҳақидаги ҳақиқат овози ер юзининг ҳамма қитъаларида янграб туриши лозим. (Гулдурос қарсаклар).

* * *

Шундай қилиб, ўртоқлар, ҳисобот даврида партия фаолиятида совет жамиятининг социал-сиёсий тараққиёти, меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси, фан ва маданиятни ривожлантириш масалалари катта ўрин эгаллади. Коммунистик қурилишнинг бу йўналишларида муҳим натижаларга эришилди, аммо ҳали олдимизда янада каттароқ ва мураккаброқ вазифалар турибди. Биз аминмизки, партия бу вазифаларни ҳал қилишда муваффақиятларга эришади ҳамда бу ишда уни бутун совет халқи якдиллик ва активлик билан қўллаб-қувватлайди. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Мамлакатимиз халқнинг худди ана шу жипслиги ва онглилиги билан кучлидир. Партия куч-қудратимизнинг ана шу манбаини — совет халқининг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлигини ҳормай-толмай мустаҳкамлайверади.

IV.

ПАРТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАРТИЯ ИЧКИ ҲАЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқлар! Коммунистик партия фаолиятининг энг муҳим жиҳати — жамият тараққиётининг бош йўлини, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқишдан ҳамда бу йўлни амалга ошириш мақсадида меҳнаткашларни сафарбар этишдан иборатдир. Бизнинг бутун воқелигимиз шундан далолат берадики, КПСС ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий раҳбари ролини шараф билан бажармоқда, совет халқини тўғри йўлдан, Ленин йўлидан бошлаб бормоқда. Яратувчилик фаолиятимизнинг кўлами қанча кенг бўлса, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар қанчалик мураккаб бўлса, оммага бошчилик қилаётган Коммунистик партиянинг роли ва масъулияти шунчалик юқори бўлади. (Қарсаклар).

Бизнинг съездимиз навбатдаги беш йиллик учун сиёсий йўлни ва конкрет иш программасини белгилаб беради. Бу программани муваффақиятли бажармоқ учун партия ва халқнинг бутун куч-ғайратини сафарбар этиш талаб қилинади. Партия ташкилотлари олиб борадиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг форма ва методлари, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлиги давримизнинг руҳига, КПСС XXIV съезди партия ва мамлакат олдига қўядиган катта вазифаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб берадиган бўлиши зарур.

1. КПСС САФИНИНГ ЎСИШИ ВА ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

КПСС XXIII съезди ленинча ташкилий принципларга таяниб ва бу принципларни янги шароитларга тадбиқан ривожлантириб, партия қурилишининг асосий масалалари юзасидан аниқ ва равшан йўл-йўриқлар берди. Тажриба бу йўл-йўриқларнинг тўғрилигини ва ҳаётий кучини тасдиқлади.

Ҳисобот даври партия **сафининг янада ўсиши**, унинг сифат составининг яхшиланиши билан характерланади. Ҳозир КПСС сафида 14.455.321 киши, шу жумладан, 13.810.089 партия аъзоси ва 645.232 партия аъзолигига кандидат бор. Мамлакатдаги катта ёшли аҳолининг тўққиз процентини коммунистлар ташкил қилади. Партия составида ишчилар 40,1 процент, колхозчилар 15,1 процент, хизматчилар 44,8 процентни ташкил қилади. Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, хизматчи коммунистларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи инженерлар, агрономлар, ўқитувчилар, врачлар, илмий ходимлар, адабиёт ва санъат арбобларидир.

XXIII съезддан кейин партиямиз сафларига уч миллион киши қабул қилинди. Булардан қарийб бир миллион олти юз минги ёки ярмидан кўпроғи ишчилардир. Москва, Ленинград, Свердловск, Горький, Донецк, Қарағанда ва айрим бошқа йирик саноат областларида партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар орасида ишчилар 60-70 процентни ташкил қилади. Шундай қилиб, съезднинг партиянинг социал составида ишчилар синфи етакчи ўринни эгаллаши керак деган кўрсатмаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Биз бу йўлни давом эттираверамиз. Бу йўл партиямизнинг табиатига, ишчилар синфининг совет жамиятимизнинг ўрни ва ролига тамомила мос келади. (Давомли қарсаклар).

Шуни айтиб ўтиш керакки, партия ташкилотлари партияга қабул қилишга кўпроқ эътибор билан ёндошадиган бўлиб қолдилар, партия сафига кирувчиларга нисбатан талабчанликни оширдилар. Натижада партияга кирувчилар сони бир мунча қисқарди. Агар XXII ва XXIII съездлар ўртасидаги даврда партия кандидатлигига ҳар йили ўрта ҳисобда 760 минг киши қабул қилинган бўлса, XXIII ва XXIV съездлар ўртасидаги даврда ҳар йили ўрта ҳисобда 600 минг киши қабул қилинди.

Шу муносабат билан партия ўз сафининг сифат составини яхшилаш ҳақида бундан буён ҳам астойдил ғамхўрлик қилиши кераклигини яна бир марта таъкидлаб ўтиш зарур. Янги аъзоларни қабул қилишга ортиқча берилиб кетиш, бу ишда пала-партишликка йўл қўйиш, афсуски ҳали ҳам айрим ташкилотларда учраб турибдики, бу нарса партия қурилишининг ленинча принципларига зиддир. Бизнинг вазифамиз партия сафининг ўсишини тартибга солиб турадиган тарзда таъсир кўрсатишдан, партия сафини ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг энг муносиб вакилларини якка-якка ҳолда танлаш асосида тўлдириб боришдан, КПСС составини партия олдида турган вазифаларни энг яхши тарзда ҳал этиш имконини берадиган бўлишига эришишдан иборат.

Партия ўз сафларини КПСС Программаси ва Уставини бузувчи кишилардан тозалаб боради. Шуни айтиш керакки, партия ташкилотлари XXIII съезд кўрсатмаларидан тўғри хулосалар чиқариб олдилар ҳамда партия ва давлат интизомини бузаётган, хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган, ўз хулқ-атвори билан коммунист деган номга доғ тушираётган кишилардан ўзини қатъийроқ ҳоли қилмоқда. Биз бундан буён ҳам ўзини нолойиқ тутаётган кишиларга нисбатан муросасозлик муносабатига йўл қўймаслигимиз керак. (Қарсаклар).

Партия сафининг поклиги ҳақида ғамхўрлик қилиш — барча партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг бурчидир. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Шу ўтган йиллар мобайнида партиямиз, унинг Марказий Комитети **партия ички демократиясини янада ривожлантириш, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш** йўлини оғишмай ўтказиб келдилар. Партияда раҳбар органларнинг сайланиши ва уларнинг ҳисобот бериб туришидан иборат принцип изчиллик билан амалга оширилмоқда, коллектив раҳбарлик, коллектив бўлиб ишлаш руҳи қарор топди. Партия фаолиятига оид масалалар кенг демократик асосда муҳокама қилинмоқда ва ҳал этилмоқда.

Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитетининг 16 пленуми ўтказилди. Партия фаолиятининг турли жиҳатлари ҳақида гапирганимда мен пленумларда муҳокама қилинган асосий масалалар тўғрисида, уларда қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтдим. Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мажлислари мунтазам равишда, ҳафтасига бир марта ўтказилмоқда, уларда партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим ва актуал масалалар муҳокама қилинмоқда. Марказий Комитет секретариатининг мажлислари ҳам ҳар ҳафтада ўтказилиб турибди. Секретариатнинг эътибори асосан кадрлар танлашга ва ижрони текширишга қаратилди. Жойлардаги партия комитетлари ҳам пленумларни ва бюро мажлисларини мунтазам ўтказмоқдалар, коллектив раҳбарлик органлари сифатида ишламоқдалар.

Партия ҳаёти ва фаолиятининг демократик принциплари сўнгги ҳисобот сайлов кампанияси жараёнида ҳам яққол намоён бўлди. Партия йиғилишларининг ишида коммунистларнинг 90 процентдан кўпроғи иштирок этиб, музокараларда 3 миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Партия йиғилишлари ҳам, партия конференциялари ҳам, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари ҳам юксак активлик ва масалаларни принципиал муҳокама қилиш вазиятида ўтди. Уларда коммунистлар партия сиёсати ва ишлари ҳақида, ўз ташкилотларининг иши тўғрисида, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида, ҳал этилмаган масалалар ва келгусига мўлжалланган хулосалар ҳақида мазмунли фикр алмашдилар. Улар барча партия ташкилотлари партия Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаётганликлари ва қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатдилар. (Гулдурос, давомли қарсаклар). Улуғ ленинчи партиямиз сафларининг монолит бирлиги ва жипслиги яна бир марта намойиш қилинди. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Кейинги йилларда амалий ишда ўзини яхши кўрсатган кўпгина янги кишилар партия ташкилотларининг раҳбар органларига сайландилар. Уларнинг составида — ишчилар, колхозчилар, барча социал қатлам ва группаларнинг, мамлакатдаги барча миллатлар вакиллари, давлат, ижтимоий, хўжалик ва маданий фаолиятнинг турли участкаларидаги ходимлар бор. Ҳозир партия ташкилотларининг бюролари ва партия комитетларига 423 минг ишчи ва колхозчи сайланди, бу эса икки йил илгаридагига қараганда анча кўпдир. Район ва шаҳар партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари орасида ишчилар билан колхозчилар салкам 40 процентни ташкил қилади. Область ва ўлка партия комитетлари ҳамда иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари составида ҳам ишчилар билан колхозчилар сони кўпайди.

Ҳисобот даврида партия ички ахбороти яхшиланди. КПСС Марказий Комитети партия фаолиятининг, мамлакат ички ва халқаро аҳволининг энг муҳим масалалари юзасидан маҳаллий партия органларини, активларни барча коммунистларни мунтазам равишда хабардор қилиб турди.

Пастдан юқорига, то Марказий Комитетгача борадиган ахборот оперативроқ ва мазмунлироқ бўлиб қолди. Бундай ахборот вазиятда яхшироқ йўл-йўриқ белгилаб олиш, масалаларни ҳал этишда партия ташкилотларининг, меҳнаткашларнинг тажрибасини ва фикрини тўлароқ ҳисобга олишда ёрдам бермоқда. Биз партия ички ахборотини янада яхшилашимиз, унинг таъсирчанлигини оширишимиз, ундан раҳбарлик воситаси, тарбиялаш ва контроль қилиш воситаси сифатида кенгроқ фойдаланишимиз лозим.

Партия ташкилотлари фаолиятида камчиликларни тугатиш, ишларни яхшилашнинг синалган методи бўлган танқид ва ўз-ўзини танқид янада ривожланди. Партия комитетларининг кўпчилиги коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини яхшироқ ҳисобга ола бошладилар, уларнинг амалга оширилиши устидан контролни кучайтирдилар. Шу билан бирга, баъзи партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари бу масала юзасидан XXIII съезд кўрсатмаларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганликларини таъкидлаб ўтиш зарур. Айрим раҳбарларда чидам ва одоб, танқидий мулоҳазаларни эътибор билан тинглаш, танқидга тўғри муносабатда бўлиш маҳорати етишмаётир. Аммо танқидга старли баҳо бермайдиган, уни назар-писанд қилмайдиган киши ўзини олдиданоқ бурдини кетказиб қўяди. Принципиал танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг ривожлантириш — партия ташкилоти сиёсий етуклигининг, унинг партия олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчини тўғри тушунишининг белгисидир.

Партия ички демократиясининг ривожланиши партия интизомини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлангандир. Тажриба шуни кўрсатадики, партиянинг кучи, қобилияти кўп жиҳатдан демократик централизм принципи қай тарзда изчил ва тўғри амалга оширилаётганлиги билан белгиланади. Демократия ниқоби остидаги анархик бошбошдоқлик ҳам, коммунистларнинг ташаббусини ва активлигини ривожлантиришга халақит берувчи бюрократик централизация ҳам марксчи-ленинчи партия учун баббаравар зарарлидир.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг фаолияти янада хилма-хилроқ тус олди. У партия интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни яхшироқ анализ қилмоқда, коммунистларнинг нолойиқ хатти-ҳаракатларига жиддийроқ қарамоқда. Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг партия комиссиялари иши ҳам активлашди. Партияда интизомни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш, ҳар бир коммунистнинг КПСС Программаси ва Устави талабларини сўзсиз бажаришига эришиш ғоят муҳимдир.

Ҳозир партиямиз олдида партия ҳужжатларини алмаштириш вазифаси турибди, шу сабабли бу хусусда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Ҳужжатлар охирги марта алмаштирилган пайтдан бери 17 йил ўтди. Партия билетларининг олдиндан мўлжалланган муддати тугади. Биз партия ҳужжатларини алмаштиришга расмиятчилик билан эмас, балки муҳим ташкилий-сиёсий тадбир сифатида ёндашсак тўғри бўлади. Ишни шундай ташкил қилиш керакки партия билетларини алмаштириш партиянинг янада мустаҳкамланишига, коммунистларнинг активлиги ва интизомини оширишга ёрдам берсин. Партбилетда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ва йўлбошчиси Владимир Ильич Лениннинг тасвири бўлсин деган коммунистлардан тушаётган жуда кўплаб истакларни ҳам амалга ошириш мумкин бўлур эди. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Ўртоқлар! Партиямизнинг кучи коммунистларнинг ғоявийлиги, активлиги, фидокорлигидадир. Ҳозир партия халқни буюк яратувчилик вазифаларига бошлаб бормоқда. Ҳар бир коммунист қанчалик юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлса, партиянинг маънавий обрўси шунча юқори бўлади.

Афсуски, бизда ҳали ҳам ўзини чинакам сиёсий жангчи сифатида кўрсатмаётган партия аъзолари бор. Улар камчиликларга ва салбий воқеаларга дуч келганларида ўзларини ҳеч нарсани кўрмаганга оладилар, «бунинг менга дахли йўқ, бу ҳақда бошқалар бош қотиравершсин», деган обивателларча позицияда турадилар. Хўжа кўрсингагина активлик қиладиган, усти ялтироқ, ичи қалтироқ кишилар ҳам учрайди. Улар бирор ишга киришиш ҳақида ҳаммадан кўп гапирадилар, ҳамиша ва ҳаммани бирор нарсага ўргатадилар, бирор ишга даъват этадилар. Аммо амалий ишга киришиш керак бўлган пайтда ҳийла ишлатиб, ўзларини панага оладилар. (Қарсаклар).

Бундай ҳолларга қарши коммунистларнинг қораловчи овози тобора баралла янграмоқда. Партия пассивликка ва лоқайдликка тоқат қилиб туролмайди. Башарти сен коммунист экансан, сенинг вазифанг қийинчиликлар олдида чекиниш, қолоқ кайфиятларга берилиш эмас, балки партиянинг онгли ва актив жангчиси бўлишдан иборатдир. (Гулдурос қарсаклар). Меҳнатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам, турмушда ҳам — ҳамма вақт ва ҳамма жойда коммунист коммунистлигича қолиши, бизнинг Ленинчи партиямизнинг аъзоси деган юксак номга муносиб бўлиши зарур. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

2. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ. КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ

Ўртоқлар! Партия сиёсатини амалга оширишда **бошланғич партия ташкилотлари** энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозир партиямизда 370 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилоти бўлиб, бу эса XXIII съезд арафасидагига қараганда 45 мингта кўпдир. Ҳисобот даврида партия Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари партиянинг ана шу асосий звеносига доимо эътибор бериб келдилар. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарда ва муассасаларда ҳамда давлат аппаратларида иш олиб бораётган бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг иши КПСС Марказий Комитетида муҳокама қилинди. Бу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар маҳаллий тажрибани, жонли практикани ўрганиш натижаси бўлди. Бу қарорлар партия органларига, бошланғич ташкилотларга ўз ишларида ҳозирги замон талабларини тўлароқ ҳисобга олиш, энг асосий вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиш имконини берди. Бизда суст ишлаётган, етарлича ташаббус кўрсатмаётган, камчиликларга лоқайд қараб келаётган ташкилотлар ҳали ҳам борлиги сабабли, бу нарса янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

Бошланғич партия ташкилотлари структурасини яхшилаш юзасидан тадбирлар амалга оширилди. Масалан, темир йўл транспортида узел партия комитетлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва трестларда бирлашган партия ташкилотлари тузилди. Мингдан ортиқ коммунистлар бўлган айрим бошланғич ташкилотларда тажриба тариқасида кенгайтирилган составдаги парткомлар сайланди.

Бошланғич партия ташкилотларининг корхоналар ва муассасалар ишига таъсирини янада кучайтириш зарур. Шу муносабат билан КПСС Уставидаги маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қоидани аниқлаш ҳақида коммунистлар ва партия комитетларидан тушаётган кўпгина таклифлар эътиборга сазовордир. Бунда гап ишлаб чиқаришлардаги партия ташкилотлари билан бир қаторда илмий-тадқиқот институтларининг, ўқув юртларининг, маданий-оқартув ва даволаш муассасаларининг бошланғич партия ташкилотлари ҳам ана шундай ҳуқуқдан фойдаланишлари ҳақида боради. (Қарсаклар). Марказий ва маҳаллий Совет хўжалик муассасалари ва идораларининг партия ташкилотларига келганда шуни айтиш керакки, улар аппаратнинг партия ва ҳукумат директиваларини бажариш соҳасидаги фаолиятини контроль қилишлари лозим. (Қарсаклар).

Ўз-ўзидан маълумки, контролни амалга оширишда ҳар бир корхона ёки муассасанинг хусусияти ҳисобга олиниши керак. Масалан, министрликнинг партия ташкилоти ана шу министрликка қарашли корхоналар ва муассасалар фаолиятига бевосита таъсир кўрсата олмайди, албатта. Аммо министрлик аппаратининг ўзида ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини, унинг ходимлари партия ва давлат интизомига қандай риоя қилаётганликларини контроль қилиш — шу партия ташкилотининг бевосита бурчидир.

Ҳисобот даврида маҳаллий партия органлари структурасини такомиллаштириш ва фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. 9 область партия комитети (асосан Ўрта Осиё республикаларида), 21 шаҳар комитети, шаҳарларда 38 район комитети ва 291 қишлоқ район комитети тузилди. Партия янги ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органларининг тузилиши бир қанча муҳим иш участкаларида партиявий таъсирни кучайтириш имконини берди. Уларнинг аппарати асосан мавжуд штатлар ҳисобига таркиб топтирилди. Шу муносабат билан кейинги 14 йил ичида КПСС аъзолари икки баравар — 7 миллиондан 14 миллионга кўпайган бўлса, штатли партия аппарати шу давр ичида 20 процентдан зиёдроқ қисқарганини айтиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги пайтда КПССда 14 иттифоқдош республика компартияларининг Марказий Комитетлари, 6 ўлка партия комитети, 142 область партия комитети, 10 округ партия комитети, 760 шаҳар партия комитети, шаҳарлардаги 448 район партия комитети ва 2810 қишлоқ район партия комитети бор.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, бизнинг партиямиз ҳамиша ва ҳар бир ишда ягона монолит куч бўлиб иш кўраётган экан, мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда ишонч билан ҳаракат қилаётган экан, ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этаётган экан, бунга кўп жиҳатдан республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотлари партия сиёсатини оғишмай амалга ошираётганликлари, КПСС Марказий Комитетининг содиқ таянчи бўлиб хизмат қилаётганликлари туфайли эришилмоқда. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Ўртоқлар! Съездга тайёргарлик жараёнида коммунистлар партиянинг барча звеноларини янада мустаҳкамлашга, ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга, партия ички ҳаётини такомиллаштиришга қаратилган кўпгина таклифларни айтдилар. Уларнинг кўпгина қисми бевосита жойларнинг ўзида амалга оширилиши керак. Таклифларнинг баъзилари эса умумпартиявий характерга эга бўлганлиги сабабли уларни съездда кўриб чиқиш маъқул бўлур эди. Бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш масаласи муносабати билан мен бу таклифлардан бири ҳақида гапириб ўтдим. Энди яна бир таклиф устида тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Кўпгина ўртоқлар КПССнинг навбатдаги съездларини ҳар тўрт йилда эмас, балки ҳар беш йилда чақириш керак деб ҳисобламоқдалар. («Тўғри» деган овозлар). Масалани бу тахлитда қўйиш учун бизнинг фикримизча асос бор. КПСС съездларининг ҳар беш йилда чақирилиши партияга халқ хўжалигини планлаштиришнинг бизда қарор топган практикасига биноан якун чиқариш ва ҳар бир навбатдаги беш йиллик учун вазифаларни белгилаб олиш имконини берган бўлур эди. (Қарсаклар).

Иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларини ҳам беш йилда бир марта чақириш таклиф қилинмоқда. Ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия конференцияларига келганда, шуни айтиш керакки, уларни съездлар ўртасидаги беш йилликда икки марта, яъни ҳар икки — уч йилда ўтказиб туриш мумкин бўлур эди. Партия комитетларига эга бўлган бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш учун ҳам ана шундай муддатни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади албатта. (Қарсаклар). Қолган барча бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларни илгаригидек ҳар йили ўтказиш маъқул бўлур эди. (Қарсаклар).

Бу таклифларни съезд делегатлари маъқулласалар, уларни КПСС Уставида мустаҳкамлаб қўйиш мумкин бўлур эди. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Жамият ҳаётининг барча томонларига раҳбарлик савиясини, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини ошириш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш билан бевосита боғлангандир. Партиямиз ҳозир бу жиҳатдан жуда катта имкониятларга эга. Ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг сиёсий онги, билим даражаси, профессионал тайёргарлиги ўсди. Партия худди ана шу кишилар орасидан, халқ орасидан коммунистик қурилишнинг барча участкалари учун талантли, қобилиятли раҳбарларни етиштирмоқда. Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область комитетлари ҳозирги секретарларининг, Министрлар Советлари раисларининг, ўлка ва область ижроия комитетлари раисларининг 80 процентдан кўпроғи ҳамда СССР министрлари ва Давлат комитетлари раисларининг салкам 70 проценти ўз фаолиятини ишчи ва деҳқонликдан бошлаган. Мамлакатдаги энг йирик саноат корхоналари директорларининг ярмидан кўпроғи илгари ишчилар бўлишган.

Ҳисобот даврида марказда ва жойларда партия, совет ва хўжалик ишига кўпгина янги ходимлар кўтарилди, кадрлар янгиланди ва уларнинг сафи янги кучлар ҳисобига тўлдирилди.

Ўлка ва область комитетлари секретарларининг область ижроия комитетлари раисларининг баъзилари ҳамда республика, ўлка ва область звеносидаги бошқа ходимлар марказий органларга — министрлар, давлат комитетларининг раислари ва бошқа раҳбарлик лавозимларига кўтарилдилар. Кейинги йилларда Марказий Комитет чет элларда ишлайдиган кадрларни партия ва совет ходимлари ҳисобига мустаҳкамлаш тадбирларини ҳам кўрди.

Жойларда партия ва совет органлари раҳбарлигига, шу жумладан, компартиялар Марказий Комитетларининг, ўлка ва область комитетларининг биринчи секретари вазифасига яхши сиёсий ва махсус тайёргарлиги бўлган кўпгина янги ўртоқлар кўтарилди. Бунда Марказий Комитет маҳаллий ходимларни юқори лавозимга кўтариш йўлини изчиллик билан ўтказиб келди, бундай вазифаларда ишлаш учун истисно тариқасидагина марказдан кишилар юборилди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг бундай практикаси партия ташкилотлари, барча коммунистлар томонидан маъқуллаб кутиб олинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. (Қарсаклар).

Бизнинг кадр танлаш соҳасидаги сиёсатимиз кекса кадрларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан тўла фойдаланиш билан бир қаторда ёш, истиқболли ходимларни пастдан юқорига кўтаришга қаратилгандир. Бу эса партия сиёсий йўлининг, унинг революцион традицияларининг давомийлиги учун мажбурий шартдир.

Ҳозир бизда кадрлар билан ишлашда шундай практика қарор топдики, бунда одамларга ишонч ва ҳурмат, уларга нисбатан принципиал талабчанлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчанлик, ўртоқларча вазиятни вужудга келтириб, ходимларга ўз қобилиятларини тўлароқ намоён қилиш имконини бермоқда.

Турмуш кадрларга нисбатан талабни муттасил оширмоқда. Бизга юксак сиёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни мужассамлаштирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга қобилиятли, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кишилар керак.

(Давоми ўнинчи бетда)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг охири

(Боши тўққизинчи бетда).

Партия ходимлардаги янгиликни ҳис қилиш сингари фазилатни ҳамиша юксак қадрлаб келди. Янгиликни ҳис қилиш — ривожланиш истиқболини кўриш, келгусига назар ташлаш, вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишнинг энг тўғри йўлларини топиш демакдир. Ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ва чуқур ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда бу фазилат айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Раҳбар кадрларимиз фаолиятида кишиларни уюштириш ва тарбиялаш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Раҳбар ҳатто якка бошчилик ҳуқуқларига эга бўлганида ҳам барибир у фақат буйруқнинг кучига ишониб иш кўролмайди. Шунинг учун ҳам партиямиз хўжалик ва тарбиявий ишнинг бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлиши зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда. Партиямиз раҳбар ходимлардан улар қабул қиладиган иқтисодий ва маъмурий қарорларнинг тарбиявий оқибатлари ҳақида ҳамиша мулоҳаза юритишларини талаб қилмоқда.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, у ёки бу раҳбар ходим тўсатдан мен ҳаётдаги ҳамма сирларни биламан, ҳамма нарсадан хабардорман деб ҳисоблайди. Шунда у бошқаларнинг тажриба ва билимидан моҳирона фойдаланиш ўрнига ҳамма масалалар юзасидан кўрсатмалар бера бошлайди, ҳаммага буйруқ бера бошлайди. Бизда ўз вазифаси доирасига кирадиган масалаларни тўғри ҳал қила оладиган малакали кадрлар аллақачоноқ ўсиб етишган. Уларга кўпроқ ишониш, айни вақтда улардан кўпроқ нарса талаб ҳам қилиш керак.

Раҳбарликнинг коллективлигини топширилган иш учун шахсий жавобгарлик билан қўшиб олиб бориш — кадрларни ўстириш ва тарбиялашнинг, бутун ишимизни тўғри ташкил қилишнинг зарур шартидир. Раҳбарликда коллегиаллик асосларини ривожлантириб, айни вақтда шуни эсда тутишимиз керакки, бошқаришнинг асосий принципларидан бири, В. И. Ленин таърифлаб берганидек ва партиямиз тушунганидек шундан иборатки, «муайян ишлар учун муайян кишилар тўла жавоб беради». Ходимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишда партия ва ҳукумат директиваларн ижросини текширишнинг яхши йўлга қўйилиши муҳим роль ўйнаши керак. **(Қарсаклар).**

Кадрлар интизомини ва масъулиятини ошириш — энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бунда биз қўрқувга, қўпол маъмуриятчилик методларига асосланадиган интизомни назарда тутмаяпмиз. Бундай ҳоллар кишиларни ишончдан, ташаббусдан маҳрум қилади, ўринсиз эҳтиёткорлик ва нопокликни келтириб чиқаради. Гап кишиларнинг юксак онги ва масъулиятига асосланган интизом ҳақида бормоқда. Интизомни бузувчи, танқиддан хулоса чиқариб олмайдиган, ўзини нотўғри тутадиган ходимларга келганда шуни айтиш керакки, уларга нисбатан зарур чоралар кўрилиши лозим **(Қарсаклар).** Бизда раҳбарлик лавозимлари ҳеч кимга умрбод бириктиб қўйилган эмас. Социалистик интизом — жамиятнинг барча аъзолари учун ягона, барча ва ҳар бир киши учун мажбурий бўлган интизомдир. **(Қарсаклар).**

Партия ва совет ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курслар кенг шохобчаларининг вужудга келтирилиши кадрлар билан ишлашни яхшилашда муҳим қадам бўлди. Ҳисобот даврида бу курсларни 200 мингга яқин киши тамомлаб чиқди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар учун малакани ошириш институтлари, малака ошириш факультетлари ва курслари ташкил этилди. Яқинда халқ хўжалигини бошқариш институти ишлай бошлади. Бу институтда саноатимизнинг раҳбар кадрлари, шу жумладан министрлар ҳам ўз билимларини такомиллаштирадилар. Бизда ҳали ҳеч қачон кадрларни шу қадар кенг миқёсда, шу қадар кўп кишиларни жалб қилган ҳолда қайта тайёрлаш сира ўтказилмаган эди.

Аммо ўқишнинг асосий методи мустақил ўқиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, албатта. Барча кадрларимиз турмушдан орқада қолмаслик учун доимо ўқишлари, ўз ғоявий-назарий савияларини оширишлари, фан ютуқлари ва илғор тажрибани эгаллашлари керак.

Кадрларимиз ҳамиша, янги жамият қуриш учун курашнинг ҳамма босқичларида юксак мавқени эгаллаб келдилар, ўзларига кўрсатилган ишончни оқладилар. Биз қатъий аминмизки, улар бундан буён ҳам партия сиёсатини моҳирлик ва қатъият билан амалга ошира берадилар, халқимизга садоқат билан хизмат қила берадилар **(Гулдурос қарсаклар).**

3. ПАРТИЯНИНГ ҒОЯВИЙ-НАЗАРИЙ ФАОЛИЯТИ. КОММУНИСТЛАРГА МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ БЕРИШ

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз илмий коммунизм партиясидир. У ҳозирги замоннинг энг илғор, революцион фани бўлган марксча-ленинча фанга оғишмай амал қилади, бу фаннинг янада тараққий топиши учун ҳамма ишларни қилади. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини, унинг асосий тенденцияларини назарий жиҳатдан идрок этиш партияга ижтимоий процессларнинг боришини олдиндан кўриш, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, хатолардан ва субъективистик қарорлардан холи бўлиш имконини беради.

Партиямиз ва халқимизнинг революцион курашининг хилма-хил тажрибаси, социализм ва коммунизм қурилишининг хилма-хил тажрибаси, жаҳон революцион процессининг проблемалари, халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичига оид хусусиятлар — ана шуларнинг ҳаммаси Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида, партиянинг Октябрь 50 йиллигига, В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигига бағишланган ҳужжатларида ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатлар — партия назарий тафаккури тараққиётининг якуни, Марказий Комитет, бизнинг партиявий ва илмий кадрларимиз коллектив ишининг натижасидир. 1969 йилги Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши муносабати билан, шунингдек, Карл Маркс ва Фридрих Энгельс туғилган куннинг 150 йиллиги ва Париж коммунасининг юз йиллиги каби халқаро коммунистик ҳаракат ҳаётидаги улкан воқеалар муносабати билан катта назарий ишлар қилинди. **(Қарсаклар).**

Ҳисобот даврида улуғ революциянинг доҳийси, унинг назариячиси бўлган, ишчилар синфи партиясининг ижодчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси бўлган В. И. Лениннинг ролини янада тўлароқ намоён этувчи фундаментал асарлар нашр қилинди.

Мангу барҳаёт, ривожланиб борувчи таълимот бўлган ленинизм партия ғоявий ҳаётининг марказида, унинг бутун революцион-туб ўзгартувчилик фаолиятининг негизи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Партия В. И. Лениннинг ғоявий меросига мурожаат қилар экан, Ленин фикрлари, ленинча методология асосида коммунистик қурилишнинг актуал проблемаларини ҳал этишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади.

Ўтган йиллар ичида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўллари кўп жиҳатдан конкретлаштирилди. Партиянинг фикри-зикри халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришнинг замонавий методларини, унинг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқишда, моддий ва маънавий стимулларни такомиллаштиришда бўлди. Ҳозирги босқичда партия аграр сиёсатининг асосий масалаларини ишлаб чиқиш муҳим назарий аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги таълимотни тағин ҳам ривожлантиришга катта эътибор берилди. Ҳаммага маълумки, бу — революцион ҳаракатнинг, янги жамият қурилишининг туб масалаларидан биридир. Ҳозирги кунда бу таълимот марксчи-ленинчилар билан ревизионизм турли формалари вакиллари ўртасидаги курашнинг ҳал қилувчи нуқтаси бўлиб қолди. КПССнинг принципиал позицияси, унинг партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг софлиги учун муросасиз кураши халқаро аҳамиятга эга бўлди, кардош партиялар таъкидлаганларидек, коммунистлар ва миллион-миллион меҳнаткашларнинг тўғри йўл танлашларига ёрдам берди. **(Давомли қарсаклар).**

Партия давлатимиз тарихининг тўғри, объектив ёритилишига жиддий аҳамият берди. Совет халқининг тарихий йўлига ғайрипартиявий, ғайрисинфий позициялардан туриб баҳо бериш, унинг социалистик ютуқлари аҳамиятини камситиш йўлидаги айрим уринишлар одилона тарзда кескин танқид қилинди. Айни бир вақтда партия сўнгги йилларда жамиятимиз ҳаётида содир бўлган катта-катта ижобий ўзгаришларни назар-писанд қилмайдиган догматик тасаввурларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб берди.

Ўтган йиллар тажрибаси шахсга сиғиниш оқибатларининг, шунингдек, субъективистик хатоларнинг бартараф этилиши мамлакатдаги умумсиёсий ва биринчи галда идеологик вазиятга яхши таъсир кўрсатганлигини яққол тасдиқлаб берди. Биз марксизм-ленинизмнинг туб принципларига содиқ бўлиб келдик ва содиқ бўлиб қолаверамиз, ғоявий масалаларда ҳеч қандай ён беришларига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

КПСС бошқа ҳукмрон Коммунистик партиялар билан биргаликда жаҳон социализм системасини ривожлантиришга оид принципиал масалаларни ишлаб чиқишни давом эттирди. Бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш социалистик қурилишнинг умумий қонуниятлари характеристикасини аниқлаб олишга ҳамда қуриб бўлинган социализмнинг асосий белгиларини тўлароқ очишга имкон берди. Иқтисодий интеграция принципларини ҳамда қардош мамлакатлар ва партияларнинг ҳамкорлиги процессида юзага келадиган бошқа масалаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди.

Ҳозирги замон капитализми тараққиётидаги янги ҳодисаларни, дунёнинг носоциалистик қисмининг ривожланишига жаҳон социализмининг таъсир қилиш йўллари ва формаларини таҳлил этиш, жумладан, фан-техника революцияси таъсири остида капиталистик экономикада содир бўлаётган янгидан-янги процессларни ўрганиш партиянинг назария соҳасидаги ишида каттагина ўрин эгаллади.

Назарий иш — бизнинг муштарак интернационал, революцион бурчимизнинг муҳим қисмидир. Жаҳон майдонида капитализм ва социализм кучларининг бир-бирига қарши кураши, худди шунингдек хилма-хил ревизионистларнинг революцион таълимотни пучга чиқариш йўлидаги, социалистик ва коммунистик қурилиш практикасини бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишлари биздан бундан буён ҳам назария проблемаларига, уни ижодий ривожлантиришга катта эътибор беришимизни талаб қилади. Эскириб қолган формулалар ёшини яшаб бўлган жойда уларни такрорлайбериш, янги-янги проблемаларга янгича ёндаша билмаслик ёки янгича ёндашишни истамаслик — ана шуларнинг ҳаммаси ишимизга зарар етказади, марксизм-ленинизмни ревизионистча сохталаштиришнинг кенг ёйилиши учун қўшимча имкониятлар яратади. Бизнинг назариямиз ва практикамизга буржуача ва ревизионистик ҳамла қилишни ишонарли тарзда танқид қилиш, бу танқид ижтимоий фанларни, марксча-ленинча назарияни фаол ва ижодий ривожлантиришга таянган тақдирда ғоят кучли бўлади.

Шундай қилиб, ўртоқлар, анчагина ишлар қилинди. Лекин Марказий Комитет назарий иш соҳасида ҳамма нарса жойида деб ҳисобламайди. Кўпгина проблемалар шунчаки белгилаб қўйилган, холос, уларни жиддий суратда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Партия назарияни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор бериши, илмий муассасаларнинг иш савиясини кўтариши, ижтимоий фанларнинг партия практикаси ва давлат иши билан, коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал қилиш билан чамбарчас алоқада бўлишига эришиши лозим бўлади.

Партия коммунистларнинг марксизм-ленинизм назариясини, ижтимоий тараққиёт қонунларини қунт билан ўрганишларини, ҳаётда янги-янги ҳодисалар рўй бериб турган шароитда дадиллик билан тўғри йўл танлай билишларини, бу ҳодисаларга тўғри баҳо беришларини ҳамда тўғри амалий хулосалар чиқариб олишларини жуда муҳим деб ҳисоблайди. Коммунистларнинг ғоявий жиҳатдан чиниқишлари партиямиз сафлари жанговарлик қобилиятини оширишнинг мутлақо зарур шартидир.

Партия ташкилотлари XXIII съезддан кейин марксча-ленинча таълим бериш яхши йўлга қўйилиши соҳасида катта иш қилдилар. Ўзларингизга маълумки, бизда партия ўқувининг мунтазам системаси таркиб топди. Бу система уч босқичдан — бошланғич, ўрта ва олий босқичдан иборат. Бу ҳол назарияни, партия тарихи ва сиёсатини ўрганишда изчилликни таъминлайди ҳамда партия комитетларига партия ўқувини ташкил этишда коммунистларнинг тайёргарлик даражасини ва қизиқишларини ҳисобга олиш имконини беради. Иқтисодий таълимни кучайтириш тадбирлари кўрилди. Бу ҳозирги шароитда катта аҳамият касб этмоқда.

Партия ўқувининг барча бўғинлари учун биринчи марта дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди ва кўп нусхада нашр этилди. Ҳозирги кунда партия маорифи системасида ҳаммаси бўлиб 16 миллиондан кўпроқ киши таълим олмоқда, миллионларча кишилардан иборат пропагандистлар армияси меҳнат қилмоқда.

Айни вақтда шуни ҳам қайд қилиш керакки, баъзи бир партия комитетлари бу ишга тегишлича эътибор бермаётирлар. Бизда марксча-ленинча ўқувнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётган, ўз ғоявий-назарий савиясини оширмаётган коммунистлар ҳали оз эмас, партия ташкилотлари эса уларга нисбатан тегишлича талабчанлик қилмайдилар.

Коммунистларга марксча-ленинча таълим бериш — фақат ўз кўлами жиҳатидангина эмас, балки биринчи галда ўз ғоявий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан ҳам улкан ишдир. Вазифа бундан-буён ҳам ана шу ишни яхши йўлга қўйишдан, сиёсий ўқувни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб боришдан, бундай ўқишнинг барча партия аъзоларининг онги ва активлигининг ўсишига кучлироқ таъсир кўрсатишига эришишдан иборатдир. Пропагандист кадрлар олдига ҳам янги-янги талаблар қўйилмоқда, бундай кадрларни танлаш ва ўқитишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўртоқлар, шундай қилиб, XXIII съезддан кейин ўтган йиллар КПСС сафларини ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан янада жипслаштириш, коммунистлар активлигини кучайтириш, партиянинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлаш йиллари бўлди.

Партия ва бутун совет халқи манфаатларининг бирлиги жамиятимизга енгилмас куч, ҳар қандай қийинчиликларга барҳам бера билиш қобилиятини бағишлайди. Партия билан бутун меҳнаткашларнинг ажралмас бирлиги — бизга олға томон дадил қадам ташлаш, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бизнинг партиямиз меҳнаткашлар ишончини ғоят эъзозлайди ва қадрлайди. Буюк партиямизни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, унинг халқ билан, омма билан алоқасини мустаҳкамлашни бизга улуғ Ленин васият қилган, бинобарин биз Лениннинг ана шу васиятига содиқ бўлиб қоламиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

* * *

Делегат ўртоқлар!

Марказий Комитет сизларга ўтган беш йил мобайнидаги иш якунлари ҳақида, партиянинг келажакдаги асосий вазифалари ҳақида, мамлакатимиз тараққиётининг истиқболлари ҳақида ахборот берди.

В. И. Ленин ўз вақтида, партия съездларининг энг муҳим вазифаларидан бири амалий тажрибада орттирилган барча қимматли ва ибратли тажрибага якун ясашдан, камчиликларни танқид қилишдан, уларни бартараф этиш йўлларини топишдан иборат, деб бир неча бор таъкидлаган эди. Шак-шубҳа йўқки, съезд делегатлари Марказий Комитет ҳисобот докладини, партиямизда одат тусини олганидек, принципиал ишчанлик билан, партия ва халқ олдидаги ўз юксак масъулиятларини англаган ҳолда муҳокама қиладилар.

Бизнинг планларимиз реал ҳисобларга, мамлакат эҳтиёжлари, ресурслари ва имкониятларини эътиборга олишга асосланган. Янги беш йиллик юзасидан Директивалар лойиҳасини муҳокама қилиш партия, бутун халқ бу Директиваларни қизғин маъқуллаётганлигини ва қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Бу планларни бажариш ҳар биримизнинг меҳнатимизга, бизнинг уюшқоқлигимиз ва интизомимизга, ишни олиб бора билиш маҳоратимиз ва изчиллигимизга боғлиқ. Ўртага қўйилган вазифаларни бажариш учун курашга оммани сафарбар этиш, бугун халқни коммунистик қурилишнинг ленинча платформаси асосида янада жипслаштириш — партиянинг, унинг барча ташкилотларининг асосий вазифасидир.

Ўртоқлар! Бизнинг имкониятларимиз битмас-туганмасдир. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ҳар қачонгидан ҳам улкандир. Совет фани ва маданияти янги чўққиларга эришди. Халқимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги енгилмасдир. Биз социалистик дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан бир сафда бормоқдамиз. Бизнинг бутун дунёдаги революцион кучлар билан жанговор иттифоқимиз мустаҳкамланмоқда.

Биз нимага интилаётган бўлсак, шуларнинг ҳаммасига эришажагимизни, ўз олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаражагимизни биламиз. Совет халқининг ижодкор даҳоси, унинг фидокорлиги, унинг Ленин йўлидан оғишмай бораётган Коммунистик партия теварагидаги жипслиги бунинг гарови бўлиб келди, гаровидир ва гарови бўлиб қолади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — Ленин партияси, бутун халқимизнинг жанговар авангарди!

Тинчлик ва халқлар дўстлиги таянчи — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи яшасин ва мустаҳкамланаверсин! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Революцион кучларнинг — жаҳон социализм системасининг, халқаро ишчилар ҳаракатининг, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашчиларнинг қудратли иттифоқи мустаҳкамланаверсин ва ғалаба кетидан ғалабаларга эришаверсин! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Маркс — Энгельс — Лениннинг енгилмас мангу барҳаёт таълимоти байроғини баланд кўтарайлик! Яшасин Коммунизм! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Коммунизм бунёдкори улуғ Совет халқига шон-шарафлар! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. Залда кучли қарсаклар янграйди. «КПССга шон-шарафлар!», «Совет халқига шон-шарафлар!», «Ура!», «Ленинчи Марказий Комитетга шон-шарафлар!», деган садолар янграйди).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ

(Боши биринчи бетда).

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Нассар бошчилигидаги Иордания Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Муҳаммад бошчилигидаги Ироқ Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Искандари бошчилигидаги Эрон Халқ партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Миллий секретарь ўртоқ О'Риордан бошчилигидаги Ирландия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Ибаррури бошчилигидаги Испания Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Берлингуэр бошчилигидаги Италия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

Партия бош секретари ўртоқ Каштан бошчилигидаги Канада Коммунистик партияси делегациясини, **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Папаноанну бошчилигидаги Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Виейра бошчилигидаги Колумбия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Сиёсий комиссиясининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Мора бошчилигидаги Коста-Рика Халқ авангарди партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Шауи бошчилигидаги Ливан Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Урбани бошчилигидаги Люксембург Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Николь бошчилигидаги Мартиника Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Мартинес Вердуго бошчилигидаги Мексика Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Сиёсий комиссиясининг аъзоси ва ижроия секретариатининг аъзоси ўртоқ Рибера бошчилигидаги Никарагуа Социалистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия Миллий секретари ўртоқ Жексон бошчилигидаги Янги Зеландия Социалистик бирлик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Ларсен бошчилигидаги Норвегия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Шарқий Покистон Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Соус бошчилигидаги Панама халқ партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Парагвай Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Дель Прадо бошчилигидаги Перу Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Куньял бошчилигидаги Португалия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Охед бошчилигидаги Пуэрто-Рико Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ Гарсиа бошчилигидаги Сальвадор Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар).**

Партия бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Барулли бошчилигидаги Сан-Марино Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Бағдаш бошчилигидаги Сурия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Холл бошчилигидаги Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Судан Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Хармел бошчилигидаги Тунис Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Демир бошчилигидаги Туркия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Арисменди бошчилигидаги Уругвай Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Сааринен бошчилигидаги Финляндия Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Марше бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегациясини. **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Викремасингх бошчилигидаги Цейлон Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Корвалан бошчилигидаги Чили Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет раҳбар комитетининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Венсан бошчилигидаги Швейцария Меҳнат партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия секретари ўртоқ Форшберг бошчилигидаги Швеция сўл партияси — коммунистлар делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет бош секретари ўртоқ Саад бошчилигидаги Эквадор Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Партия раиси ўртоқ Маркс бошчилигидаги Жанубий Африка Коммунистик партияси делегациясини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Президиуми доимий бюросининг аъзоси ўртоқ Нисидзава бошчилигидаги Япония Коммунистик партияси делегациясини қардошларча табриклаймиз **(Қарсаклар),**

Ўртоқлар! КПСС дўстона партиялар билан самарали алоқалар қилиб турибди ва бу алоқаларни ривожлантирмоқда. Съездимизда шу партияларнинг делегациялари ҳам қатнашмоқда. Биз қуйидаги вакилларни зўр мамнуният билан табриклаймиз:

Фронт Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Нгуен Ван Хиеу бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти вакилларини **(Қарсаклар),**

Араб Социалистик Иттифоқи олий ижроия комитетининг аъзоси, бош секретари ўртоқ Абу Ан-Нур бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикаси араб Социалистик иттифоқи вакилларини **(Қарсаклар).**

Фронт Марказий Комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Кейсон Фомвихан бошчилигидаги Лаос ватанпарварлик фронти вакилларини **(Қарсаклар),**

Ангола Озодлиги халқ ҳаракати партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия Миллий сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Диане бошчилигидаги Гвинея Демократик партияси вакилларини **(Қарсаклар).**

Партия бош секретари ўртоқ Кабрал бошчилигидаги Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Марказий Комитет Сиёсий комиссиясининг аъзоси ўртоқ Дель Канто бошчилигидаги Чили социалистик партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия сиёсий секретари ўртоқ Веккьетти бошчилигидаги Италия пролетар бирлиги социалистик партиясининг вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия миллий ва регионал раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Ас — Самарраи бошчилигидаги Ироқ Араб социалистик уйғониш партияси вакилларини **(Қарсаклар).**

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Раҳмон бошчилигидаги Курдистон (Ироқ) демократик партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия бош секретари ўртоқ Исмоил бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикасининг Миллий фронт партияси вакилларини **(Қарсаклар).**

Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Ндалла бошчилигидаги Конго Меҳнат партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия Миллий Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Ғойиб бошчилигидаги Мавритания халқ партиясининг вакилларини, **(Қарсаклар),**

Партия раиси вазифасини бажарувчи ўртоқ Самор бошчилигидаги Мозамбик Озодлик фронти вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия муваққат регионал раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Важбуж бошчилигидаги Сурия Араб социалистик Уйғониш партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Революцион кенгаш аъзоси ўртоқ Элми бошчилигидаги Сомали олий революцион кенгаши вакилларини **(Қарсаклар),**

Революцион кенгаш аъзоси ўртоқ Абу Зайд бошчилигидаги Судан Демократик Республикаси революцион кенгаши вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия Марказий Комитети ва миллий ижроия комитети аъзоси ўртоқ Мвакаваго бошчилигидаги Танганьика Африка Миллий иттифоқи вакилларини **(Қарсаклар).**

Занжибар «Афро-Шерази» партияси ва революцион кенгаши Марказий Комитет аъзоси ўртоқ Муҳиддин бошчилигидаги Занжибар «Афро-Шерази» партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия президенти вазифасини бажарувчи ўртоқ Тамбо бошчилигидаги Жанубий Африка африкаликлар Миллий конгресси партияси вакилларини **(Қарсаклар),**

Иттифоқ раиси ўртоқ Нокелайнен бошчилигидаги Финляндия ишчилари ва майда деҳқонлари Социал демократик иттифоқи вакилларини **(Қарсаклар),**

Партия Марказий Ижроия Комитети раиси ўртоқ Хино бошчилигидаги Япония Социалистик партияси вакилларини табриклаймиз **(Қарсаклар).**

Биз бошқа партияларнинг бу ерда ҳозир бўлган вакилларини ҳам табриклаймиз **(Қарсаклар).**

Коммунистик, Миллий демократик ва сўл социалистик партиялар делегацияларининг съездимиз ишида қатнашаётганлиги партиямиз билан, халқимиз билан интернационал бирдамликнинг ёрқин ифодаси бўлиб, коммунистик сафларни янада жипслаштиришга, ҳозирги замондаги барча революцион, антиимпериалистик кучлар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўртоқлар!

КПСС XXIII съездидан кейин ўтган вақт ичида партиямиз ва мамлакатимиз тилларда достон бўлиб қолган саркарда, партия ва давлатимизнинг энг кекса арбоби Климент Ефремович Ворошиловдан жудо бўлди. Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг актив қатнашчиси, партиямизнинг таниқли арбоби Николай Михайлович Шверник вафот этди.

Жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати кейинги йилларда ишчилар синфининг иши учун оташин курашчилар, ҳаракатимизнинг кўзга кўринган арбоблари, синалган интернационалистлар, Совет Иттифоқининг содиқ дўстлари, унутилмас қуйидаги ўртоқлардан;

Халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг кўзга кўринган арбоби, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти ва Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси Хо Ши Миндан,

Венгрия ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ветерани, Венгрия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири Ференц Мюннихдан,

Венгрия Халқ Республикасининг таниқли давлат арбоби, социализм иши учун забардаст курашчи Иштван Добидан,

Австрия ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ветерани, оташин антифашист, Австрия Коммунистик партиясининг фахрий раиси Иоганн Копленигдан,

Аргентина ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Аргентина Коммунистик партиясининг асосчиси ва раиси Викторио Кодовилладан,

Австралия ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг кекса арбоби, Австралия Коммунистик партиясининг бош секретари Лоренс Шаркидан,

Бельгия ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби, Бельгия Коммунистик партиясининг раиси Эрнест Бюрнельдан,

Империализмга қарши мард курашчи, Гваделупа Коммунистик партиясининг бош секретари Эвремон Жендан,

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети бош секретарининг ўринбосари Хосе Гонсаледан,

Куба революциясининг атоқли раҳбарларидан бири Эрнесто Че Геварадан жудо бўлдик.

Шу вақт ичида биз бошқа бир қанча жанговар дўстларимиз ва ўртоқларимиздан ҳам жудо бўлдик.

Жаҳон антиимпериалистик ҳаракати миллий озодлик ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бири, Араб Социалистик иттифоқининг раиси, Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носирдан жудо бўлди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний ҳалок бўлган кишилар, вафот этган ўртоқларнинг хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олишни таклиф қилади.

Ҳамма ўрнидан туради.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини тузишга — президиум, секретариат, редакцион ва мандат комиссияларни сайлашга киришадилар.

Ўртоқ Н. В. Подгорний бундай дейди: кеча республика, ўлка ва область партия ташкилотлари делегациялари вакиллари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш съезднинг раҳбар органи составн ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқди ва сизнинг муҳокамангизга тақдим этади.

Делегациялар вакиллари кенгашининг таклифига биноан, съезд президиуми 75 кишидан иборат составда бир овоздан сайланади.

Съезд президиумининг аъзолари ўринларини эгаллайдилар. Съезд делегатлари ва меҳмонлар уларни қизғин табриклайдилар.

Делегатлар съезд секретариатини сайлашга киришадилар.

Делегациялар вакиллари кенгашининг тавсиясига биноан съезд секретариати бир овоздан 25 кишидан иборат составда сайланади.

Съезд делегациялар вакиллари кенгашининг таклифига биноан, 24 кишидан иборат составда редакцион комиссияни бир овоздан сайлайди.

Шундан кейин 43 кишидан иборат составда мандат комиссияси бир овоздан сайланади.

Ўртоқ Н. В. Подгорний съезднинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлашни таклиф этади.

КПСС XXIV съездининг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.
2. КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади — докладчи Марказий Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.
3. СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин.
4. Партия Марказий органларини сайлаш.

Съезд кун тартибидаги биринчи масалани қараб чиқишга киришади.

Ўртоқ Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилиш учун Марказий Комитетнинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз беради.

Делегатлар ва меҳмонлар ўртоқ Л. И. Брежневни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади зўр эътибор билан тингланди ва узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Доклад тугади. Гулдурос қарсаклар бошланиб кетади. Ҳамма ўрнидан туради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига хитоб садолари янграйди. Ура! Шон-шарафлар бўлсин! — деган садолар зал гумбазлари узра кўп марта такрорланади.

Раислик қилувчи ўртоқ Н. В. Подгорний мажлисни ёпиқ деб эълон қилади.

31 мартда съезд ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

№ А—1719. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 02383.